

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**ИЖТИМОЙ МЕЪЁРЛАР ВА  
ИНСОН САЛОМАТЛИГИ**

Тошкент-2008



Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

И.К. Абдуллаев, З.Ж.Муталова

## Ижтимоий меъёрлар ва инсон саломатлиги

Тошкент-2008

Абдуллаев Ибадулла Кочкарович - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаши бошқарыш кафедраси мудири.

Муталова Зулхумор Жалоловна - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик ва тиббий статистика институти директори, т.ф.н.

Ушбу китоб ижтимоий меъёрлар ва уларнинг одамлар соғлиғига кўрсатадиган салбий таъсирларини, уларнинг шаклланиш механизмларини, шунингдек, носоғлом ижтимоий меъёрларни ёшлар онгода шакллантирмасликда таълим ва тарбиянинг тутган муҳим ўрни ҳақидаги бир қатор маълумотларни ўз ичига олган. Китоб биринчи навбатда, кенг оммага, ўқувчиларга, соғлом турмуш тарзини тарғибот йўналишида фаолият кўрсатаётган шифокорларга ва соғлиқни сақлаш ташкилотчилари учун мўлжалланган.

#### **Тақризчилар:**

*Бобоҷонов А.С. – Тошкент тиббиёт академияси  
Жамоат саломатлиги ва соғлиқни  
сақлаши бошқарыш кафедраси мудири,  
т.ф.д,профессор.*

*Абдуллаев Р.Б. – Тошкент тиббиёт академияси  
Урганч филиали Факультет терапияси  
кафедраси мудири, т.ф.д.профессор.*

## **Сўз боши.**

**Инсондаги хар бир шаклланган носоғлом**

ижтимоий меъёр – бу касалликдир!

**“Муаллиф”**

**Китоб “ҳомийлар ва шифокорлар йили”га бағишланади.**

Инсон боласи дунёга келиб, ўзи туғилиб ўсган ижтимоий мухитнинг маҳсули сифатида биринчи галда, ана шу ижтимоий мухитда олдиндан шаклланган ва аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган соғлом ва шу билан бир вақтда носоғлом ижтимоий меъёрларни ҳам ўзлаштириб боради. Натижада болада ўзига хос хулқ, характер, дунёқарааш, атрофдаги бўлаётган ҳодиса ва воқеликларга нисбатан ҳам муносабатлар шаклланади. Рисолани ўқиб, уни мутолаа қилар экансиз, бир қараашда барча жараёнлар бизнинг кундалик ҳаётимиз ва фаолиятимиздек, ундаги бўлаётган гаплар оддийтина кечинмаларга ҳам ўхшаб кетади. Ҳаётнинг майда-чуйда икир-чикирлари билан баъзида бу ҳолатларга эътиборимизни ҳам қаратмаслигимиз мумкин. Лекин сал чукуурроқ таҳлил қилиб масалага жиддийроқ ёндашилса, аслида бу китобда бизнинг соғлиғимизнинг мазмуни, унга путур етказувчи барча ижтимоий омиллар батафсил ёритиб берилган. Биз, одатда, кўп нарсаларни шундай бўлиши керакдай қабул қилишга одатланиб қолганмиз, баъзида ана шу ҳолатга маълум даражада мослашиб ҳам қоламиз. Аслида бунинг умуман хотўгри эканлигига, фақатги на бирон-бир касалликка чалиниб, унинг сабабларини суриштириб бўлгандан кейингина амин бўламиз ва афсуслар чекиб, пушаймонлар қиласиз. Муаллиф бизни фақатгина ўзининг бу борадаги тиббий-гиеник ва педагогик-психологик билимларига таянган ҳолда огоҳликка чорламоқчи, холос. Бугун бу ўта долзарб ва тарғибот қилиниши жуда зарур бўлган тадбирлардан бири ҳисобланиб,

соғломлар соғлиғини асрашнинг харакатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади. Одамда касаллик ўз-ўзидан, тасодиған пайдо бўлиб қолмайди. Унинг организмда пайдо бўлиб, касаллик кўринишида шаклланмоғи учун ўнлаб сабаблар, яъни омиллар таъсири керак бўлади. Айнан, ана шу омилларнинг пайдо бўлишида, унинг организмга салбий таъсир кўрсатишида, муаллиф фикрича, ҳар бир инсоннинг ўзининг тутган ўрни ва роли катта. Ҳар қайси турдаги омилларни, турмуш тарзини оласизми, ирсиятни, ташки мұхит омилларини ёки тиббий омилларни оласизми, барибир ана шу омилларнинг таъсир даражасининг ошиши ёки камайиши мазкур шахснинг ҳар томонлама тарбияланганлик даражасига, хулқига, характеристига, дунё-қарашига, ҳар хил соҳалар бўйича билим, малака ва кўникмаларига ҳам кўп жихатдан боғлиқлиги назарий ва амалий жихатдан ҳар томонлама исботлаб берилган. Биз ҳамиша таъкидлаймиз, “касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган енгилрок”, менинг фикримча, айнан касалларнинг олдини олишда ушбу китобча ҳар бир оила китоб жавонидан жой олиши керак, деб ўйлайман. Минг айттандан кўра, бир марта бўлса-да фарзандларимиз ушбу рисолани ўқиб чиқсалар, ўзларининг соғликлари масаласида бир оз ўйлаб иш қилган бўлардилар. Энг асосийси, эндиғина характеристи ва дунёқараши шаклланаётган ёшлар мен аминманки, ўқиб, албатта, тўғри хулоса чиқарадилар. Биз одатда, кўпроқ касаллар ва уларни қандай даволашлар тўғрисида, айниқса, кейинги пайтларда радио, телевидениеда, реклама роликларида маълумотларни тарифбот қилишга одатланиб қолдик. Ушбу рисоланинг олдига кўйган асосий мақсади ва вазифалари ҳам битта-халқимиз касалланмаслиги учун, соғлом бўлиши учун нима қилиш қераклигини тушунтириш ва муаллиф маълум даражада бу мақсадга тўлақонли эришган деб ўйлайман.

## 1 - боб. Ижтимоий меъёрлар ва уларнинг шаклланиши.

Инсон боласи туғилганида ҳайвон боласидан фарқли ўларок, у тайёр, ўзининг қонун ва қоидалари билан шаклланган ижтимоий мухитга тушади ва ана шу мухит унинг олдида ўз қонуниятларини ёзади, бола эса ушбу нормалар, яъни қонуниятларнинг бевосита таъсири остида ўсиб улғаяди ва шахс сифатида шаклланади. Ижтимоий нормалар, яъни одатлар минг йиллар давомида шаклланади, даврлар ўтиб янги давр психологияси таъсирида янги одатлар пайдо бўлади, айрим эски одатлар ўз-ўзидан аста-секин йўқолиб боради. Аммо, инсониятга хос бўлган жараёнлардан бири шуки, у ўзида шаклланган яхши, ижобий, баъзида эса салбий ижтимоий нормаларни ҳам ўзининг миллий қадриятлари сифатида узоқ йиллар сақлайди, уни такомиллаштиради ва ўзидан кейинги авлодларга ўтказиб беради. Ҳайвонларда ҳам бу каби хусусиятлар айрим шартсиз рефлекс, яъни инстинктлар сифатида, ҳар хил ҳайвонлар орасида ўзига хос бўлган одатлар шаклланган, улар ҳам бу одатларни ўзларининг авлодларига, улар ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб одатлантиради ва шу ҳайвон турига хос бўлган меъёр кўринишида шаклланади. Ижтимоий меъёр ёки одат ўзи нима? У қандай жараёнларда шаклланади, уни шакллантирувчи омиллар, одатларнинг пайдо бўлишига қандай таъсир кўрсатади. Ижтимоий нормалар ҳар бир шахсада, оиласда, маҳаллада, туманда, вилоят ва бутун бир мамлакатда ўзига хос тарзда шаклланиши мумкин. Шу боисдан ҳам инсон, яъни шахс бетакрор мавжудот ҳисобланади. Кўпчилик психолог олимларнинг фикрича, инсон тайёр онг, характер, дунёқараш ва ҳатто темперамент билан дунёга келиши айтилади, аммо, аслида бундай эмас. Бола

онадан биологик мавжудот сифатида дунёга келиб, юқорида таъкидлаганимиздек тайёр, ҳар томонлама мұккамал шаклланған ижтимоий мухитта тушиб, унинг таъсирида ижтимоий-биологик мавжудот сифатида, комил инсон сифатида шаклланади. Ана шу ижтимоий мухитларнинг бевосита таъсирлари остида болада тил, нутқ, характер, темперамент, умумий ва илмий дунёқараашлар пайдо бўлади, ривожланади, такомиллашади ва ўзи хам ана шу ижтимоий мухитнинг бир аъзосига айланаб, ўзидан кейинги авлодлар учун юқорида қайд этилган одатлар манбаига айланади.

Ижтимоий одатлар ҳар бир инсоннинг бутун ҳаёти, фаолияти ва ҳатто бир кеча-кундуздаги фаолият турларини ўзига ва ўзи шаклланған мухитта хос тарзда амалга ошириш хисобланади. Инсон ана шу фаолиятларини биринчи навбатда, ҳаёт давомийлигини, ҳар хил максадларга қаратилған эҳтиёжларини ва энг асосийси, саломатлигини таъминлашга қаратади.

Аммо, бу ҳаётий одатларнинг ҳаммаси ҳам одамлар учун ижобий натижа келтиради, деб бўлмайди. Ҳар бир фаолиятни умуминсоний нуктаи назардан тўғри амалга оширгандагина у нафқат айнан мазкур шахсга, балки жамиятта ҳам фойдали ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг тўғри сўзли, иймонли, эътиқодли, садоқатли, меҳнатсевар ва ҳоказо хусусиятларга эга бўлиши ҳам ана шу биз фикр юритаётган ижтимоий одатларнинг бир кўринишидир. Ўз-ўзидан савол туғилиши мумкин, бу хусусиятларнинг инсон соғлиғига қандай алоқаси бўлиши мумкин. Тўғри, бир караганда таъсири йўқдек туюлиши мумкин, аммо масалага чукурроқ, илмий, психологик нуктаи назардан ёндашилса, бу ҳолатларнинг акси бўлмиш нопоклик, имонсизлик, инсофсизлик, эътиқодсизлик, фаразгўйлик, меҳр-шафқатсизлик, садоқатсизлик, дангасалик, ялқовлик

каби одатлар биринчи навбатда, жамият, яни ижтимоий мухит саломатлигига путур етказади, қолаверса ана шу хусусиятга эга бўлган шахслар атрофидаги одамлар соғлиғига ёмон таъсир кўрсатишини батафсил ёзиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Инсонга хос бўлган, ҳаётда орттирилган ҳар қандай ижтимоий одат – бу инсоннинг қайсиdir бир йўналишидаги фаолияти, қизикиши, бошқача қилиб айтганда, унинг ҳаёт тарзи саналади. Агар ушбу одат меъёрда бўлса, бу биринчи навбатда айнан ана шу инсоннинг соғлиғига, қолаверса, жамоат соғлиғига салбий таъсир кўрсатмайди. Айтайлик, кишининг юриши, туриши, меҳнат қилиши, дам олиши, овқатланиши, кийиниши, мулоқоти ва бошқа фаолиятларида ўзига хос ижтимоий меъёрлар борки, бу хусусиятлардан одам биринчи галда, қоникиш ҳосил қилиб лаззатланмоғи керак. Агар унинг акси кузатилса-чи? Бундай ҳолларда айнан биз ҳозиргина айтган ижтимоий меъёр одамлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, натижада организмнинг ташки мухит билан бўладиган барча турдаги мувозанатлари издан чикади ва ҳар хил касалликлар пайдо бўлишида амал бўлиб хизмат қиласди. Одатда ҳар қандай ижтимоий меъёр инсон учун хизмат қиласди. Айнан ана шу хизмат қилиш жараёнида унинг салбий таъсирлари бўлмаслиги керак.

Инсон боласи ҳамиша атрофдаги содир бўлаётган жараёнлардан таъсиранган ҳолда, ушбу жараёнларда бўлаётган воқеийликларни ўзлаштириб олади. Бу жараёнлар, ўз навбатида, ижтимоий ва салбий одатлар бўлиши мумкин. Айтайлик, боланинг ўқишга қизикиш меърининг шаклланиши қаерда ва қачон, қандай жараёнларда содир бўлади? Бола ёшлигига атроф-мухитдаги барча бўлаётган жараёнларга ўта қизиқувчан бўлиб, ана шу қизиқувчанликнинг мияда доминантлигини таъминлаш,

бизнинг мисолимизда ўқишига қизиқишни уйғотиш, биринчи галда бола ўсиб улгаяётган оила аъзоларининг ўқишига қизиқишилари, китоб ўқишига бўлган муносабатлари, уйига келадиган, яъни ота-оналарининг, атрофидаги одамларнинг ўқишига муносабатлари, оила аъзоларининг китоб ўқишига бўлган маданиятлари, шунингдек, болага ақлий билим моҳияти, мазмуни ва аҳамиятини тарбия орқали, олдиндан, режали тушунтириб, фақат ўқиши орқали инсон кўзлаган ниятларига сўзсиз эришиши мумкинлиги унинг онгига қандайдир бир мавсумий тадбир сифатида эмас, балки доимий равишда сингдирисагина, болада ўқишига бўлган қизиқиш, китоб ўқиши, билим олишга инилиш, илмга бўлган эҳтиёж ижтимоий меъёр сифатида шаклланиши мумкин бўлади.

Биз бугун бола тарбияси тўғрисида жуда ҳам кўп гапирамиз. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар тадбирлар ўртасидаги изчилликни таъминламасдан жараён амалга оширилса, тарбиянинг натижавий маҳсули бир томонлама бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Биз бугун жамиятда ҳар томонлама етук, юксак инсоний қобилиятларга, илмий ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёшларни тарбиялаб, этиштириш ҳақида гапираймиз. Болада бир вақтнинг ўзида ақлий, аҳлоқий, эстетик, иқтисодий, хукукий, экологик, тиббий-гигиеник, жисмоний, диний ва бошқа тарбиялар бўйича ижтимоий меъёрлар муаммоси шаклланишини таъминлайдиган тарбиявий жараённи амалга ошириш керак бўлади. Болага берилган ҳар қандай тарбия маҳсули асосида, унинг соғлиғига бевосита ва билвосита таъсир этувчи қатор омиллар ётади. Тарбия бериш жараёнида берилаётган мазкур тарбиянинг айнан тиббий-ижтимоий аҳамияти ва мазмунини бола онгига сингдирисагина, у турмуш тарзининг ижтимоий меъёрига айланади ва узоқ вақт шахснинг сало-

матлигини таъминловчи омил, яъни шароит бўлиб хизмат килади. Ҳар қандай ижтимоий меъёрнинг шаклланиши асосида катталарнинг ўрнак, намуналиги ётади. Одатда болага қўп нарсани айтиб, ўргатгандан кўра, амалда кўрсатиб ўргатиш осон кечади. Сабаби, бола айни пайтда ўргатилаётган у ёки бу ижтимоий қўникманинг амалдаги аҳамияти ва фойдасини тез англаб олади.

Болаларда у ёки бу ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши турли ижтимоий инстинктлар таъсирида пайдо бўлади. Уларнинг энг асосийси ва бирламчиларидан бири - бу оила. Биринчи навбатда, ота билан она, қолаверса, оиласинг бошқа аъзолари.

Мазкур бола дунёга келмасдан оиласда ўнлаб, юзлаб, ижтимоий меъёрлар шаклланган бўлади. Ушбу ижтимоий меъёрлар боланинг олдига ўз конуниятларини ёзади, бола айнан ана шу таъсиrlар остида шаклланади ва ушбу оиласда олдиндан шаклланган ижтимоий меъёрларни, у хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий бўлсин ўзлаштириб боради. Айтайлик, оиласда ота томонидан сўкиш одати, чекиш ёки шунга ўхшаш салбий ижтимоий меъёрлар шаклланган бўлса, бола айнан ана шу салбий ижтимоий меъёрлар таъсирида ўсиб улғаяди. Одатда, бу холатларни ёш бола салбий одат сифатида ҳам қабул қилмайди. Аммо, ушбу ижтимоий меъёрларни аста-секинлик билан ўзлаштириб олиб бўлгандан кейингина, унинг одат эканини билади. Аммо, бу пайтда бола бундай салбий одатларни ўзлаштириб олган бўлади. Инсон одатланиб қолган ҳар қандай ижтимоий меъёрдан воз кечиши бир мунча қийинчилик билан кечган. Бола токи ушбу одатнинг ёмонлигини англаб, ундан воз кечгунга қадар ҳам бундай салбий меъёрлар унинг организмига, қолаверса бошқалар соғлиғига ёмон таъсир қилиши мумкин.

Бола ёшлигига берилган ҳар хил тарбиялар асосида

шаклланган ижтимоий меъёрларнинг умри узок ва нисбатан турғун бўлади. Шу боисдан ҳам “болани ёшдан” деб бежиз айтилмаган. Бир нарсани алоҳида, аммо афсус билан таъкидлаш лозимки, биз кўпчилигимиз болаларни ҳар хил тарбияларнинг мажмууда ҳар томонлама тарбиялаш зарурлигини яхши биламиз, лекин ҳамиша ҳам бу борадаги ўз бурчимизни тўғри бажаравермаймиз. Инсон ўзидағи салбий одатларни одатий бир ҳол деб билади ва у ўзича бу одатнинг атроф-муҳит учун ҳеч қандай салбий таъсири йўқ, деб ўйлади. Мен сўкинсам, нос ёки сигарета чексам бошқаларга нима? Ўзимнинг одамимни сўкаман, ўз пулимга олиб чекаман деб тахлил қиласди. Аммо, ҳар бир шахс у ким бўлишидан қатъий назар, у бошқалар учун маълум маънода ижтимоий муҳит ва ижтимоий меъёрлар манбаси саналади.

Оилада қиз болаларда ижтимоий меъёрларнинг шаклланиш манбаси бўлиб, биринчи навбатда, унинг онаси ва оиладаги ўзидан катта опалари ҳисобланади. Ўзбекларда ота - боболардан қолган мақол бор “қуш уясида кўрганини қиласди” дейишади. Қиз бола оилада биринчи навбатда муомала, гапириш, кийиниш, меҳнат қилиш, меҳмон кутиш, уй-рўзгор ишлари ва қатор гигиеник кўникмаларни бажаришда ва бошқа қатор ижтимоий меъёрларни ўзлаштириб олади. Бир қарашда буларнинг барчаси тарбия-ку, буларнинг одам соғлиғига қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Кейинги айрим маълумотларга қараганда, ўспирин кизларимизнинг 71,2 % ҳар хил экстрагенитал касалликларга чалинган ва шу ўринда яна бир савол туғилади, бу кизлар ушбу касалликларни қачон ва қаерда ортириб оладилар, ахир ўспирин кизларнинг барчаси ота-онасининг бағрида яшайдилар-ку. Қайси омиллар таъсирида бунча юқори дараҷадаги касалликлар пайдо бўлди? Менинг назаримда,

ушбу ҳолатларнинг ҳам асосий жавобини кўпчилик ҳолларда оиласдан излаш керак. Ҳар қандай касаллик ҳам ана шу биз фикр юритаётган ижтимоий меъёрлар маҳсулни эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак. юқорида фикр юритилган ўслирин қизларда қайд этилган касалликларнинг 58 %ини 1-2-даражали камқонлик, 25,1 %ини буйрак ва сийдик йўллари, 14,7 %ини сурункали тонзиллит, 15,1 %ини 1-2-даражали гипотиреоз ва 2,9 %ини ревматизм касалликлари ташкил қилган. Энг ачинарлиси шундаки, ўрганилган ўслирин қизларнинг 34 %ида ҳар хил гинекологик касалликлар аниқланган. (1) Яна ўз-ўзидан ҳақли савол туғилаверади, қисқа давр ичida бу даражадаги касалликлар қайси омиллар натижасида пайдо бўлди. Бугунги шифокорнинг энг устувор вазифаси ҳам айнан мана шу омилларни синчилаб ўрганиб, қизларда қайси салбий ижтимоий одатлар таъсирида бу касалликлар келиб чиқсанлигини аниқлашдир. Бир нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, касалликни келтириб чиқараётган омилларни йўқотмасдан, жуда бўлмаганда камайтирмасдан туриб, ҳар қандай куч ва имкониятга эга бўлган даволаш-профилактик муассасаларни қуриш, шифокорларнинг сонини ошириш йўли билан касаллашиб даражасини камайтиришга эришиб бўлмайди.

Организмда ҳеч қандай касаллик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Касаллик қайсиdir бир ёмон омилнинг ўзоқ вақт таъсири натижасида шаклланади. Айнан ана шу омил сиз билан бизда шаклланган салбий ижтимоий меъёр ёки одатларнинг маҳсулни саналади. Кўп ҳолларда афсус билан айтиш мумкинки, бу ҳолни биз одатий бир жараён сифатида қабул қиласиз.

Яна илмий хуносаларга мурожаат киласлик, 2002 йилда Республикаизда ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг хизматга яроқлилик даражаси 63,2 %ни, Хоразм

вилоятида 67,9 %ни ташкил этган.(2) Ўз-ўзидан маълумки, колган ўспирин йигитларда ҳарбий хизматга яроксизликка сабаб бўлаоладиган жиддий касалликлар рўйхатга олинган. Вилоятда тиббий қўрикда аникланган касалликларнинг 5,8 % асаб, 37,2 % ички касалликлар, 30,2 % ҳархил жарроҳлик жараёнлари, 8,1 % қулок-томок, 15,1 % кўз, 3,5 %ини тери касалликлари ташкил этиб, уларнинг 39,5 % даволашга муҳтож эканликлари таъкидланган. Бундай илмий хуносаларни кўплаб келтириш мумкин, аммо яна фикримизни ана шу ўспирин йигит-қизларнинг қисқа ҳаёти давомида бу каби касалликлар қайси ижтимоий меъёрлар таъсирида пайдо бўлганлиги қайта-қайта ўзига торгаверади. Демак, касалликнинг сабабларини кўз илғамас жойлардан эмас, биринчи навбатда ўзимизнинг турмуш тарзимиз, яъни ўзимизда шакланган у ёки бу салбий ижтимоий меъёр ёки одатлардан излашимиз керак бўлади.

Одатда биз салбий ижтимоий одатлар деганда, кўпроқ чекиш, ичиц, гиёҳвандлик каби ёмон иллатлар тўғрисида кўпроқ ўйлаймиз. Аммо, касаллик келтириб чиқарувчи юзлаб, минглаб, ҳатто бир неча минглаб салбий одатлар бўлиши мумкинлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Ушбу меъёрларнинг кўпчилиги бизнинг турмуш тарзимиз, ҳаётимизнинг давомийлигини таъминловчи шароитлар ҳисобланади. Ана шу яшашиб шароитларидан ўринли, меъёрда ва оқилона фойдаланиш эса соғлом турмуш тарзининг асосини ташкил этади. Хўш, бу борада, яъни оиласада соғлом турмуш тарзини шаклантириш, оила аъзоларида уларнинг соғлиғига салбий таъсир килмайдиган ижтимоий меъёрларни юзага келтириш борасида шифокорларнинг вазифалари нималардан иборат бўлади? Бугун мамлакатимизда соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ килиш давлат дастури амалга оширилмоқда. Унинг асо-

сий йўналишларидан бири ҳам айнан умумий амалиёт шифокорларини, оила шифокорларини тайёрлаш ва амалда жорий қилиш белгиланган. Бу йўналиш бир кунда тасодифдан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Кейинги йилларда шифокорларимиз амбулатория-поликлиник стационарларда ва бошқа ихтисослашган даволаш муассасаларида ишлаб, кўпроқ касалликларни даволаш ишлари билан банд бўлиб келаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Тўғрисини тан оладиган бўлсак, кўпчилик шифокорларимиз касалликларнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш ишларини ўзларига эп кўрмай қолдилар, десак ҳам муболага бўлмайди. Ахир соғликини саклаш сўзининг мазмунига бир эътибор берайлик, демак соғлом одамларнинг соғлигини саклаш тўғрисида гап кетиши керак. Демак, киши касал бўлди дегани, гап унинг соғлиги сакланмади деганидир.

Мамлакатимиз Президенти ва хукуматимизнинг ҳам кейинги йилларда юргизаётган соғликини саклаш борасидаги сиёсати ҳам айнан ана шу жараёнга қаратилган бўлиб, асосий шифокорларни аҳолига яқинлаштиришдан иборатки, унинг маҳсули сифатида мамлакатимизда кишлоқ врачлик пунктлари учун умумий амалиёт шифокорлари оила шифокорларини тайёрлаш босқичма-босқич йўлга кўйилмоқда. Оила шифокори участка терапевтидан фарқли ўлароқ, у оиласининг барча аъзоларини яхши билади, соғликлари хақида тўлиқ маълумотга эга ва улардаги айrim ижобий ижтимоий меъёрларнинг шаклланишига ва шу билан бир вақтда айrim салбий ижтимоий одатларнинг шаклланмаслигига бевосита таъсир этади. Аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, биринчидан, уларга биринчириладиган аҳоли сони камаяди, ҳар бир киши билан алохида унинг турмуш тарзи, ортирган ижтимоий меъёрларидан келиб чиқиб, бевосита ишлап имконияти

түғилади. Бу ўз навбатида оиласда соғлом турмуш тарзининг шаклланишида энг асосий омил бўлиб хизмат қилади. Олдинлари, кўп ҳолларда ўзининг самарасини бермаган санитария оқартув усулларидан воз кечилиб, ҳар бир оила аъзоси билан тушунтиришлар олиб бориш шароити юзага келди. Бугун соғликни сақлаш тизимида ҳам бозор муносабатлари шаклланаётган даврда ҳар қайси шифоқорнинг биринчи навбатдаги вазифаси ҳам одамларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг соғликларига ёмон таъсир этадиган ижтимоий меъёрларнинг шаклланишига йўл қўймасликдан иборат бўлмоғи зарур. Бола оиласда ўсиб-улгайиб, маълум ёшга етганда, у болалар муассасаларига боради ва ўзи учун айрим ижтимоий меъёрларни ўзлаштириб олишга тўғри келади. Болалар боғчаси ёки мактаб муассасалари бола учун янги ижтимоий мухит саналади ва мазкур бола ҳам ана шу жамоа аъзоларига мухит сифатида таъсир этади, яъни бола ана шу муассасага келгунга қадар унда бир қатор ижобий ёки салбий ижтимоий меъёрлар шаклланган бўлади ва аксинча, бола мазкур муассасага келгунга қадар ҳам муассасада қатор ижтимоий меъёрлар, яъни одатлар шаклланган бўлади. Муассасада кун тартиби, ўйнаш, ўқиши, дам олиш, овқатланиш, дарслар ва бошқа тадбирларни амалга оширишдаги белгиланган тартиб ва қоидалар кўринишида бўлиши мумкин. Ана шу янги муассасага келган бола айнан юкорида қайд этилган меъёрларга нисбатан кўникма ҳосил қилиши ва мослашиши зарур бўлади. Бу жараённинг тез ёки секин, ижобий ёки салбий кечиши ҳам кўп жиҳатдан ана шу биз юкорида таъкидлаб ўтган, боланинг оиласда орттирган ижтимоий меъёрларига боғлик бўлади. Боланинг характеристи, қизикиши, талабчанлиги, дангасалиги, ялқовлиги, муомаласи, бошқаларга муносабати шулар жумласидандир ва ана шу хусу-

сиятлар ўз навбатида боладаги шаклланган ижтимоий меъёрлар асосини ташкил этади. Баъзида ота-оналарда бу хусусиятларнинг бола соғлиғига қандай алоқаси бор деган савол туғилганда, айнан тиббиёт ходимининг асосий вазифаси ана шу хусусиятларнинг ижобий ва салбий томонлари, унинг бола ва унинг атрофидагилар соғлиғига етказиладиган таъсирларини батафсил тушунтириб беришдан иборат бўлади. Биз ота-оналар одатий ҳол, деб биладиган жараён узок вақт болага таъсир қилиши на-тижасида ҳар хил касалликлар келиб чиқиши мумкинлиги ва энг муҳими бунинг олдини олиш мумкинлигини, биринчи навбатда бу бизнинг кўлимизда эканлигини тушунтириш муҳим аҳамият касб этади. Одамларда ижобий ижтимоий меъёрларни шакллантириш, ривожлантириш ва доимо уларни такомиллаштириб бориш фақат гина врачларнинг иши десак, бу жуда хато бўлган бўлур эди. Ижобий ижтимоий меъёрларни шакллантириш, олдин таъкидлаганимиздек, ҳар хил турдаги тарбиялар йиғиндисининг маҳсули саналади. Одатда, таълим маҳсус тайёргарликдан ўтган, мазкур фанни ёки йўналиш бўйича ўқитишга хуқуки бор шахслар томонидан амалга оширилади. Тарбия билан эса ҳамма шуғулланади, қолаверса, ҳар бир ёши катта одам ўзидан кичкина ёшдагиларга ўзи орттирган ижобий ҳаётий тажрибаларни ўргатади. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қозонда бори чўмичга чиқади. Берилаётган тарбиянинг савияси, биринчи навбатда тарбия берувчининг тарбияланганлик даражасига боғлик. Аммо, болаларда тиббий-гигиеник кўникмаларни, ўз соғлиғига бўлган муносабатни ва ижобий тиббий – гигиеник ижтимоий меъёрларни шакллантиришда шифокорларнинг, айниқса, мактаб шифокорларининг роли катта бўлади. Шу боисдан мактаб ёшидаги болаларга режа асосида уларнинг жинсини, ёшини ва

керак бўлса, ўзлаштириш даражаси ва тарбияланганлик даражаларини инобатга олиб белгиланган дастурлар асосида тиббий-гигиеник, ахлокий-иродавий ижтимоий меъёрларни шакллантиришга қаратилган ишлар мунтазам олиб борилиши зарур. Бу борада, биринчи навбатда мактаб ўқитувчилари ўқувчиларга ижобий маънода ўрнакнамуна бўлсалар, улар берётган тарбия самарали кечади. Лекин, шуни афсус билан таъкидлаш жоизки, айрим ўқитувчилар “сен менинг айтганимни қил, қилганимни қилма” тарзида иш кўриб, тарбияси ёмон ўқувчилардан нолиб юрадилар. Ўзингиз бир кўз олдингизга келтиринг, ўқитувчи ўқувчининг мактабда кўз очиб кўрган ҳаётдаги энг яхши эталон шахси бўла туриб, ўзи чекиб, ўқувчиларга чекманглар, ўзи ичиб – ичманглар бу соғлиқ учун зарар деса, ўзи ҳеч қачон спорт билан шуғулланмасдан барчани спорт билан шуғулланишга ундаса, бундай тарбия самара берадими? Ачинарлиси шундаки, айрим болалар сигарета, нос чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилишни мактаб ёшидаёқ ўзлаштириб олади. Хўш, улар бу салбий ижтимоий одатларни кимлардан ўрганади? Мактабда унинг атрофида асосан кимлар бўлади ва у кимлар билан мулоқот қилишини ким назорат қилиши керак. Шу биз таъкидлаган ота-оналар билан ўқитувчилар эмасми. Битта нос ёки сигарета чекувчи бола бир йилда 3-4 болага чекишни ўргатади. Агар, шу жараённи инобатга оладиган бўлсак, биз сиз билан уларга нисбатан 2-3 баробар тарғибот ишларини яхшироқ олиб бормасак, жамиятда бу каби иллатлар ошиб бораверади. Натижада фикримиз яна шу болалар соғлиги билан боғлиқ муаммоларга келиб тақалаверади. Чекиш, ичиш ва бошқа шу каби иллатлар ҳам маълум вақтдан кейин мазкур истеъмол килаётган кишилар учун одатий ижтимоий меъёр, кундалик турмуш тарзининг бир бўлагига айла-

ниб қолади ва энг ачинарлиси шундаки, улар бу ҳолни күпинча ёмон одат сифатида ҳам тан олмайдилар, токи қандайдир бир оғир дардга чалинмагұңға қадар.

Умуман олганда инсон ҳаётининг асосини юзлаб, минглаб ижтимоий меъёрлар-одатлар ташкил этади. Одамнинг барча турдаги фаолиятларини амалга ошириш тизими ҳам айнан шу фаолиятига нисбатан шаклланган ижтимоий одатлар асосида амалга оширади. Шу боисдан ҳам биз ёши катталарнинг ўсиб келаётган ёш авлод олдидаги энг асосий бурчларимиздан бири ҳам ана шу ижтимоий меъёрни түгри шакллантириш ва түгри мақсадларда амалга оширишни ўргатышдан иборат, токи боланинг ўзлаштириб олган ижтимоий меъёрлари, одатлари унинг соғлом бўлишига хизмат қылсин.

Мактаб даври тугагач, болалар касб-хунар коллежларида, олий ўкув юртларида ёки кимдир меҳнат фаолиятини бошлиши билан давом эттирадилар. Бу янги мухитлар ҳам болалар олдида ўз қонун-қоидаларини ёзади, ўзига хос ижтимоий мухитлар таъсирига тушади ва ана шу мухитга мослашиб жараёнида ҳам бола айрим ижтимоий меъёрларни ўзлаштириб олади. Айрим ёшларимиз ҳарбий хизматга чакирилиб, ҳарбий хизматни ўташ жойларига борадилар. Бу ҳам йигитлар учун умуман янги жамоа, янги мухит, янги ижтимоий меъёр ва кўникмалар бўлиб, ана шу шароитга мослашиб жараёнида ҳам болалар кўплаб ижобий ва айрим пайтларда салбий одатларга кўникма хосил қиласидилар. Тўғри, ҳарбий хизматда йигитларимиз кўпгина бизнинг соғлиғимизга хизмат қиласидиган ижтимоий меъёрларга кўникма хосил қилиш билан бир вактда, айримлар сигарета чекиш, нос чекиш ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилиш каби салбий ижтимоий одатларни ҳам ўзлаштириб оладилар. Албатта, қайд қилинган кўникмаларга бўлган мойиллик бола-

нинг оиласда, мактабда, хуллас ҳарбий хизматтача бўлган даврда ўз соғлиғига нисбатан олган тиббий – гигиеник, ахлоқий – иродавий ва бошқа тарбиясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Мактаб ёшидан кейин ўқишига кирмаганлар ўзларининг меҳнат фаолиятларини бошлаб, қайсиdir меҳнат жамоасига тушади. Ҳар бир меҳнат жамоаси меҳнат туридан, ишлаб чиқариш характери, тури ва технологиясидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос мухитга хисобланади. Қизларимиз турмушга чиқиш жараёнида ҳам ўзлари учун батамом бошқа ижтимоий мухитга тушадилар ва ана шу мухитга мослашиб жараёнида айрим, айнан шу мухитга хос бўлган ижтимоий меъёрларни ўзлаштириб олишга тўғри келади. Хулоса килиб, фикр юритаётган жараёнимизни таҳлил килиб айтиш мумкинки, одам боласи факат ёшлигида тарбия олади ва ижтимоий кўникмалар пайдо бўлади десак бир оз хатоликка йўл кўйган бўламиз. Ҳар кандай тарбия тури шахснинг ёши, жинси, хаётдаги эгаллаган ўрни, мавқеи, саломатлик даражасига нисбатан маълум даражада тарбияланади, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзига айрим ижтимоий меъёрларни ўзлаштириб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам ишонч билан айтиш мумкинки, тарбия ҳамиша ҳаммага ва ҳамма жойда берилиши керак бўлади. Айнан, ана шу тарбияларнинг маҳсули ижтимоий меъёрлар-одатлар кўринишида пайдо бўлади ва инсонга оқилона меъёрда яшаш шароити ёки ҳар хил касаликларни келтириб чиқарувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Бир сўз билан айтганда, одамларга хос бўлган ижтимоий меъёрларнинг узоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин манбаси биринчи навбатда оила, кейинчалик маҳалла, болалар муассасалари, ҳар хил тўгараклар ва уюшмалар, ўрта ва олий ўкув юртлари, меҳнат жамоалари хисобланниб, ана шу ижтимоий мухитлар таъсирларининг маҳсули си-

фатида ўз аксини топади. Бугун бутун жамоатчиликнинг қолаверса, биринчи навбатда маориф ходимлари, тиббий ходимларнинг биринчи галдаги вазифаларидан бири, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгига ижобий ижтимоий меъёрларни, одатларни сингдириш, салбий меъёрларнинг кенг омма ичидагазак олишига йўл кўймаслик, уларнинг онгига соғлом турмуш тарзининг элементларини сингдириш йўли билан жамиятда соғлом авлод шакллантиришнинг асосини яратишдан иборат.

## II – боб.

### Умумисоний маданият ва унинг соғлиқка таъсири.

Бир қарашда бу масала ўкувчига бир оз бошқачароқ ҳам туюлиши мумкин. Умумисоний маданият билан соғлиқ ўртасида қандай алоқа бўлади, маданият, маданият-шунослик ўзи алохидаги катта йўналиш деган хақли бир савол ҳам туғилиши мумкин. Маданият ўзи нима? Маданият тўғрисида тушунчалар жуда кўп. Ҳар бир йўналиш ва соҳанинг, мутахассисликнинг, айрим халқлар ва миллатларнинг ўзига хос бўлган маданияти бор. Бир миллат учун оддий ҳол бўлган жараён иккинчи бир миллат ёки халқ учун ўзгачароқ, бошқачароқ қилиб айтганда, маданиятсизлик сифатида кўриниши мумкин. Бирон бир киши учун маданият меъёри бўлиб туолган жараён, бошқа учун маданиятсизлик аломати сифатида кўринади. Демак, маълум маънода маданият нисбий жараён ҳам бўлиши мумкин экан. Умуман бизнинг фикримизча, инсон ҳар қандай фаолиятини бажариш жараёнида маълум бир умумисоний меъёрларга риоя қилган ҳолда амалга оширса, буни маданият маҳсули сифатида қабул қилиш мумкин. Агар бундай хатти-харакат бошқаларнинг фаолиятига, уларнинг асаб тизимига, қадриятига салбий

таъсир қилмаса. Гап муомала маданияти түғрисида кетаётган бўлса ажаб эмас. Инсоннинг энг муҳим ва ҳаётий зарур эктиёжларидан бири, физиологик эктиёждан кейин – бу мулоқотга бўлган эктиёжидир. Хўш, одам мулоқотдан нима олади. Мулоқотдан ё қоникиш ҳосил қиласди ёки унинг акси қониқмаслик, яъни мазкур мулоқотдан инсон ранжийди, кўнгли чўкади, кайфияти бузилади, асабийлашади, йиглайди, боши оғрийди, боз устига бу борадаги ишлари юришмайди, маълум маънода ижтимоий-иктисодий ва психологик заرار ҳам кўради. Яхши мулоқотдан эса бунинг акси, инсон қоникиш ҳосил қиласди, кайфияти ва рухияти кўтарилади, қилаётган ишига бўлган муносабати яхшиланади ва маълум маънода ижтимоий – иктисодий манфаатлари ҳам яхшиланади. Бундан хулоса шуки, умуминсоний маданиятнинг бир тури бўлмиш муомала маданияти түғридан-тўғри одам соғлиғига таъсир қиласди. Шу ўринда айтиш мумкинки, ҳалқимизда яхши бир мақол бор “яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан одам динидан чиқади” дейишади. Яхши гап жон озиги деб бекорга айтилмайди. Айрим кишиларда айнан ана шу муомала маданиятининг етишмаслиги қўполлик, шошма-шошарлик, ўйламасдан ганириш, тафаккур қилишда хис-ҳаяжонни мантиқдан олдин кўйиш, бошқалардан маълум маънода устуворлик қилишга интилиш каби хатти-ҳаракатлар кўринишидаги ижтимоий меъёрларда намоён бўлади. Одатда бундай одамлардан қўнчилик қочишга, улар билан иложи бўлса мулоқотда бўлмасликка харакат қиласдилар, аммо бунинг ҳамма вақт ҳам удласидан чиқиб бўлавермайди. Демак, муомала маданиятсизлиги туфайли соғлиғимизга бўладиган ёмон омиллар билан тўқнашинг эктимоллик дараҷаси мавжудлигини бир дақиқага ҳам унутмаслик керак. Муомала фақат сўз орқали ёки бевосита гаплашиш орқа-

ли эмас, балки ҳар хил усулда ва воситалар орқали ҳам бўлиши мумкин ва барибир салбий муомала инсон соғлиғига, биринчи навбатда, асаб тизимиға, инсон рухиятига ёмон таъсир этади. Бола дунёга келганидан то умрининг охиригача атрофидагилар билан муомала ва мулоқотда бўлади. Шу боисдан ҳам ҳар хил ижтимоий муҳитнинг ўзига хос муомала маданияти борки, унга ҳар бир киши ўз имконияти даражасида риоя қилса, ўзига ва бошқаларга бўладиган ёмон таъсирларнинг олдини олган бўлади. Айтайлик, оиласда бўладиган муомала маданиятини бола биринчи навбатда ота-онасидан ўзластириб олади. Отаси ёки онаси сергап бўлган боланинг кам гап бўлиши эҳтимоли камрок бўлади. Қолаверса, боланинг муомала маданияти кўча, маҳалла, болалар боғчаси, мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ва бошқа ҳар хил катта – кичик жамоалар таъсири асосида шаклланади ва шунинг учун ҳам ҳар бир ҳудудда, вилоят, туман ва айрим маҳалла, шунингдек оиласарда ҳам ўзига хос муомала маданияти шаклланади. Шу боисдан ҳам баъзи бир гурухга хос бўлган одамлар бошқа муомала маданияти шаклланган кишилар билан гаплашганларида, ҳатто бир-бирларидан ҳафа ҳам бўлиб қоладилар. Бунинг сабаби ҳам айнан мана шу ҳар хил муомала маданияти хисобланади. Бундай, нисбатан салбий омиллардан қочишнинг бирдан-бир йўли, сиз мулоқот қилаётган одамларнинг муомала маданияти меъёри билан олдиндан танишишdir. Шундагина сиз, у кишига нисбатан зарур мулоқот маданиятини ёки бошқача қилиб айтганда, меъерини олдиндан танлайсиз. Хулоса сифатида шуни айтиш қеракки, муомала маданиятсизлиги инсон фаолиятининг барча турларида энг асосий ва етакчи асабий жароҳат омили сифатида бевосита салбий таъсир қилувчи омил ва ўнлаб қасаллик-

ларнинг, ҳатто руҳий касалликларни ҳам пайдо бўлишида тутган ўрни катта.

Икки оғиз мулоҳаза, одамнинг соғлиғи масаласида энг кўп мулоқотда бўладиган табиат неъматларига нисбатан маданияти ва унинг соғлиққа таъсири ҳақида фикрлашиб олсак фойдадан ҳоли бўлмайди. Инсон эҳтиёжи, ҳаётий зарурияти учун яратилган барча неъматларнинг аълоси – тўрт унсур: ер, сув, куёш ва ҳаво ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, одам 60 йиллик умри давомида 50 тоннагача сув истеъмол қиласр экан. Ер шари аҳолисига бир кечакундузда 9 млрд.куб.метр сув керак бўлар экан. (Raupov T. 2005). Ичимлик сувига бўлган ижобий муносабат - маданият бизда қадимдан шаклланган. Ҳатто “Авесто”да ёзилишича, сувни исроф ва ифлос қилганларга ниҳоятда қаттиқ жазо берилган. Табиатни биз, одатда, она табиатимиз деб атаймиз. Аммо, унга бўлган муомала ва муносабатимиз ҳамма вақтларда ҳам худди шу онага бўлган муносабатдаймикин? Ҳамма гап ҳам ана шунда. Одамларда айнан ана шу она табиатга бўлган маданиятни шакллантириш қачон ва қандай амалга оширилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида “Фуқаролар атрофга, табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” деб аниқ ва лўнда кўрсатилган.(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-1992). Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонунининг 2-бўлим, 4-моддасида ҳам “ҳар бир одам қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлишига ҳақли” эканлиги кўрсатилган. Хўш, мана шу қонунчилик талабларига риоя қилиш кўникмаларини, табиат

нельматларига бўлган аждодларимиздан келаётган, миљий қадрият даражасига чиккан ижобий урф-одатларни кундалик одатий ижтимоий меъёр даражасига кўтариш, уни катта маданиятилизнинг бир бўлаги сифатида ёшлиризмиз онгига сингдириш бугунги биз катталарнинг, педагогларнинг, қолаверса бутун жамоатчиликнинг асосий вазифаси хисобланади.

Тўғрисини тан олишимиз керак, бугун жамиятизда айрим кишиларнинг табиат неъматларига бўлган муносабатлари унчалик кўнгилдагидек эмас. Кейинги йилларда Орол дengизи билан боғлик бўлган экологик ноҳотиржамликлар тўғрисида, худудда ичимлик сувининг санитария талабларига жавоб бермаслиги, ичимлик суви заҳирасининг камаяётганлиги ва бошқа экологик номувозанатликлар тўғрисида адабиётларда кўплаб маълумотлар берилаяпти. Унинг натижасида одамлар соғлиғига бўлаётган омиллар, айрим синфа оид қасалликларнинг ошиб бориши катта бир ташвиш билан ёзилмокда. Ўзўзидан ҳақли савол туғилади, мана шу ахволга биз табиатнинг кутилмаган бир стихияли-табиий ҳолатлари нағижасида юз тутмоқдамизми ёки онгли инсонларнинг ноқилона фаолиятлари нағижасидами?

Табиатга ёмон муносабатда бўлиш – бу ўз соғлиғимизга ёмон муносабатда бўлишdir. Негаки, инсон ҳам ана шу она табиатнинг бир бўлаги. Табиатни соғломлаштирумасдан туриб, одамлар соғлиғини яхшилаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Табиатнинг соғлиғи айнан биз юқорида қайд этган сув, тупроқ, ҳаво, қуёш нурининг соғлиғига намоён бўлади. Айрим маълумотларга қараганда, бир киши бир кечакундузда 2 кг каттиқ чикиндени ташки мухитга чиқарар экан, агар ер куррасида 6,5 млрдан кўпроқ ахоли бўлса, бир кунлик табиат учун зарарли бўлган фақатгина одамлардан чи-

қадиган қаттиқ чиқиндининг микдорини ҳисоблаш кийин эмас. Бу албатта, инсоннинг ҳаёт фаолиятида чиқадиган табиий чиқинди, аммо уни табиатга оқилона, заарсизлантирилган ҳолда ташланса, кўп ҳолларда у табиатни соғломлаштиришга ҳам ёрдам беради ва тупрокнинг ҳосилдорлигини оширади. Афсус билан қайд қилиш лозимки, кўпчилик одамларда шундай бир салбий ижтимоий меъёрлар шаклланган. Улар ўзларининг турмуш жаённида керак бўлмаган ёмон маҳсулот ва айрим предметларни сувга ташлаб юбор, оқиб йўқ бўлиб кетади, деб, ҳатто фарзандларига ҳам ўргатадилар, йиғилиб қолган ахлатларни энг осон йўли-ёқиб юборинглар ёки одам бормайдиган жойга ташлаб юборинглар, деб уқтирадилар. Мен республикамизнинг қоқ ўртасидан иккита сув манбаси оқиб ўтадиган шаҳарда яшайман. Баъзида одамларнинг сувга бўлган ноинсоний муносабатларини кўриб, бу нарса фақатгина шу инсоннинг табиатга маданиятсизлиги билан чегараланиб қолса-ку унчалик ачинарли эмас, аммо бу бир вақтнинг ўзида ўта салбий ўрнак-намуналлик, бу ёшларда табиатга нисбатан экологик маданиятнинг шаклланишига ёмон таъсир кўрсатиши келгусида ёмон оқибатларга олиб келишини ўйлаганимда, ўзимни жуда ёмон ҳис қиласман. Тўғри кейинги йилларда бу борада бир мунча ижобий силжишлар йўқ эмас, аммо бу ҳали ахолини соғломлаштириш, жамиятда соғлом авлодни шакллантиришдек, буюк ишларни амалга ошириш йўналишида қилинаётган ишларимиз олдида камдек туюлади. Яна одамлар соғлиғи тўғрисидаги барча фикрларимиз тарбияга бориб тақалаверади. Бу борада галдаги вазифалар нималардан иборат бўлмоғи лозим. Биринчи навбатда, она табиат неъматларига бўлган маданият оиласида шаклланмоғи керак. Бунинг учун оиласида фарзандларга экологик тарбия, табиатга бўлган меҳр-муҳаббат

рухидаги сұхбатлар амалй мөхнат билан бирга олиб борилмоғи, бириңчи навбатда, айнан ота-оналарнинг ўзлари инсоннинг соғлиғи бизни ўраб турған табиатнинг соғлиғига боғлиқлигини, бу борада етарли билим ва күнікмаларга эга бўлишлари зарурдир. Агар, оиласдан олдиндан табиат неъматларига нисбатан ижобий ижтимоий меъёрлар шаклланмаган бўлса, бу оиласдан айнан биз фикр юритаётган йўналишда тарбияланган ёш фуқароларга эга бўлиш эҳтимоли жуда паст бўлади. Бундай ҳолларда бу борадаги тарбияни талаб даражасида амалга ошириш мастьулияти болалар муассасалари, мактаб ва академик лицейлар, олий ўқув юрглари ва ҳар хил жамоат ташкилотлари ўзларининг зиммасига олишлари керак бўлади. Бу, одатда, шу тарзда амалга оширилади, аммо унинг қай даражада амалга оширилиши мухим аҳамият касб этади. Ҳакли бир савол туғилади, табиатга ёмон муносабатда бўладиган одамлар қаердан пайдо бўлади, одамларда бундай ижтимоий меъёр қайси жараёнларда шаклланади?

Ҳар бир юритаётган фикримизга, шу жумладан, табиат маданиятига бўлган муносабатга ҳам хулоса сифатида теран фикр юритиш билан разм солсак, охир-оқибат фикрларимизнинг барчаси одам соғлиғига келиб тақала-веради. Демак, ташқи мухитга нисбатан одамларнинг руҳиятини соғломлаштирумасдан, уларда она табиатга нисбатан турғун ижобий ижтимоий меъёрларни шакллантирумасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Инсоннинг фаолиятларида ўзига хос маданиятлар мавжудки, буларнинг барчалари маълум маънода инсон соғлиғига у ёки бу кўринишда таъсир қиласди. Буларнинг барчасига битта рисолада таъриф бериш қийин. Аммо, инсоннинг шундай бир фаолиятлари борки, унга тўхталмасдан илож йўқ. Одам умри давомида энг кўп мулоқот-

да бўладиган жараёнларидан бири - бу овқатланишdir. Овқатланиш - бу ҳар қандай тирик мавжудотнинг хаёт давомийлигини, ўсиш ва ривожланишини таъминловчи энг асосий ҳаётий жараёнлардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир ёшга, жинсга, меҳнат турига нисбатан овқатланиш меъёрлари гигиеник томондан шундай белгиланганки, бунда биринчи навбатда назарда тутилган тамоилилардан бири организмнинг бир кеча-кундузда сарфлаган энергиясини қоплашта асосланган. Айрим маълумотларга қараганда, 90 %дан ортиқ қасалликларнинг пайдо бўлиши асосида нооқилона овқатланиш ётар экан.

Овқатланиш маданияти дунёning ҳар хил ҳалқлари учун ўзига хос ҳусусиятлар асосида шаклланган. Шу бойисдан бўлса керак, ҳар бир ҳалқнинг ўз миллий таомлари бўлади ва улар ана шу таомларни, нисбатан, кўпроқ истеъмол қиласидар. Овқатланиш маданияти деганда, биринчи навбатда назарда тутиладиган нарса - бу овқатлик маҳсулотларини ўстириш, уларни йиғишириш, ташиш, сақлаш, техник қайта ишлап, овқатликларни тайёрлашдаги барча белгиланган гигиеник қоидаларга риоя қилиш, овқатни ўз вақтида, организмнинг энергия сарфига мос микдорда истеъмол қилиш ва бошқа қатор тадбирлар тушунилади. Булардан ташқари, овқатланишда шундай ижтимоий меъёрлар борки, буларни баъзида гигиеник меъёрларда учратмаслик мумкин.

Айтайлик шошиб овқатланиш, вақти-бемаҳал овқатланиш, доимо иссик, ўта ўйур, аччик ҳолда истеъмол қилиш ёки кўпроқ ширинликларга хирс кўйиш каби салбий ижтимоий меъёрлар борки, булар албатта, одам организмига салбий таъсир қилмай қолмайди. Хўш, бундай салбий ижтимоий меъёрлар қачон ва қайси ёшларда пайдо бўлади. Доимий равишда юқори калорияли овқатлик маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳам, ёки тўйиб

овқат емаслик ҳам, ўз навбатида касалликка олиб келди. Шу боисдан тиббиётда, гигиенада оқилона овқатлашиш түшүнчеси мавжуд. Оқилона овқатланишга қаратылған тарбияни бола дунёга келган биринчи кундан бошлап керак. Агар болани биринчи кундан пала-партиш овқатлантиришга одатлантирилса, кейинчалик ҳам бу одат ёмон ижтимойй мөйөр сифатида шаклланиб қолади ва албатта, касалликка олиб келди. Күпчилик айрим пайтларда доимо ўта шүр, аччик чойни ёки овқатни ўта иссиқ холда истеъмол қилиш, шошиб овқатланиш, мөйөрдан ортиқча күп ёки кам микдорда овқатланишни ўзи учун одатий бир ҳол, мен шунга ўрганиб қолганман дея таъкидлайдылар. Аммо, бу ҳол узок вакт давом этиб, албатта, салбий холатларга олиб келди. Овқатлик маҳсулотларини эрталаб, гушда ва кечкүрундаги микдорларини ҳам гигиеник нұктай назардан түгри тақсимланса, организмнинг мөйөрдан зиёд зўрикишига олиб келмайди. Болалар муассасаларида, мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларыда, меҳнат жамоаларыда ёшлар онгига түгри, оқилона овқатланиш маданияти мунтазам равишда, унинг мазмун мохияти билан чукур тушунтирилса, ёшларда овқатланиш маданиятини түгри шакллантириш мумкин.

Кейинги йилларда болалар ўртасида кундалик ижтимоий мөйөрга айланиб қолаётган салбий одатлардан бири – бу ҳар хил сакичларни чайнашдир. Баъзи холларда бу шундай одат тусига кирганки, эрталаб тонг отгандан то кеч уйқуга кетгунча түхтамасдан чайнайдылар. Жамоат жойларыда ва ҳатто дарсларда ҳам бу холларнинг кузатилиши жуда ҳам ачинарлы ҳол. Энг ачинарлisisи шундаки, күп холларда бу одатга катталар ҳам ўрганиб қилмокдалар. Түгри оғиз бўшлигини, тишларни маълум даражада тозалайди, бу хусусиятларини инкор қилиб

бўлмайди, аммо масалага бир томонлама ёндашилса, шу тарзда ушбу ижтимоий одатни шундай бир арзимаган хол сифатида қарашиб мумкин. Агар сақич тўхтовсиз чайналса, нима бўлишини тиббий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бунинг одам соғлиғига салбий таъсири бор. Маълумки, одам оғиз бўшлиғига бирон-бир егулик солиб чайнай бошласа, шу заҳотиёқ ошқозонда шира ажрала бошлайди, аммо ошқозонга сўлакдан бошқа ҳеч қандай овқат маҳсулоти тушмайди. Бу, ўз навбатида меъёрдан ташқари ошқозон ширасининг ишланиб чиқилишига олиб келади. Ошқозон шираси, одатда, ошқозонда овқатлик моддаларни парчалашда фаол иштирок этади, аммо ошқозонда овқатлик маҳсулоти бўлмаса-чи, бундай ҳолларда ошқозон шираси ошқозон деворларига салбий таъсир кўрсатиб, уни емира бошлайди ва натижада овқат ҳазм қилиш тизимининг қатор касалликларининг келиб чиқилишига сабаб бўлади. Бир қарашда бундай ижтимоий меъёрга эътибор ҳам бермаслик мумкиндек туюлади, лекин унинг салбий оқибатларини ёшларга ўз вақтида тушунирилмаса, бу ҳолат ёмон салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Болаларга улар эсини таниган биринчи кундан бошлаб, овқатланиш маданиятининг элементларини аста-секинлик билан унинг ёшини, жинсини, бажараётган ишини ҳисобга олган ҳолда тушунириб борилса, бу борада яхши натижага эришиш мумкин. Овқат истеъмол қилишдан олдин ва кейин қўлларни яхшилаб совунлаб ювиш, овқатдан кейин тез ётиб ухламаслик, овқатлик маҳсулотлари орқали айниқса, йилнинг иссиқ пайтларида ҳар хил юқумли касалликларининг тарқалиши, овқатдан заҳарланишлар ва шу билан бирга тез бузилувчан овқатлик маҳсулотлари ҳақида ҳам батафсил тушунчалар берилиб борилса, болада ёшлигиданоқ оқилона овқатланиш элементлари ва маданияти шаклланиб бора-

ди. Шу билан бир қаторда овқатланиш маданиятининг бошқа элементлари бўлмиш овқатланиш этикаси-нафосати ҳакида ҳам шошмасдан, қўп гапирмасдан овқатланиш, ўта шўр, аччик, ўта иссик ёки совук ҳолда емаслик ва шу билан бирга овқатларнинг хилма-хиллигига эътибор берган ҳолда истеъмол қилин ҳакида ҳам тушунчалар берилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Абул Қосим Фирдавсий ушбу мисраларни битаётуб, нафакат умуминсоний нафсни, балки овқатланишда ҳам одамлар ўз нафсларининг кули бўлмаслигини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

*Кимки ўз нафсига бўлибди бандা,*

*Хеч кимсадан олқиши олмас жаҳонда.*

Ҳар бир нарсада меъёр бўлиши шарт. Меъёрга амал қилинг муваффакиятта эришининг асоси, шу боис молдунёга муносабатда ҳам, таом истеъмол қилишимизда ҳам, ҳатто севища ҳам меъёр доирасидан чикмаслик лозим. (Исомухаммедов З-2005)

Кўпчилик ҳолларда қасалликларнинг пайдо бўлишида, орамизда ҳали тиббий маданиятининг етишмаслиги сабабли содир бўлаётганлиги ҳам сир эмас. Бугун аҳолининг тиббий-гигиеник билими, малака ва кўникмалари нисбатан пастлиги, улар орасида етарли даражада соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ишлари олиб борилмаётганлиги, аҳолининг бу борадаги фаоллигини ошишинга сабаб бўлмокда. Тиббий маданият ўзи нима? Тиббий маданият деганда, биринчи навбатда ҳар бир одамнинг ўз соғлиги учун ўзида жавобгарлик ҳиссининг шаклланиши ва шу билан бирга ҳали вояга етмаган фарзандларининг соғлиги учун жавобгарлиги тушунилади. Тиббий-гигиеник маданият деганда, яна қасаллик келти-

риб чиқарувчи омиллар ҳақида түликтүшүнчага эга бўлиш, шу билан бирга улардан сакланиш, уларни ўз вактида бартараф қилиш усуллари ҳақида билим, малақа ва кўнималарга эга бўлиш тушунилади. Тўғрисини тан олиш керак, кўпчилик касал бўлмагунча тиббиёт ходимларига мурожаат қилмайдилар. Соғлиқни сақлаш сўзига эътибор берсак ҳам, унинг мазмуни ҳали касал бўлмасдан олдин, бор соғлиғимизни сақлаш тўғрисида гап кетади. Бирон-бир касалликка чалингандан кейин соғлиқни сақлаш эмас, касалликни даволаш, унинг асорати ва бошқа касалликларни келтириб чиқарувчи омилга айланмаслигининг олдини олиш чораларини кўриш зарур бўлади.

Касалликларнинг олдини олиш ва пайдо бўлаётганларини олдиндан аниқлашнинг бирдан-бир усули, одамларда тиббий кўрикларга бўлган ижобий муносабатларни шакллантиришdir. Бунинг учун биринчи галда, ўтказилаётган жорий, мақсадли ёки бирон бир муассасага ўқишга, ишга киришдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрикларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини одамларга тушунириш зарур. Аҳолини диспансеризация килиш, бу тадбирнинг одамлар соғлиғини яхшилашдаги тутган ўрни, қолаверса, диспансеризация тадбирини амалга оширишда, биринчи навбатда аҳолининг ўзи фаол иштирок этишини таъминлаш ҳам аҳолининг тиббий маданиятини оширишнинг йўналишларидан бири. Тўғрисини тан олиш керак, диспансеризация тадбирининг мазмунини кўпчилик врачларимиз ҳам чуқур тушунмайдилар. Кўп ҳолларда диспансеризацияни тиббий кўрик сифатида тушунилади. Аслида, тиббий кўрик диспансеризациянинг бир элементи ичидаги касалликларни олдиндан аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлардан бири ҳисобланади.

Тиббий маданиятни болаларга одатий тарбия сифати-

да берилиши билан бир вактда, барча ўкув ютрларида, меҳнат жамоаларида ва кенг жамоатчилик орасида маҳсус ўкув курслари сифатида ўқитилишнинг сифат ва са-марадорлигини оширишга олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

Одатда инсон саломатлиги кўп жиҳатдан унинг ўз қўлида деганда, биринчи галда назарда тутиладиган нарса унинг тиббий маданиятидир. Тиббий маданият ўз-ўзидан шаклланмайди. Уни шакллантириш мақсадида олиб бориладиган тадбир ҳам мавсумий характерга эга бўлмаслиги керак. Бу тарбия тури инсон онасининг пуштидалигидан бошлаб, то умрининг охиригача тўхтовсиз олиб бориладиган жараёндир. Бугун жамиятимизда тиббиёт соҳасида ҳам бозор муносабатлари шаклланётган бир даврда, одамларнинг ўз соғлиқларига, фарзандларнинг соғлиқларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш ва жавобгарликларини ошириш зарур бўлади. Тиббий маданият тўғрисидаги фикрларимизга хулоса сифатида айтиш мумкинки, инсон саломатлигининг пойдевори ҳам айнан тиббий маданиятимиз асосида туради.

Инсон умрининг асосий қисми оилада ўтади ва ўз навбатида оиладаги барча жараёнлар оила аъзоларига ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин. Оиладаги тинчтотувлик, оила аъзоларининг соғлиғи масаласидаги хотиржамлик оила фаровонлигини белгиловчи асосий мезонлардан бири, бу - инсон соғлиғи ҳисобланади. Ёшларга кичкиналигидан оиланинг муқаддаслиги ва унинг маданияти ҳакида тушунтириб, уни амалда кўрсатиб борилса, албатта, бу жараён келгусида ўзининг ҳосилини беради.

Ҳар бир ота-онанинг биринчи галдаги вазифаси оила-да тинчлик-тотувлик, хотиржамликни таъминлаш, оила аъзоларининг бир-бирларига нисбатан самимий меҳр-муҳаббатини кучайтириш ва шу йўл билан оилада меъёр-

даги соғлом руҳий атмосферани яратиш оила аъзоларининг соғлигини таъминлашдаги гаров бўлиб хизмат қиласди, десак муболовга бўлмайди. Карияларимиз ҳам дуога қўл очганларида, ҳамиша, Аллоҳдан тинчлик, хотиржамлик ва соғлик сўрайдилар. Бу албатта, бежиз шаклланган ижтимоий меъёр эмас. Ушбу тилакларнинг негизида бир олам фалсафий маънолар борки, уларнинг мазмун мохиятида инсонларнинг соғлиги ётади.

Фарзандларни ўшлигидан оила маданияти элементлари, оилавий хаёт, турмуш қуриш, кизларни оналикка, ўғил болаларни эса меҳрибон ота бўлишга, оилани режалаштириш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни асрлар давомида шаклланиб, ўзининг ижобий исботларини топған миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз асосида тўғри тарбиялаш, оила аъзоларининг бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш ва оилада ижобий муомала-муносабатларни шакллантириш бўйича кўникумаларни уларнинг онгига сингдириб борилса, оила маданиятини тўғри шакллантириш борасида олдига кўйилган мақсадга ҳар бир ота-она, албатта, эришади. Негаки ойладаги тинчлик-тотувлиқ ва фаровонлик мазкур оила аъзолари кайфиятининг ҳамиша кўтаринкилигини таъминлаш орқали организмни ҳар хил асабий жароҳатлардан асрайди, тарангликнинг олди олинади ва бу ўз навбатида оила аъзоларининг соғлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Оиладаги тиббий маданият меъёрлари тўғрисида гап кетганда, кейинги йилларда шаклланган дори-дармонларга бўлган муносабатларни ҳам кўриб чикиш мумкин. Тўғрисини тан олиш керак, бундан 15-20 йиллар олдин ҳар қандай турдаги дори воситасини врачларнинг буюртмасиз, маҳсус рецептларисиз олиш мумкин эмас эди. Демак, ҳар қандай дори воситасини врач буюртмаси билан истеъмол килишга одамлар одатланган эдилар. Собиқ

СССР давлати пароканда бўлганидан кейин кўпгина тизимларда таъминот тизими ҳам бузилди, шу жумладан, дори-дармон таъминотида ҳам. Ҳар хил турдаги дори-дармонларга эхтиёж юқорилигини инобатта олиб, кўштирнок ичидаги доришунослар кўпайиб, бозорларда санитария-гигиеник жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган жойларда, ҳатто ёзниг жазирамасида очиқ қуёш тагида ҳам ҳар хил дори воситалари сотила бошланди ва бу жараён одамлар орасида врачларнинг буюртмасиз, рецептларсиз дори воситаларини бемалол сотиб олиш ва ўзларича истеъмол қилишдек салбий ижтимоий меъёрлар пайдо бўлди. Бу ҳолат ҳам маълум даражада одамлар соғлиғига таъсир этди. Бугунга келиб бу ҳолатга чек қўйилди. Дорихоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилди ва назорат остига олинди. Аммо, тан олиш керакки, бугун аптекалардан деярли ҳар қандай дори-дармонни сотиб олиш учун врач рецепти зарур эмас, уни ҳеч қайси дорихонада сўрамайдилар. Демак, мижозлар хоҳлаган дори воситасини сотиб олишлари мумкин. Боз устига ҳалигача бозорларда дорифурушлар узил-кесил йўқ қилингани йўқ. Улар сотиб юрган дори воситаларининг яроқлилигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ачинарлиси шундаки, одамлар бундай шахслардан дори воситаларини олиб ўзларича истеъмол қилишни давом эттираяптилар. Айнан шу жараённи инобатта олиб тиббий ходимларнинг оиласида тиббий маданиятни шакллантиришнинг айнан дори воситалари билан бўладиган муомала йўналишидаги асосий вазифаларидан бири – бу ҳар қандай ҳолатда ҳам дориларни врачларнинг тавсияси билан, беморнинг ёшини, жинсини, касаллик тури, даражаси, дори воситаларининг сақланиш тартиби ва муддати, қайси пайтда ичиш тартиби, дори воситасининг ҳақиқий ишончли эканлигини билиш каби

хусусиятлар тўғрисидаги билим, малака ва қўникмалари-ни оширишдан иборат бўлади. Шу билан бирга ҳалқ табобати қўлга киритган ютуқлардан кенг фойдаланиш, яъни маҳаллий тиббий гиёҳлардан тайёрланган, истеъмол қилиш тартибларини тушунтириш ҳам айнан биз фикр юритаётган оиласидаги тиббий маданиятнинг тўғри шакллантиришга ёрдам берадиган омиллардан бири хисобланади. Биз умуминсоний маданият ва унинг инсон соғлигини асраридаги тутган ўрнини атиги бир-икки маданий турлари, аслида муомалани ёритишига уриндик, холос.

Аслида-чи, аслида инсон фаолиятининг барча жабҳаларида ўзига хос бўлган маданият турлари мавжуд ва бу ижтимоий маданият турлари ҳам одам соғлиғига айрим ҳолларда салбий таъсир қилиши мумкин. Масалан, соҳаларнинг маданиятлари, айтайлик педагогик, мухандислик, раҳбарлик, ҳуқуқий, спорт ва бошқа маданиятлар, шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг, миллатнинг, ҳалқларнинг ўзига хос маданиятлари борки, булар ана шу ҳар бир қасб эгаси ва алоҳида ҳалқлар, миллатлар учун ижтимоий меъёр сифатида шаклланган. Булардан ташкари, ҳар бир ҳалқнинг ўз диний маданиятлари борки, бу ижтимоий меъёрлар уларнинг ҳаёт-турмуш тарзига айланиб қолган. Демак, биз инсон маданиятининг турли томонлари ва кирраларидан ёндашмайлик, унинг одам соғлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашда тутган ўрни бекиёс. Демак, инсон маданияти унинг соғлигини бошқариб борувчи индекатор десак ҳато бўлмайди.

### III – боб.

#### Жисмоний маданият ва соғлик.

Жисмоний маданият умуминсоний маданиятнинг ажralmas бир қисми бўлиб, жисмоний соғлик, яъни организмдаги барча орган ва тизимларнинг меъёрдаги фао-

лияти билан организмнинг табиий ҳолати сифатида ифодаланади. Агар организмдаги барча аъзолар ва тизимлар яхши ишласа, бутун организм ўз фаолиятини тўлақонли бажаради ва ривожланади. Инсонда жисмоний, руҳий ва ахлоқий, яъни ижтимоий соғликларнинг мувозанатланишида жисмоний маданиятнинг тутган ўрни бекиёс. Жисмоний тарбия маҳсули – бу жисмоний маданият. Жисмоний маданият соғлом турмуш тарзида ҳаракат омиллари сифатида тушунтирилади ва инсон соғлигини сақлашда, мустаҳкамлашда организмнинг қаршилик қобилиятини оширишда ва ҳар хил касалликларнинг олдини олишида муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Халқимиз азал-азалдан жисмоний бакувват кишиларни эъзозлаганлар, улуглаганлар ва уларга маълум маънода суюнганлар ва сифинганлар ҳам. Улар ҳамиша ватан қалқонлари тимсолида халқ оғзаки ижодидан эртакларда, достонларда қаҳрамонлар сифатида намоён бўлганлар. Тарихнинг ҳамма даврларида буларнинг қаҳрамонликлари ва жасурликлари тимсолида ёшларга тарбия берилган. Ҳар қандай мустақил давлат биринчи галда ўзининг ҳавфсизлигини тўлиқ таъминлаш мақсадида кучли армияга эга бўлмоғи зарур. Кучли армиянинг асосида ҳам биринчи галда жисмонан, қолаверса руҳан ва ахлоқан баркамол йигитлар мавжудлиги туради.

Мамлакатимиз мустақилликни кўлга киритган биринчи кундан жамиятда соғлом авлодни шакллантириш барча ислоҳотларнинг устувор йўналиш қилиб белгиланиши ҳам бежиз эмас. Соғлом авлод деганда, факатгина организмда қандайдир бир касаллик ёки етишмовчиликнинг йўклиги эмас, балки биринчи галда, жисмоний ва қолаверса руҳий, ижтимоий баркамоллик ҳам назарда тутилади.

Инсон учун энг катта бойлик – бу унинг саломатлиги-

дир. Танжони соғ, рухан ва жисмонан тетик одамгина олдига кўйган мақсадларига етиш учун ўзида куч топа олади. Самарали меҳнати билан эл-юрт, жамиятга нафи тегади. Шунинг учун ҳам бу ишга мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида қаралади. (Рафиев О-2005)

Мамлакатимизда ёшлар орасида жисмоний маданиятни ва спортни ривожлантиришда ўзига ҳос йўналиш танландики, бу йўналишдаги асосий мақсад ва вазифалар ҳар бир ёшнинг онгига жисмоний тарбия, жисмоний фоллик ва спортни алоҳида қундалик одатий ижтимоий меъёр сифатида сингдиришдан иборатдир. Бу жараён бир кунда ёки бир йилда амалга ошириладиган мавсумий характерга эга бўлган тадбир эмас ёки бу тадбир факатгина тарбиячиларнинг шифокорларнинг вазифаси десак ҳам муаммога бир томонлама қаралган бўлар эди. Бу бутун жамиятнинг вазифаси, аммо уни характерлантирувчи, унинг мазмун моҳияти ва соғликни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини тушунириш албатта, мураббийлар ва шифокорларнинг асосий бурчи хисобланади. Хўш, жисмоний маданиятни одамлар турмуш тарзининг ажралмас бир қисмига айлантириш учун қандай йўл тутиш керак бўлади. Одатда қатта ёшдаги одамлар жисмоний тарбиянинг аҳамиятига, албатта, қандайдир бир касалликка чалингандан кейингина тушуниб етадилар ва спортнинг айрим турлари билан шугуллана бошлайди. Ниҳоят, аста-секинлик билан бу мазкур шахс учун ижтимоий меъёрга айланади. Умуман олганда таълим, мажбурий тарбия, маълум маънода, ихтиёрий тадбир хисобланади. Жисмоний тарбияни қайсиdir бошқариш поғонасида туриб, мажбурий шугуллантириш, одатда мавсумий характерга эга бўлиб, у ҳеч қачон яхши кутилган смарани бермайди. Ёшларда жисмоний маданият шаклланиш учун биринчи навбатда, айнан шу бола дунёга кел-

ган оилада жисмоний маданият мухити шаклланган бўлмоғи керак. Бола кўз очиб кўрган мухитдаги оила аъзолари турмуш тарзининг ажралмас қисмларидан бири жисмоний тарбия ва спорт бўлса, сўзсиз бундай ижтимоий кўникмалар бола онгига ёшлидан сингиб боради ва кундалик турмуш тарзига айланади.

Болага ёшлидан оилада эрталабки гимнастиканинг аҳамиятини яхшилаб тушунтириб, унинг билан биргаликда ёшини, жинсини, соғлигини эътиборга олиб, ҳар кун секин-аста шуғулланилса, бу жараён болада кундалик одатга, яъни ижтимоий меъёрга айланади. Боланинг ёши ўсган сари ушбу машқлар мукаммаллаштирилиб, берилаётган оғирлик босқичма-босқич оширилиб борилса, болада ўсиш ва ривожланиш жараёни текис гармонияда, мувозанатлашган ҳолда боради ва биз ҳамиша кўп марташиб такрорлашга ўрганиб қолган аклий, руҳий ва жисмоний интеллектуал қобилиятга эга бўлган баркамол инсонни шакллантирган бўламиз. Жисмоний баркамол бўлган боланинг ўкишида ва ишида унум ва барака бўлади, у ҳеч қандай оғир ишлардан ва янгиликлардан чўчимайди. Худди шу тартибдаги турмуш тарзини болалар муассасаларида, мактабларда, академик лицейларда, касбхунар коллежларда, олий ўкув юртларида ҳам маҳсус дастур асосида, бундан ташқари, ҳар хил тўгаракларда давом эттирилса, натижанинг кутилганидан ҳам яхши бўлишига шубҳа қолмайди. Бугун ҳарбий хизматга ҳам ҳар томонлама жисмонан бақувват, соғлом, кўркам, ҳар томонлама билим, малака ва кўникмаларга эга бўлган йигитлар керак.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2005 йил деқабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишида маъруза қила туриб, ўтаётган 2005 “Си-

ҳат саломатлик йили”га якуний хулосалаб, келаётган 2006 йилни юртимизда “хомийлар ва шифокорлар йили”деб эълон қилдилар. Ҳомийлик бизнинг ота-боболаримиздан қолган миллий қадриятларимиздан саналади. Ҳомийлик маданияти ҳам умуминсоний маданиятининг ажралмас бир қисми, айни пайтда жамиятимизда ҳар хил йўналишлардаги жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада ривожлантиришда унинг тутган ўрни катта, ҳатто катта спортнинг харакатлантирувчи кучи десак ҳам муболова бўлмайди. Ҳомийлик қилиш ҳам биз фикр юритаётган ижтимоий меъёрларнинг бири. Айниқса, ҳомийликни шифокорлик фаолияти билан боғлаб мулоҳаза қиласидан бўлсак, тиббиёт муассасаларининг иқтисодий базасини кўтариш, уларни жаҳон андозаларига жавоб берадиган асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, малакали шифокорларни тайёрлаш, уларнинг чет элларда малакаларини ошириб келишларига кўмаклашиш, касалманд одамларга ва ногиронларга бегараз ёрдамлар кўрсатиш ҳомийликнинг маҳсулси сифатида аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни мустахкамлашда халқимиз онгидашаклланган ижтимоий меъёр сифатида намоён бўлади. 2006 йилни айнан шу ном билан аташнинг мазмун ва моҳияти ҳам ҳомийлик қилишни айнан бир йилда эмас, балки бу жараённи одамларимиз онгидагундалик одатий ижтимоий меъёрга-одатга айлантириш ва мана шундай бегараз ҳомийликлар халқимиз соғлигини сақлашга хизмат қиласидан тизимга айлантиришдан иборат. Бугун соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бозор муносабатлари шаклланяётган бир пайтда бу тадбирларнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Жисмоний маданиятнинг энг асосий мазмуни ҳам шундаки, айнан мазкур шахснинг уёки бу турдаги бажараётган жисмоний тарбия фаолияти унинг соғлиғига ижобий

хизмат күлсін. Агар тиббиёт тизимиға нисбатан жамиятимизда ҳақиқий ҳомийлик мәданияти шаклланса ахоли саломатлигини яхшилашда янги бир йұналиш турига айланади. Айниқса, жамиятимизда соғлом авлодни шакллантириш тоғасының қарастырылған жағдайда мұхим ақамияттың касб этувчи, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишини таъминловчы ижобий омил бўлиб хизмат қилаади. Ахоли ўргасида жисмоний мәданиятни шакллантиришдаги асосий омиллардан бири – бу жаҳон андозаларига түлиқ жавоб берадиган спорт иншоотларини куриш, мавжудларини қайта таъмирлаш ва энг асосийси, одамларни, айниқса, ёшларни мазкур спорт үйинларига жалб қилишdir. Бу борада ҳам айнан ҳомийларнинг туттган ўрни катта. Демак, мамлакатимизда ҳомийлик мәданиятининг шаклланиши бир вақтда ахоли саломатлигини таъминловчы жисмоний мәданиятнинг шаклланишига хизмат қиласы. Жамиятимизда жисмоний мәданият ва спорт ишларини ривожлантиришнинг қонуний асослари яратып берилған. Мустакиллікка әришган биринчи күнданоқ жамиятда соғлом авлодни шакллантиришнинг асосий йұналишларидан бири – жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантириш, айниқса бу тадбирларга күпроқ ёшларни жалб қилишга қаратылған ўнлаб фармой ва қарорлар қабул қилинди, маҳсус давлат дастурлари ишлаб чиқылди, шу соҳа бўйича маҳсус ихтинослаштан мутахассисларни тайёрлашта қаратылған ишлар амалга оширилди ва энг асосийси, мамлакатимизда жисмоний мәданият ва спорт үйинларини ўтказишида ҳалқаро андозаларга жавоб берадиган спорт иншоотлари курилиб ишга туширилди. Ўнлаб маҳсус спорт мактаблари, лицейлар, спорт тұрақтари, клублар фаолият күрсатмоқдаки, бугун ўзбек спорти жаҳонга юз тутмоқда ва ҳақли равишда мамлакатимиздан етишиб чиққан

мустақиллик мевалари, жаҳон ва ҳалқаро спорт ўйинларининг чемпионлари, спорт мастерлари, номзодлари билан фахрланса арзиди. Энг қизиқарлиси шундаки, Президентимиз ўзларининг ташаббуслари билан бошлаб берган теннис ўйини бугун ёшларимизнинг турмуш тарзига айланди десак, муболоға бўлмайди. Ўзбек курашининг довруғи дунё мамлакатлари спорт ўйинлари каторидан ўзининг фахрли ўрнини эгаллади. Ўзбек боксчиларини жаҳон таниди. Бир сўз билан айтганда, жисмоний маданият ва спортнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги тутган ўрнини бугун мамлакатимизда кўпчилик тушуниб етмоқда. Мактабларда жисмоний маданиятнинг шаклланишига эътибор кучайтирилди. Ўқувчи ва талабалар ўртасида узлуксиз спорт мусобақаларининг ташкил этилиши, ёшларимизни катта спортга етакловичи, уларнинг жаҳон спорт мусобақаларида қатнашишга давъат этувчи йўналиш бўлди, десак муболоға бўлмайди. Хуллас, бугун мамлакатимиз спортида кўзни кувонтирадиган ютуқлар кўп. Аммо, биз фикр юритаётган тадбир мана шу жараённинг янада оммавий тус олиши, жисмоний маданият ҳар фуқаронинг кундалик турмуш тарзига одатий ижтимоий меъёрига айланиши ва унинг соғлиғига хизмат қилмоғи зарур. Бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига бир марталик ёки бир мавсумий тадбир сифатида қаралмаслиги, унинг жамиятда узлуксизлигини таъминлаш, жисмоний тарбиянинг инсон соғлирини сақлаш ва мустаҳкамлашдаги биологик, физиологик, тиббий-гигиеник аҳамиятларининг мазмун моҳиятини ёшларга тушунтириш таълим-тарбиянинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.

### Оилада жисмоний маданиятни шакллантириши

Хар қандай тарбиянинг бошлангич ўочи оила хисобланади. Бола ўзининг болалик даврининг асосий қисми оилада, ота-онасининг карамогида ва назоратида ўтказди. Жисмоний маданият элементларини ўзлаштириши бола дунёга келган кунданок бошлиниб, бошида бола баданини укалаш, оёқ-кўллари билан енгил машқларни бажариш, сув ва хаво ванналари ёрдамида чиниқтириш тадбирларини мунтазам амалга оширилса, бола ана шу муолажаларга одатланади, улардан роҳатланиб яхши овқатланади, ухлайди ва меъёрда ўсиб ривожланади. Аммо, хар бир ота-она шуни назарда тутиши керакки, ушбу муолажа ва машқларни болалар шифокори маслаҳати билан амалга оширилса, яхши самара беради ва салбий оқибатлар кузатилмайди.

Бола аста-секин ўсиб-улгайиб унинг онги ҳам ривожланиб, ўйлай бошлайди, бу даврда ота-онанинг асосий вазифалиридан бири ўғил болаларга алоҳида, киз-болаларга алоҳида ўзларининг ёшларига мос бўлган ўйинчокларни танланти хисобланади. Бу жараёнда ҳам болага ўйинчоклар танлашда уларни жисмоний маданият ва спортга алоқадор бўлган ўйинчоклар ва ўйинларнинг танланishi, болада спорт ўйинларига бўлган қизиқишини ёшлигидан уйготади. Шу билан бир каторда, боланинг синига мос бўлган кичик-кичик машқларни, эргалабки гимнастика манқларини ва айрим спорт ёки бошқа турдаги мусобака ўйинларини биргаликда, мунтазам, амалга ошириш, болада жисмоний тарбия ва спорт ўйинларига бўлган қизиқишини яна ҳам ортиради. Айниқса, бу борада боланинг арзимас муваффакиятлари рағбатлантириб борилса, янада яхши самара беради. Унинг қизиқиши кундалик ижтимоий меъёрга айланиб, болада бу унинг кундалик турмуш тарзининг ажралмас бир қисми-

га айланади. Иккинчи навбатда, ота-оналар ана шу бажараётган ўйин ва машқларнинг бола организми учун фойдали эканлигини, у келгусида жисмонан бакувват одам бўлишини ҳар гал уқтириб бориш зарур бўлади.

Вакт ўтиши билан бола бу машқларни мустақил амалга ошира бошлайди, бу даврда ота-онанинг биринчи галдаги бурчи, болага бу йўналишда етарли ва қулай имкониятларни яратиб бериш, машқларнинг бошқа турига, оғирроқ шаклига ўтаётганда боланинг соғлигини шифокорлар назоратидан ўтказиб, кейин амалга оширишдан иборат бўлади.

Агар болаларда ёшлигидан оилада шунга ўхшаш жисмоний тарбия элементлари шаклланиб, кейин болалар боғчасига бўрса, айнан ана шу кўникмалар маълум бир дастур асосида, тизимлашган ҳолда давом эттирилса, бу каби ижтимоий меъёрлар ривожланиб, такомиллашиб боради. Агар у ёки бу машқларни ёнидаги дўстларидан яхшироқ бажарса, болада спортнинг бу йўналишига бўлган қизиқиши янада ортиб боради. Болалар муассасаларида фаолият кўрсатувчи тарбиячилар болаларда жисмоний маданиятни шакллантириши иккинчи даражадаги тадбир сифатида, юзаки қарамасликлари зарур. Негаки, болалар бундай ёндашишни тез англаб оладилар ва улар ҳам бу тадбирга юзаки ёндашадилар ва натижада жисмоний тарбия уларнинг онгода ижтимоий меъёр сифатида шаклланмаслиги мумкин. Жисмоний маданиятни болалар боғчаларида шакллантиришнинг ишонарли усусларидан бири болалар ўртасида уларнинг ёшлирига, жисмоний ва руҳий имкониятларига мос бўлган, кичик-кичик мусобақалар ўтказишни ва қолибларни рағбатлантиришдир. Агар бу тадбир амалга оширилмаса, бола жисмоний маданиятнинг якуний натижасини яхши англамайди. Аслида бизнинг мақсадимиз бола онгода айнан жисмоний мадани-

ятни кундалик ижтимоий меъёр сифатида шакллантириш ва бу меъёр унинг жисмонан ва рухан соғлом бўлишини таъминлаш хисобланса-да, болалар кўпроқ унинг қисقا ва тез якуний натижаларига кўпроқ қизиқадилар ва ана шу муваффақиятларга интиладилар. Натижада болада жисмоний тарбия ва спорт ўйинларига қизиқишилар кунсайин ортиб боради ва ҳаётининг қейинги боскичларида уни давом эттириб, турмуш тарзининг бир ажралмас бўлагига айланади ва энг асосийси, унинг ўзи ҳам атрофидагилар учун жисмоний маданиятни бошқалар онгига сингдиришда ижобий мухит ролини ўйнайди. Боланинг ана шу ўзлаштириб олган ва унинг ҳаётга қизиқишиларига айланган кўникмалари оиласда қўллаб-кувватланиши, шу билан бирга уни давом эттириш ва ривожлантириш учун имконият яратилиб берилиши зарур бўлади. Бола ўзи қизикан спорт ўйинлари бўйича бўладиган спорт мусобақаларга жалб қилиниши ва айнан, жаҳон миқёсига қўтарилиши учун имконият яратилса, болада кун-сайнин спортнинг ўёки бу турига қизиқиши ортиб боради, ниҳоят унинг жамият учун ва энг асосийси, инсон соғлиғи учун бўлган аҳамиятини тушуна бошлайди. Бу эса болада жисмоний маданиятни шакллантиришдаги энг асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Оиласда, болалар боғчаларида юқорида қайд этилган тадбирлар режа асосида амалга оширилса, бола мактаб ёшига етганда жисмоний маданият ва спортга бўлган муносабати тўғри шаклланади ва мактабда бу йўналишдаги фаолиятини муваффақиятли давом эттириш учун у ўзида ички имконият топади ва ўқитувчиларидан айнан шу йўналишдаги қизиқишиларини тўлақонли давом эттириш учун имконият ва шароитни талаб этади.

Мактабда жисмоний тарбия маълум режа асосида ва кўшимча тўгаракларда давом эттирилади. Мактабда жис-

моний тарбия дарслари маҳсус тайёрланган педагоглар раҳбарлигига амалга оширилади ва боланинг бу фаолияти мактаб шифокори томонидан доимий назоратда бўлади.

Хозирги кунда кувонарлиси шундаки, мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан маҳсус спорт мактаблари, лицейлари ёки спортнинг айрим турига йўналтирилган спорт мактаблари ташкил этилди ва бугун улар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Фахр билан айтиш мумкинки, ана шу ўқув масканларининг ўкувчилари ва битирувчилари бугун ўзбек спортини жаҳонга олиб чиқмоқдалар. Энг асосийси, улар атрофдагиларга айнан жисмоний маданиятни шакллантиришда жамиятда асосий харакатлантирувчи омил сифатида таъсир қилмоқда. Тўғри, олдинлари мактабларда жисмоний тарбия дарсларига ва ўқитувчиларга иккиласми даражада қараларди, бугун бундай салбий одатларга чек қўйилди. Жисмоний тарбия дарсларига бугун эътибор кучайтирилди, спорт залларини таъмирлаш ва янгидан қуриш, уни талаб даражасидаги спорт жиҳозлари билан таъминлашга давлат даражасида қаралмоқдаки, хозирги кунда унинг ижобий натижалари билан фахрланса арзиди. Эндиғи асосий вазифа бутун жамоатчилик билан биргаликда ёшлар онгидаги жисмоний маданиятни кундалик ижтимоий меъёрга айлантиришдан иборатdir. Бу борада, ишни ҳар ким биринчи навбатда ўзидан бошлиласа, мақсадга мувофиқ бўлади ва яхши самара беради. Негаки, бола энг аввало, кўрган нарса ва жараёнга қизиқади. Ушбу мақсадга тўлақонли эришиш учун ҳар бир ота-она, маҳалла фаоллари, болалар муассасалари тарбиячилари, ўрта ва олий ўқув юртлари ва меҳнат жамоалари фаол иштирок этмоқлари зарур. Жисмоний тарбиянинг тиббий ахамиятини болага назарий тушун-

тириш билан бир вақтда амалда ҳам кўрсатиб борилса, бола спорт машқларининг ўз соғлиғи ва организмнинг тийраклигини бевосита сезиб, ундан лаззатланиб кўргандагина, унинг мазмун моҳиятини яхши хис этади. Мамлакатимизда ёшлар ўртасида узлуксиз спорт мусобакалари, умид ниҳоллари, баркамол авлод ва универсиада ўйинларининг ташкил этилишининг негизида ҳам айнан шу жараён ётган бўлса ажаб эмас. Шу тариқа болада аста-секинлик билан жисмоний маданият кўникмалари шаклланиб боради. Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланган болада, нафақат жисмоний ва руҳий интеллектуал салоҳияти ўсади, балки унда соғлом турмуш тарзининг асосий кўникмалари бўлмиш тиббий-гигиеник кўникмалари ҳам шаклланади. Спорт билан шуғулланган бола биринчи навбатда, кун тартибига тўғри риоя қиласди, вақтини тўғри тақсимлайди, тўғри овқатланади, вақтида дам олади, мунтазам спорт машқларидан кейин ювинади, кийимларини тез-тез алмаштиради, дарсларини ўз вақтида бажаради, яхши ўзлаштиради. Шу билан бирга унинг характерида, дунёқарашида ижобий томонга ўзгаришлар бўлади, уларда кўпроқ оғир вазнлик, босиклик, улар кўп ҳолларда ҳамиша бирон-бир жараёнга киришишда мантиқни хис-ҳаяжондан олдин кўядилар, яхши фикрлайдилар, сезгирлик, хушёрлик, эпчиллик, чакконлик, хушмуомала ва меҳнаткашлик сифатлари ҳам мукаммал шаклланади.

Энг асосийси, улар ёмон одатлардан чекиши, ичиши, гиёхвандлик, дангасалик каби иллатлардан узок бўладилар ва албатта, бу ижтимоий гурухга кирувчи болалар хар томонлама соғлом, бақувват, рухан тетик, юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахслар бўлиб етишади. Демак, юксак даражадаги жисмоний маданият саломатлигимизнинг гарови бўлиб хизмат

қилишлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Жисмоний тарбия ҳаммага, ҳамма вактда ва ҳамма жойда берилмоги керак. Шундагина биз мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантиришдек улуғ ишга, озми-кўпми, хисса қўшган бўламиз. Жисмоний маданиятнинг ҳар бир оила аъзосида шаклланиши бу жамиятда жисмоний маданиятнинг шаклланиши демакдир. Бугун соғликни сақлаш тизимида ҳам бозор муносабатларига босқичма-босқич шаклланаётган бир даврда, ахоли саломатлигини яхшилашнинг асосий йўналишларидан бири ҳам айнан жамиятимизда жисмоний маданиятнинг шаклланишини амалга ошириш бўлади, десак муболовга бўлмайди.

#### **Ҳомийлик маданияти ва соғлик.**

Ҳомийлик азал-азалдан халқимизга хос бўлган миљий қадриятларимиздан ҳисобланиб, ҳамиша ҳам муҳтоjlарга, етим-еширларга, бева-бечораларга, беморларга, ногиронларга, ёлғизларга ўзининг беминнат ва бегараз ёрдам кўлини чўзиш инсонларга муносиб бўлган ижтимоий меъёрлардан бири бўлиб келган. Ҳомийлик маданияти деганда ҳам, унинг негизида айнан ана шу хотамтойлик ётади. Бугун ҳам халқимизнинг ана шу қадрияти ўз ахамиятини йўқотгани йўқ, айниқса ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида ушбу қадрият маданиятини ривожлантириш, унинг унут бўлаётган қирраларини янгидан қайта тиклаш, биринчи галда одамлар ўртасидаги ижтимоий-рухий жараёнларни яхшилайди, уларнинг бир-бирлари орасидаги муносабатлар яхшиланади, инсонларнинг бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатлари ортади.

Сахийлик ва хотамтойлик халқимизда ҳамиша эъзозланган ва бундай одамлар ҳаётининг ҳамма босқичларидан ҳам хурмат-иззатда бўлганлар. Бирордан ёрдам олган киши ўз ҳомийсини бир умрга дуо қиласди. Халқимизда

“Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми” дея айтилган ма-  
қол бежиз айтилмаган. Пайғамбаримиз Мұхаммад Алай-  
хиссалом ўз ҳадисларида, “Мен етимнинг кафолатини  
олган билан жаннатда бирга бўламан”, ”ҳам ташвишли  
одамларга ёрдам берганларни дўст тутаман” деб ўгит  
киладилар. Ул зотнинг таъкидлашича, “Тангри наздида  
уйларнинг яхшироғи – етимлар иззат қилинадиган уйдир”  
дейилади. Ҳазрати Имом Бухорий бобомизнинг ҳадисла-  
рида – “ӯзи яхши кўрадиган нарсасини ўзгаларга ҳам раво  
кўрмагунча, киши мумкин комил бўла олмайди” деб таъ-  
кидлайдилар. Бобокалонимиз Имом Ат-Термизий ўз  
ҳадисларида – “Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб, одамлар-  
га доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишиларга ай-  
тилади”, “хатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг  
ҳам – сенинг садақанг”, ”кимдаким ўз биродари ҳожатини  
енгиллатса, Аллоҳ ҳам унинг охиратини енгил қиласи” деб  
даъват этадилар.(Хошимов К-1995)

Кўриниб турибдики, ўтмишдаги буюк уламоларимиз  
ҳам ҳомийлик маданиятига катта эътибор билан қараган-  
лар ва саҳий одамларни ҳамиша улуғлаганлар.

Мамлакатимиз мустақилликни кўлга киритган кунда-  
ноқ жамиятда хусусий мулкчилик қонун билан мустаҳкам-  
ланди. Мамлакатимизда ишбилармон, ҳар ишда улдабу-  
рон кишилар кун сайин кўпайиб бориши қувонарли ҳол.  
Аммо, аччик бўлса ҳам таъкидлаш жойзки, бугунги пул-  
дор иш билармон мулк эгаларининг ҳаммалари ҳам  
саҳийликни ўзига раво кўрган нарсаларини бошқаларга  
раво кўришни хуш кўравермайдилар. Мамлакатимизда  
ҳомийлик маданиятини одамларнинг онгига сингдириб,  
бундай хусусиятларни барча ишбилармон, пулдор киши-  
ларнинг кундалик ижтимоий одатига айлантириш бора-  
сида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилалаяпти. Бу би-  
лан мен айрим фидоий ишбилармонларни айблаш мак-

садим йўқ. Аммо, кўплаб ривожланган давлатларнинг ривожланиш тарихига ва бугунги фаолиятларига назар солсангиз, аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаёт фаровонлигини таъминлашда давлат билан бир қаторда туриб фаолият кўрсатаётганлигини кўриб одамнинг, баъзида, хаваси ҳам келади. Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида бу каби қўштириқ ичидаги бойваччаларга нисбатан ёзилган шундай бир иборага кўзингиз тушганда, меъеридан ортиқ бойлик, агар у хайрли тадбирларга ишлатилмаса, охири яхшиликка олиб келмаслигини тушуниш мушкул эмас. ”Ўзи емай, молини бахиллик қилиб қаттиқ тутади. Бахиллик билан мол устида йиглайди, олтин тўплайди, охири бошқаларга ташлаб кетади” (Хошимов К-1995).

Мамлакатимизда тиббиёт йўналишида ҳам бозор муносабатлари шаклланаётган ана шу ўтиш даврида, айниқса, кам таъминланган оиласлар, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар, қолаверса, болалар уйлари, даволаш-профилактик муассасалар ҳам меҳр-мурувватга, ҳомийлар кўмагига муҳтоҷ бўладилар. Шу боисдан бўлса кепрак 2004 йилни Президентимиз “Меҳр-мурувват йили” деб эълон қилган эдилар. 2005 йилнинг мамлакатимизда “Сиҳат-саломатлик йили” ва 2006 йилнинг шу йилларнинг мантикий давоми сифатида айнан “ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб аталишининг ҳам туб мазмун моҳияти жамиятимизда ҳомийлик маданиятини янада яхшироқ шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат бўлса ажаб эмас.

Юртимизда қадим-қадимда муҳтоҷларга кўмак бериш, ҳашар йўли билан уларнинг мушкулини осон этиш маълум маънода, ижтимоий меъёр бўлиб шаклланган. Тўғри, бу одатларимиз кейинги даврларда бирмунча издан чиккани ҳеч кимга сир эмас. Аммо, ушбу минг йиллар даво-

мида ўзининг исботини топган, халқимиз онгидан ўз ўрнини эгаллаган анъаналаримизни бугун яна қайта тиклаш, уни ривожлантириш, замон талаби даражасида та-комиллаштириш вақти келди чоғи. Ҳар қандай ҳомийлик инсонлар соғлиғига ва уларнинг фаровонлигига, фарзандларимизнинг дунё андозаларига жавоб берадиган дара-жада билим олишларига хизмат қилишига йўналтириш-дек савобли-хайрли ишга ҳисса қўшиш, бугун барчамиз-нинг бурчимиз ҳисобланади.

Бугун юзлаб одамларнинг яшаш уйлари, болаларнинг билим масканлари, даволаш-профилактик муассасалар ва шу йўналишдаги ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари, болалар уйла-ри, санаториялар, спорт иншоотлари, кўпгина соғломлаштириш муассасалари, булардан ташқари қанча-қанча ободонлаштириш ишлари ана шу биз фикр қилаётган хотам-той юртдошларимизнинг ҳомийлик ёрдамларига муҳтож. Бу савобли ишларнинг тагида фақатгина фуқаролари-мизнинг соғлиғи, уни асраш, яхшилаш ва мустаҳкамлаш ётади. Бугун шифокорларимизга ҳозирги замон талаб-ларига жавоб берадиган ташхислаш, даволаш асбоб-ускуналари жихозлари, замонавий лабораториялар, транспорт воситалари зарур. Бу борада ҳам биз шифо-корлар ҳомийлар кўмагисиз бирон-бир кўзга кўринарли ишларни амалга оширишимиз мушкул. Ёшларимизнинг хорижий давлатларда ўқишлиари, шифокорларимизнинг малака оширишлиари, қолаверса, бугунги тиббиётда юза-га келган муаммоларни илмий таҳлил қилишда ҳам ҳомийлар кўмаги бениҳоя катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир ҳомий ўз маблағининг бир бўлагини айнан соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга, унинг мод-дий-техник базасини мустаҳкамлашга ёки бирон-бир шахснинг даволаниши учун бераётганда у қанчалик улуғ

ва савобли иш қилаётганинги дастлаб хис қила олмас-  
лиги мумкин. Аммо, ана шу кўрсатилётган ҳомийлик на-  
тижаси боис ўнлаб, юзлаб, минглаб фуқароларимизнинг  
хаётлари сақланиб қолинади. Ҳар қайси ҳомий учун хаёт-  
да бунданда ортиқ баҳт бўлмаса керак. Ҳомийнинг маб-  
лағи туфайли ҳаёти сақланиб қолган норасидани бағрига  
босиб касалхонадан чиқиб кетаётган онанинг кўзидан  
кувонч ёшларини кўришдан ортиқ-да бойлик бўлмаса ке-  
рак дунёда инсон учун. Мамлакатимиздаги барча ҳомий-  
ларимиз ана шу хис-туйфуни ўзларида доимо хис қилиб  
фаолият кўрсатсалар, нафақат “ҳомийлар ва шифокорлар  
йили”да, балки бутун фаолияти давомида ҳалқимизнинг  
соғлиғига, уни яхшилашга улкан хисса қўшган бўладилар.  
Ана шу ижтимоий меъёр ҳалқимизнинг онгига кундалик  
одат сифатида сингса – бу демак жамиятимизда ҳомийлик  
маданиятининг шаклланган демакдир. Одамларимизнинг  
онгига одат бўлиб кирган жараён бу турмуш тарзимизнинг  
ажралмас бир бўлагига айланади. Бежиз айтилмаган-ку,  
“Мамлакат ташланади-ю, аммо одат ташланмайди” деб.  
Илоҳо шу яхши ният билан бошлиётган савобли ва хайр-  
ли одатларимиз ҳеч қачон бизни тарк этмасин.

Кимки ҳомийлик қилиб, одамларга ёрдамини аямаса,  
уни Тангри ҳам ўзига дўст тутаркан. “Кимники Тангри  
дўст тутиб қолса, одамларнинг унга ҳожати тушадиган  
қилиб қўяди”. Мехридарё, сахий, қалби очик, самимий ин-  
сонгина ёнидаги унинг озгина бўлса ҳам ёрдамига муҳтож  
кишиларни кўра олади ва ундан меҳрини дариф тутмайди.

Ҳомийлик деганда, фақатгина тиббиёт тизимида  
кўрсатиладиган ёрдамнигина кўзда тутиш эмас, балки  
халқ хўжалигининг барча тармоқларида амалга ошири-  
лаётган яратувчилик ишлари ҳам ҳомийлар кўмагига  
муҳтож. Аммо, ана шу ишларнинг барчаси инсон фаро-  
вонлигига, уларнинг турмуш ва яшаш, меҳнат қилиш ва

дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган. Инсон фаровонлигининг асосида, биринчи галда, унинг соғлиғи туради. Инсон соғлиғини хеч қандай бойлик билан битта тарозига кўйиб бўлмайди. Хулоса шуки, кўриб турганимиздек, ҳомийлик маданияти ва инсон саломатлиги бир-бирига боғлиқ жараёнлар ҳисобланиб, унинг қонуний асосларини яратиш бугуннинг долзарб муаммосидир. Зеро “Соғлом ҳалқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир” деган ғоя негизида ҳам эл бойлиги бўлмиш ана шу соғлик назарда тутилган. Буюк Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз ҳам ҳомийликни улуғлаб,

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,  
анга борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.  
деб ёзган эдилар.

#### **Ижтимоий – психологик маданият ва соғлик.**

Инсон боласи дунёга биологик мавжудот сифатида келса-да, у ижтимоий муносабатлар маҳсули ҳисобланади. Ижтимоий муносабатлар ҳар бир жамиятда унинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, одамларнинг миллати, урф-одатлари, миллий-қадриятларидан келиб чиқкан ҳолда, ўзига хос тарзда шаклланади. Ана шу муносабатлар таъсирида болалар ўсиб-улғаяди ва айнан шу жамиятга хос фуқаро сифатида фаолият кўрсатади. Ер куррасида қанча давлат мавжуд бўлса, уларда яшаётган ҳалқларнинг ўз тили, дини, яшаш тарзига эга. Ана шу хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда улардан ўзига хос ижтимоий – психологик муомала ва муносабатлар, меъёрлар, одатлар яъни маданиятлари мавжуд. Ана шу ижтимоий – психологик муомала муносабатлар одамлар соғлиғига ижобий ёки салбий таъсирларини доимо ўтказиб туради ва баъзида кўплаб касалликларни келтириб чиқарувчи асосий омил бўлиб хизмат қиласи. Абу Али ибн Сино

беморларни даволашда ҳам биринчи галда, уни сўз билан даволащни тавсия этади. Унинг асосини айнан ана шу биз таҳлил қилаётган ижтимоий – психологик маданият ташкил этади. Инсон ижтимоий муносабатлар маҳсали экан, у ҳамиша инсоний муроқот заруратини хис қилиб яшайди. Аммо, ана шу муроқот ҳамма вақт ҳам биз ўйлаганимиздек ижобий кечавермайди. ҳар бир ижобий кечмаган муроқот ўз навбатида асабий-хиссий жароҳат хисобланади ва организмда қатор ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлади. Инсон ҳамиша ҳам бундай муносабатлардан сакланишинг йўлларини топавермайди. Бу каби ижтимоий муносабатлар асосида биринчи галда тарбия масаласи туради. Тарбия тўғрисида гап кетганда ўзбек халқ педагогикаси намоёндаларидан Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат” деб ёзган хикматли сўzlари беихтиёр хаёлингиздан ўтади. Одатда ижтимоий муомала ва муносабат маданиятининг негизини нутқ маданияти ташкил этишини унутмаслигимиз керак бўлади. Нутқ маданияти ўзи нима, у қаерда ва қачон шаклланади, қолаверса, унинг инсон саломатлигига қандай алоқаси бор? Нутқ маданияти деганда, одам ўз фикрини равон, равшан, чиройли, мазмунли, тушунарли мулойимона, қайси тилда бўлса ҳам соф ана шу тилда таъсирчан тушунтириш, ифода килиш назарда тутилади. Нутқ маданияти шундай бўлиши керакки, сизни тинглаган киши мазкур муносабатдан қоникиш ҳосил қилсин, қайфияти кўтарилсин, ҳаётта, яшашга, меҳнат қилишга кизиқиши ортсин ва сиз билан бўлган сухбатга яна қайтишга интилиб яшасин. Ана шунда самимий ижтимоий – психологик муомала одамларнинг соғлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади ва энг асосийси, бу ўз навбатида тарбиявий таъсир қиласи. Бир хил жараённи одам ҳар хил

охангда ифода қилиши мүмкин. Айниңса, агар бу ҳолатни врачлар фаолиятидан мисол киладиган бўлсак, bemорлар билан бўладиган муомала ва муносабатда яққол кўриш мүмкин. Беморларга «Сиз худо хоҳласа тез кунда албатта тузалиб, ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз», деб ҳам гапни кулиб, ҳазил аралашган ҳолда, унинг елкаларини қоқиб, ифода қилиш ҳам мүмкин. Ёки вақтингиз камлигини пеш қилиб, ғазаб аралаш “боринг жойингизга, ҳали ўзим олдингизга ўтаман, юрманг бу ерда, тузалиб кетасиз, битта сизми шу касаллик билан оғриган ва ҳоказо гаплар билан ҳам ифода қилиш мүмкин. Шу сабабдан бўлса керак “яхши гап тан озифи, ёмон гап жон озифи” дейди халқимиз. Бир оғиз гап билан инсоннинг мазкур ҳолатда bemornining кайфиятини кўтариб унга руҳий тетиклик, яшашга, иштача ва интилиш пайдо қилиш ёки унинг акси ҳам содир бўлиши мүмкин. Одам боласи дунёга нутқиз қелади, аммо у нутқ маданияти ёки ижтимоий – руҳий муносабатлар у ёки бу кўринишда, маълум даражада шаклланган тайёр мухитга – оиласа тушади ва ана шу оиласа олдиндан шаклланган ижтимоий-психологик муомала ва муносабатлар таъсирида ўсиб-улғаяди, тили чиқади, гапиришни ўрганади, маълум маънода оиласаги мавжуд муомала маданиятидан андоза олади, унга нисбатан ижтимоийлашади. Шу тарика болада нутқ маданияти шакллана бошлади. Ер куррасида юзлаб миллатлар, шевалар мавжуд, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос монги, гапириш услуги, муносабат турлари борки, улар ана шу нутқ муносабатлари билан бир-бирларига у ёки бу кўринишда таъсир кўрсатадилар.

Болаларда яхши нутқ маданияти қачон ва тўғри шаклланади? Бу жарабён биринчи галда, ота-она ва оиласаги яқинларнинг бир-бирлари билан бўладиган муомала-муносабатидан келиб чиқади. Агар оиласа бир-бирига

бўлган хурмат, яхши гап, яхши сўз билан бир-бирига сизлаб мурожаат қилинса, ҳар қандай ҳолатда ҳам оилада бир-бирларига нисбатан дилозорлик кузатилмаса, оиласагилар секин, одоб билан катта ва кичикларнинг хурматини ўз ўрнига қўйиб гапирсалар, тили чиқаётган болага тўғри гапиришни, сўзларни ва айрим ҳарфларни тўғри талаффуз қилишни ўргатсалар, ўз нутқларида қўпол ва дағал сўзларни ишлатмасалар, албатта, болада тўғри нутқ маданияти шаклланади. Агар оилада бунинг акси бўлса-чи, бундай оилада болалар нутқидан биринчи галда, ёмон ва дағал сўзлар, сўкишлар, одамларнинг, ўз яқинларининг дилига озор етказадиган нутқ муомаласи шаклланади. Айрим оилаларда фарзандларни, айниқса невараларни эркалатиш мақсадида баъзи ота-оналар болалар, кўп ҳолларда ўғил болаларга бор уни сўкиб кел, бор уни уриб кел, дея даъват қиласидилар ва болани бу муваффакияти учун баъзида рағбатлантириб ҳам қўядилар. Бу ҳолат бир кун, бир ой, баъзида йиллаб давом этади ва ана шу сўзлар бола нутқидан мустаҳкам ўрин олади ва унинг учун гаплашиш жараёнида ижтимоий меъёрга айланиб кетади. Бу вақтда уни яхши гаплашишга одатлантириш жуда қийин кечади, баъзида ота-оналар бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Афсуски, баъзи ота-оналар олдинига фарзандининг бундай қўштириноқ ичидаги фазилатлари билан фахрланадилар, аммо унинг кейинги натижаларини кўрганларидан кейин афсус-надоматлар қилишади. Баъзида ўз фарзандидаги ана шу муомала маданиятидан изза чекадилар. Шу боис болада нутқ, гаплашиш маданияти, характер ва бошқа хусусиятлар шаклланиб боради. Бундай болаларга одатда атрофдагилар, яқин кишилар танбех берсалар-да, кўнишиб қолган отаоналар кўп ҳолларда унчалик эътибор бермайдилар. Ана шу фарзанднинг нутқ маданиятининг салбий таъсирла-

ри оилада унчалик сезилмаслиги мумкин, негаки уларда бу муносабатта нисбатан маълум даражада мослашув жараёни юзага келади, аммо ҳар бир шахс жамият аъзоси, у кейинчалик болалар муассасаларига, мактабга, ўрта ва олий ўкув юртларига, меҳнат жамоаларига боради ва маълум даражада одамларнинг дилига озор етказиши уларнинг кайфиятига, қолаверса, энг асосийси соғлиғига ёмон таъсир қиласди.

Халқимизда “тиғ яраси битади, аммо дил яраси битмайди” деган мақол ҳам айнан юқоридаги дилозор шахслар учун айтилган бўлса ажаб эмас. Агар оилада болага ёшлигидан тӯғри сўзлар ўргатилса, эртаклар, достонлар, хикоялар ўқиб берилса, бола ҳарф таниб, ўзи ўқий бошлаганидан кейин унда бадиий китобларни ўқишга бўлган кўникмалар сингдирилса, яхши ва ёмон гапларнинг мазмун ва моҳияти мукаммал тушунтирилса, болада адабиётга, санъатга, шеъриятга бўлган қизиқиши уйғониши учун шароитлар яратилса, оила аъзолари орасидаги меҳроқибат, бир-бирлари билан бўладиган муносабатлар са-мимий, ҳар қандай ҳолатда ҳам катталар ёмон гапларни айтишдан тийилсалар, албатта, ана шу оилада ширин сўзли, мукаммал муомала маданиятига эга бўлган фарзандлар етишиб чиқади ва улар жамиятда ижобий ижтимоий – психологик муомала - муносабатларнинг шаклланишига хизмат қиласдилар. Энг муҳими, улар ўзларининг ва бошқаларнинг соғлиғини ҳам маълум маънода асрайдилар. Албатта, болаларда муомала маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида оиладан кейинги болалар муассасаларида олиб бориладиган таълим ва тарбиянинг ҳам тутган ўрни бекиёс. Таълим тарбия ёрдамида боладаги шу вактгача орттирилган ва айрим табиий нуқсонларни ҳам бартараф қилиш мумкин. Бунинг учун таълим ва тарбия аниқ режалаштирилган мақсадга

йўналтирилган бўлиши, боладаги шаклланиш нутқ-муомала маданият даражаси ўқитувчи томонидан батафсил ва чуқур ўрганилиши зарур бўлади. Ўқитувчи синфдаги ҳар бир боланинг ўзига хос-хусусиятларини, тарбияланганик даражасини, у катта бўлган оиласвий мухитни, боланинг характеристи, шаклланган дунёқарашини англаған ҳолда индивидуал иш олиб борсагина яхши самарага эришиши мумкин. Одатда ўқитувчи ҳаммага бир хил муносабатда бўлиши керак дейилади, аммо амалда бу ҳамма вақт ҳам кўзланган самарани беравермайди. Мактабга биринчи қадам кўйган боланинг янгиликларга интилиши, билиш жараёнига бўлган ҳаракати, одамлар билан кўпроқ муомалада бўлишга ва бошқа эҳтиёжларга бўлган истаги жуда юқори бўлади.

Бошланғич синфлардаги ўқитувчи ҳамда тарбиячиларнинг биринчи галдаги асосий бурчи, айнан боладаги анатуистик ва хоҳиш, интилишларни кўллаб-куватлаш, униривожлантириш, такомиллаштириш ва боладаги мавжуд ижтимоий – психологик муомала маданияти асосида, жамиятга хос бўлган умумисоний муомала маданиятини шакллантиришдан иборат бўлади. Бунинг учун биринчи галда, албатта, ўқитувчи тарбиячининг ўзи юксак муомала маданиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчи ҳамиша болалардаги мавжуд ҳар қандай хусусиятлардан, унинг ҳатто ўзлаштириш даражасидан қатъий назар, ўқитувчига нисбатан инсонпарварлик нуқтаи назардан фикрлаш, тафаккур қилиш зарур бўлади. Педагогик жараёнда айниқса, бошланғич синфлар ўқитувчиларида ҳис-ҳаяжонга нисбатан ҳамиша мантиқ илгари юриши керак. Ўқитувчи ҳар қандай ҳолатда ҳам ўкувчига ўз мақсадини босиклик билан, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, равон тилда, кўпол ва дағал сўзларни ишлатмасдан, миллий қадриятларимизга таяниб вазминлик билан тушунтира

билса, қандай характердаги бола бўлмасин, ўқитувчнинг мақсадини тўғри англаб олади. Ўқувчини беўрин койиш ва айниқса, жисмоний таъсир кўрсатиш усуллари билан бирон-бир натижага эришиш амалда мумкин эмас.

Мактаб ўқувчиларида муомала ва муносабат, яни ўзаро ижтимоий – психологик муносабатларни тўғри ривожлантиришнинг асосида, биринчи навбатда айнан мазкур мактабда ёки академик лицейда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ва бошқа ходимлар ўргасидаги мавжуд ижобий психологик мухит даражаси туради. Агар мактаб жамоаси ўртасида ижобий ижтимоий – психологик маданият, ўзаро самимий муносабатлар шаклланган бўлса, бу ҳолат ўқувчилар учун ўrnak-намуна бўлиб хизмат килади. Негаки, бола ўзини бу борада қандай тутишлигини ҳар кун назарий эшитганидан кўра бир марта амалда ўз кўзи билан кўриб гувоҳи бўлган жараёндан тез андоза олади. Албатта, мактаб ёшидаги болаларда нутқ маданияти, яни ижтимоий – психологик муносабатларнинг ижобий шаклланиши кўп жиҳатдан мазкур ўқув даргохига тил, адабиёт, мантиқ, табиат, ижтимоий фанларнинг талаб даражасида ўтилишини ташкил қилиш, болаларни санъатга, адабиётга қизиктириш ишларини тўғри йўлга кўйилишига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Булардан ташқари, мактабларда ташкил этиладиган ҳар хил тўгараклар, таникли шоирлар, ёзувчилар, олимлар ва санъаткорлар билан ўtkaziladigancha учрашувлар ҳам ўз навбатида, болаларда ижтимоий-психологик маданиятнинг шаклланишида мухим ўрин эгаллайди. Айнан ёшларимизда ушбу маданият турини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлар миллий қадриятларимиз асосида амалга оширилса, жамиятимизга ва аждодларимизга хос бўлган юксак муомала маданиятига эга бўлган фуқаролар етишиб чиқади.

Енгил хулқли, дилозор, қўпол кишилар нафақат ўзларининг соғлиғига, қолаверса атрофдаги ўзига яқин киши-

ларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Ёмон муомалали кишидан хамма безади, учрашганларида асабийлашадилар, кайфияти тушади, ишида унум бўлмайди, ҳатто иштаҳаси ҳам бўғилади. Бу холат албатта, организмда асабийлашиш ҳолатини юзага келтиради ва энг ачинарлиси, ундай холат тўхтовсиз, мунтазам давом эта-диган бўлса, ҳар қандай кишининг организмидаги патоло-гик ўзгаришлар, ҳатто фожиали ҳолатлар ҳам юз берни мумкин. Шундай воқеликлар туфайли кайфияти бузилган инсоннинг руҳиятида катта ўзгариш рўй беради. Олдинлари яхши иштаҳа билан амалга оширадиган тад-бирлари ҳам ёкмайди, киши тушкунлик ҳолатига тушади ва ҳатто организмнинг касалликларига қаршилик иммун хусусияти ҳам пасайди, натижада организмда ҳар қандай касалликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Ижобий ижтимоий – психологик муомала муносаба-тининг гувоҳи бўлган кишида эса, бу ҳолатнинг акси, юқори кайфият, ишига яхши муносабат, оиласида тотув-лик ошади, унум ва энг асосийси, якинларига ва атроф-дагиларга ижобий таъсир кўрсатади. Шу боисдан мак-табларда ўқитувчилар ўқувчиларга нисбатан яхши муно-сабатда бўлсалар ва уларни ҳам ана шу меъёрга одат-лантирсалар, улар биринчи навбатда, жамиятни соғлом-лаштиришга улкан ҳисса қўшган бўладилар. Мактабдан кейин бола янги жамоалар, олий ва ўрта ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида янги ижтимоий-психологик му-омала муносабатларга дуч келади ва ана шу мухитлар-нинг таъсирлари остида фаолият кўрсатади.

Албатта, олий ўқув юртига ўқишига кирганида, меҳ-нат жамоаларига ишга жойлашган болаларда маълум бир муомала маданияти шаклланган бўлади. Бу дегани ке-йинги босқичларда унинг муомала маданиятида ижобий ёки салбий силжишлар бўлмайди, дегани эмас. Ҳар кан-

дай ҳолатда ҳам ўқувчи кирган ўқув юрти ёки иш жойида у келгунга қадар жамоада маълум бир ижтимоий меъёрлар, муомала маданияти, ўзаро муносабатлар айрим бир қўринишларда турғун даражада шаклланган бўлади. Янги келган шахс эса нисбатан камчиликни ташкил этиши боис, у айнан ана шу мухитнинг айрим шартларига ижтимоийлашишига тўғри келади. Демак, кўп ҳолларда жамоадаги мавжуд психологияк иқлим ҳам одамнинг маълум даражада муомала маданиятига таъсир этади, айникоша, бу таъсир ёшларда сезиларли даражада кузатилиши мумкин. Жамоада ижобий психологик иқлиминг ҳолати ва унинг шаклланиши, хоҳ у ўқув маскани, хоҳ меҳнат жамоаси бўлсин биринчи галда, жамоанинг раҳбари ва унинг атрофидагиларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Одамни бир оғиз гап билан кулдириш мумкин, аммо бир оғиз гап билан баъзан, ҳатто, ўлдириш ҳам мумкин.

Ижтимоий – психологик омилларнинг бошқа омиллардан фарқи ҳам шундаки, у тез ва кучли таъсир этади. Айрим бир салбий омиллар бор, улар узоқ вақт ва секин-аста ёмон таъсир килиб, организмда қандайдир бир касалликни келтириб чикаради. Бундай омилларнинг олдини олиш ҳам унчалик қийин эмас. Аммо, ижтимоий-психологияк омилларнинг олдини олиш инсонга ёшлиқдан бериладиган таълим-тарбияяга кўп жиҳатдан боғлиқ, агар ана шу тарбия ўз вақтида болага талаб даражасида берилмаса, бундай омилнинг олдини олиш ҳам амалда жуда қийин кечади. Негаки, бу профилактика тадбири маълум даражада характеристи, мижози, дунёқарashi шаклланган кишини қайта тарбиялашда вақт кетади, ижобий натижа беравермайди. Ҳозирги даврда маълумки, ахборот технологиясининг ривожланаётган даври ёшларимиз интернет тармоклари орқали дунёning ҳар хил давлатларидан турли-

ча маълумотлар олишлари ва унинг таъсирига учрашишлари мумкин.

Бугун ёшларимиз ўнлаб, бир неча ўнлаб ойнаижажон каналларида берилаётган ҳар хил кинофильмлар ёки эшитиришларни кўриб ҳам, улардан ижобий ёки салбий таъсирланадилар ва энг ачинарлиси, булар болаларда, айрим ҳолларда, одамларга нисбатан салбий муносабатларни шакллантиради, уларда бешафқатлик, бераҳмлик аломатларини шакллантиради, шунингдек қўпол ва дағал сўзларни ўзлаштириб оладилар. Бундай шаклланган муомала муносабатлар жамиятда салбий оқибатларга олиб келади ва инсонлар руҳиятига, саломатлигига ёмон таъсир кўрсатади. Шу боисдан мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг биринчи галдаги вазифаси, эфирга олиб чиқилаётган кўрсатув ёки эшиттиришларнинг савиясини ва уларнинг тарбиявий аҳамиятини оширишдан иборат бўлади.

Афсусланарлиси шундаки, айрим кишиларда жаҳлдорлик, қўполлик, алдамчилик, иккюзламачилик, баҳиллик, фаразгўйлик, кўрабилмаслик, сергаплик ва бошқа қатор салбий одатлар шаклланган бўлади. Бу ҳам инсонларда тарбия жараёнида шаклланадиган ижтимоий меъёрлардир. Аммо, бу меъёр нисбий, айни ана шу шахс учун одат тусига кириб қолган ижтимоий меъёрдир. Юқоридаги хусусиятларга эга бўлган шахслар ҳам биз билан сизнинг орамизда, жамиятда фаолият кўрсатадилар ва улар билан биз хоҳлаймизми йўқми, баъзида ҳаёт тақозоси ёки хизмат юзасидан муомала ва мулоқотда бўламиз. Кўз олдингизга бир келтиринг, агар сиз уларнинг ҳийла-найрангларига тўғри келсангиз қандай аҳволга тушасиз. Бутун асаб тизимингиз издан чиқади, кайфиятингиз бир ҳолатга тушади, уйингизда, ишингизда ҳаловат бўлмайди ва натижада бундай ҳолат, биринчи галда, бевосита сизнинг

соғлиғингизга ёмон таъсир этади ва касалликка олиб келади.

Халқимизда шундай бир мақол бор, “Бир кун жанжал бўлган уйда, кирқ кун файз кетади” дейилади. Бу дегани нарса, оиласа кирқ кун осойишталик бузилади, оила аъзоларининг кайфияти бузилади ва уларнинг соғлиғига путур этади. Кўриб турибсизки, хурматли ўкувчи, ижтимоий – психологик омиллар, яъни одамлар ўртасидаги бўладиган кундалик муомала – муносабатлар маданияти хам бизнинг соғлиғимизга бевосита ё ижобий ё салбий таъсир қиласар экан. Жамиятимизда ҳар томонлама соғлом авлодни шакллантириш миллий ғоямизни амалга оширишнинг ҳам асосий йўналишларидан бири, жамиятда яхши хулқ-авторли, интизомли, ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятга эга бўлган билимли, шу билан бирга ижобий ижтимоий-психологик муомала маданияти меъёрларини ўзлаштириб олган ёшларни тарбиялаш, бунгуннинг энг долзарб муаммоларидан бири хисобланади.

#### IV-боб.

#### **Носоғлом ижтимоий меъёрлар ва уларни шакллантирувчи омиллар.**

Инсон боласи умрининг биринчи кунидан то охиригача ўз фаолиятини кобилияти даражасидаги фаоллиги ёрдамида, ўзида шаклланган одат тусига айланган ижтимоий меъёрларга асосланган ҳолда ўтказади. Нисбатан қарайдиган бўлсак, бу меъёрларни худудларда, элатларда, махаллаларда, оиласа, қолаверса, ҳар бир шахсада алоҳида кўринишида кузатиш мумкин. Ким учундир ижобий меъёр саналган ҳар қандай одат, бошқа бирор учун умумий салбий меъёр бўлиб, айни пайтда бошқа бирор учун ижобий бўлган ҳолат, унинг учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар қандай салбий ҳолатда ҳам биз бу жа-

раённи нисбатан ижтимоий меъёр сифатида қабул қиласиз. Мисол учун чекадиган одам учун сигарета чекиш меъёр тусига кирган, бир қарашда унинг организмига бўлган салбий таъсирини мазкур чекувчи вақтида чекмай қўйса, организм маълум даражада чекишни талаб ҳам қиласи. Айрим одамлар кўпчилик ҳолларда “менинг ёмон одатим бу меники, бошқаларга нима таъсири бор” деб мулоҳаза ҳам қиласидилар. Айтиш жоизки, хеч қандай носоғлом ижтимоий меъёрлар аста-секинлик билан таъсир қиласи. Одатда одамлар чекувчиларга “нима учун чекасан,” деб кўпроқ савол берадилар. Аслида менга қолса, бу савонни бериш кечдек туюлади, савонни энди чекишни қандай қилиб ўргангансан, чека бошлигинта нима сабаб-мотивация бўлган эди, деб берилса ва ҳар бир чекувчида ана шу жараённи алоҳида ўрганиб тахлил қилинса, биз бу иллатнинг олдини олиш чораларини тўгри ишлаб чиккан бўлар эдик. Чекиш ўзи нима ва у қачон пайдо бўлган ижтимоий салбий одат ва бугунга келиб, айниқса, ёшлар орасида салбий ижтимоий меъёрга айланиб қолган. Ачинарлиси шундаки, ер юзи мамлакатларида бу иллат жуда тез суръатлар билан ёшларни ўз домига тортиб кетмоқда. Тамакининг ер юзида тарқалиши тарихига тўхталсақ, Колумб номи билан боғлиқ бўлиб, XVI асрнинг иккинчи ярмида тамаки Испаниядан бошқа Европа давлатларига тарқалган ва кейинчалик, Осиё мамлакатларига ҳам етиб келган. XVII асрга келиб, Украина ерларида экиб, етиштирила бошланди. Ҳатто олдинлари уни даволовчи восита сифатида ҳам бош оғрифини, тиш оғрифи, ҳатто мигренни даволашда ҳам қўллаганлар. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, айнан шу вақтларданоқ

чекишга қарши кураш, ҳатто давлатлар томонидан махсус чекишга қарши қонунлар чиқарылған. Лекин, унинг соғлиққа күрсатадиган ёмон таъсирларини илмий асослаш кейинги юз йиллікларда ўз исботини топа бошлади.

Барibir бизни күпроқ қийнаётган эң оғир савол- нега бугун айнан ёшларимиз бу иллатни ўзларига ўзлаштириб олмоқдалар ва бошқаларга ҳам тадбиқ қилмоқдалар. Статистик маълумотларга қараганда, битта гиёхванд бир йилда ўртача учта кишини гиёхвандликка ўргатар экан. Қизиқ, битта тамаки чекувчи бир йилда қанча кишини, ачинарлиси ҳали балоғат ёшига ҳам етмаган болакайларни чекишга ўргатар экан? Ҳар бир чекувчидан бевосита бориб, сиз қаочон ва нега чекишини ўргангансиз деб савол берсангиз, эңг ачинарлиси шундаки, биронтасида ҳам жиддий бир сабаб йўқ. Одатда улар “ҳазил-ҳазил билан ўрганиб қолдим”, “дўстларим чекади, мен ҳам чекаман”, “талабалик йилларида ўрганганман”, “армия сафида ҳамма чекар эди, мен ҳам ўргандим”, “уйда отам, акаларимдан кўриб ўргандим” каби ўнлаб баҳоналарни айтиши мумкин. Агар буларнинг ҳаммасини таҳлил қиласидиган бўлсак, болаларнинг чекишини ўрганишига биз катталарап маълум даражада айбормиз! Биринчидан, болани оиласда аҳлоқий-иродавий тарбиясига эътиборнинг йўклиги ёки сустлиги. Нега, аҳлоқий тарбиянинг сустлиги дейишга сабаб, чека бошлаган бола биринчи навбатда, ўз ота-онасини, ўқитувчисини ва яқин кишиларини алдашдан бошлайди, яъни чека туриб, чекмайман деб ишонтиради. Ўзингиз танангизга бир дақиқа ҳис қилиб кўринг, ҳали вояга етмаган ўғил ёки қизингиз сизни биринчи кундан алдай бошласа, аҳлоқий тарбия тўғрисида бундай оиласда фикр ҳам юритиш мумкин эмас. Демак, бундай ота-она фарзандларининг олдида доимо ўзлари ёлғон гапиришни ижтимоий меъёр қилиб олганлар, бо-

лалари айнан ана шу одатлардан андоза олган ҳолда биринчи галда, ўзларини алдашга ҳаракат қиладилар. Иродавий тарбия тўғрисида гап кетганда оиласда, биринчи галда, ота-онада иродавий сифатлар шаклланган бўлиб, фарзандлар олдида бирон-бир муҳим ҳис-ҳаяжон билан кечадиган жараённи муҳокама қилганинида босиклик, вазминлик билан ҳамиша ҳиссиётдан мантиқни олдин қўйган ҳолда ҳал қилишлари ва фарзандларни ҳам ҳамиша ана шундай вазмин бўлишга, сабр-тоқатли бўлишга одатлантируларгина, болада ахлоқий-иродавий сифатлар мустаҳкам шаклланиб боради. Агар оиласда ота ёки она бир оғиз гапдан иккинчисига ўтмай, ўзининг жаҳлини сигарета чекишдан, спиртли ичимлик ичишдан оладиган бўлса, бундай ҳолатни бола оиласда, доимий кузатиш натижасида унда маълум бир тушунча, “Ҳа жақл чиққанда тамаки чекса, алкогол ичкиликларни истеъмол қилса, жақлдан тушар экан” деган соҳта тушунча аста-секин унинг онгига сингиб боради ва бундай ўrnak-намуналиг бола учун ёмон омил бўлиб хизмат қилади. Ҳеч қачон бола онасидан чекувчи бўлиб туғилмайди, аммо нофол, чекишга юқори даражадаги мойиллик билан дунёга келиши мумкин. Нега деганда, айрим статистик маълумотларга қараганда, ҳомиладор аёл тамаки чекиши билан сониялардан кейин, никотин қон орқали бола миясига етиб боради, агар ҳомиладор аёл ёнида унинг турмуш ўртоғи чекса, узоги билан 30 сониядан кейин никотин бола миясига етиб боради. Ушбу жараён мунтазам ҳар куни, ҳар соатда давом этадиган бўлса, биринчидан она қорнида энди шаклланаётган бола организмига ҳар хил салбий ёмон таъсирлар кузатилади, иккинчидан, бундай болаларда чекишга бўлган мойиллик даражаси жуда юқори бўлади ва олимларимиз ана шундай фарзандларни нофол чекувчилар деб аташадилар. Табиийки, бундай бола-

ларда иммун хусусиятлари пасайган, боланинг иштаҳаси бўғилган ва ҳар хил касалликларга жуда берилувчан бўлиб қоладилар.

Кўпчилик ота-оналар билан сұхбатлашсангиз, баъзида ўта куйиниб гапирадилар, бизнинг авлодимиизда хеч ким чекмаган, кўрмайсизми, мана шу кичкина эркатойимиз шундай чекадиган бўлиб чиқди, нима килишни билмаймиз! Бунинг асосий сабаби, оиласда бола тарбиясига бўлган эътиборнинг маълум бир боскичда сусайтирилиши ҳисобланади. Ҳар бир ота-она улар жамиятда қайси лавозимда хизмат қилмасин, агар бола тарбиясига вақтлари жуда кам бўлганида ҳам, хеч ким уларнинг зиммасидан болалар назорати ва уларнинг тарбиясини олмайди. Кўпчилик ота-оналар болалар ҳамма салбий ижтимоий меъёрларни ташқаридан ўрганадилар, деб ўзларини оқлашга ҳаракат қиласадилар. Бу батамом нотўғри ва кечириб бўлмайдиган ҳолат деб ҳисоблайман. Нега деганда, ана шу ёмон ижтимоий меъёрни ташқаридан ўзлаштириб олиш бир кунда кечмайди, қолаверса, ана шу ёмон одатга қизиқиш, уни ўзлаштириб олишга бўлган мойиллик, иродасизлик сифатлари айнан оиласда шаклланади. Шу боис биз ўзимизни оқлашга хеч қандай асосимиз бу борада бўлиши мумкин эмас. Биз ота-онанинг оиласда, айникса ўғил бола дунёга келса, у эсини танигандан бошлаб, бу йўналишдаги қиласадиган ишимиз, айнан чекиши, унинг тарихи, тамакининг ҳислатлари, чекишининг нафакат чекувчининг организмига, балки атрофдагиларнинг соғлиғига ҳам ёмон таъсири тўғрисида тинимсиз иш олиб боришимиз керак. Аммо, биринчи ҳолда ўзимиз бу ижтимоий салбий иллатдан ҳоли бўлмоғимиз шарт бўлади. Агар олиб борадиган тадбиримиз ”мулланинг айтганини қил, аммо қилганини қилма” кўринишида бўладиган бўлса, билингки, барча сизнинг саъй-ҳаракатингиз, баъ-

з�다, аксинча самара бериши ҳам мумкин. Бу ҳолда сизда юқоридаги биз таъкидлаган баҳонани айтишдан бошқа иложингиз қолмайди, албатта.

Агар бирон-бир ўғил ёки қиз бола чекувчи, гиёхванд, меъеридан ортиқ спиртли ичимликларни истеъмол қилишга одатланиб қолган бўлса, мен оддий фуқаро, шифокор, муаллиф сифатида ҳам мазкур болани бу одатни ўзлаштириб олишида 100 % айбламаган бўлар эдим. Бундай ижтимоий меъёрнинг шаклланишида 50-60 %га ота-она бевосита айбдор бўлади. Негаки ҳар бир ота-она ўз фарзандининг нима ишлар билан машғул эканлигини, у ҳар куни қаерга бориб, кимлар билан учрашиб, нима ишларни қилишини билишлари шарт. Қолган 40 %ида менимча, айнан шу боланинг ўзи ва атрофидаги дўстлари ана шу меъёрнинг шаклланишига сабабчи бўлади. Халқимизда шундай бир яхши мақол бор ”сен менга дўстларингни айт, мен сенга кимлигингни айтаман” дейишади. Шу ўринда ишонч билан айтиш мумкинки, одатда “қовун-қовундан ранг олади”, “ўхшатмагунча учратмас” деган ҳикматли сўзлар ҳам айнан юқорида қайд килинган, ўз соғликларига нисбатан билимсиз, онгсиз ва малакасиз ёшлар учун айтилган бўлса, ажаб эмас. Биз чекишга қарши чоратадбиirlарни ишлаб чиқишида, уни ҳаётга тадбиқ қилишни, биринчи навбатда, айнан мазкур бола ёки болалар гурухининг чекишга хирс қўйишидаги асосий ички мотивациясини реал англай олмас эканмиз, бу каби иллат билан ҳар қанча қурашишимиз бефойда, самарасизлигича қолаверади. Мен чекувчи болаларни умуман онгсиз ёки билимсиз демоқчи эмасман, аммо улар ўзи ва атрофидагилар соғлиғига нисбатан етарли билим ва кўникмага эга эмасликларини таъкидламоқчиман, ҳолос. Ҳаётида биринчи марта қўлига тамаки олиб чекишни ўрганмоқчи бўлаётган бола айнан ана шу оддий фалсафа, ўз соғлифи

ва қасаллигини таъминловчи омилни пайдо қилувчи салбий ижтимоий меъёри ўзига одат килиб олаётганлиги ни англай олмаса, мен уни, ҳакли равишда, маълум даражада онгиз деб аташимга ҳаққим бор, -деб ўйлайман. Нега деганда, оиласвий тарбияни яхши ўзлаштирган бола чекиш билан соғлиқ ўртасида турганида, мен аминманки, у ҳамиша соғлиқни танлайди ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилади. У ўзининг бу хатти-ҳаракати билан нафақат ўзининг, балки бутун авлодининг соғлиғини таъминлаган бўлади.

Статистик маълумотларга қараганда, чекишга кўп ҳолларда болалар балоғат ёшига етиб, кўпроқ дўстлари билан мулоқотга кириша бошлаган даврларда орттириб оладилар. Бу даврда ота-она назорати нисбатан бир мунча сусаяди, негаки бола мустақил ҳаётга қадам қўйиб, мактабда, ўкув юртларида, меҳнат жамоаларида бошқа янги танишлар орттиради, улар билан кўпроқ вақтини ўтказади, ўқиш, иш юзасидан муомала-мулоқотда бўладилар ва айни даврда улардан айрим ижобий ва шу билан бирга салбий ижтимоий меъёрларни, айни ҳолатда чекишни ҳам ўзлаштириб олиши мумкин. Ана шу жараённинг содир бўлиши ҳам, айнан оиласдан олинган тарбияга, унинг ҳарактерига ва ҳатто мижозига ҳам боғлик бўлади. Бола она томонидан танаффусиз бўладиган назоратни ва ундан келиб чиқадиган хар хил салбий ёки ижобий жараёнларни қўз олдида сақлаб, эсидан чиқармасдан янги жамоадаги хатти-ҳаракатларини амалга ошираса, у ҳеч қачон салбий ижтимоий меъёрларни, айни пайтда чекишни ўзлаштириб олмайди. Борди-ю бунинг ақси бўлса-чи, айрим ота-оналар, айниқса ҳозирги даврда “сен ҳеч кимдан кам бўлмаслигинг керак” деган мотивация остида болага хоҳлаганича пул, тагига машинани, ҳатто бирон-бир ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширган

тақдирда ҳам, «ғам ема болам мен борман, ҳеч ким сенинг бурнингни қонатмайди, фалончи тоғандек бир оғиз айтсақ, ишлар ҳамирдан қил суғирғандек бўлади», ва ҳоказо гап-сўзлар билан эркалатилган фарзандларда нафақат чекишдек салбий ижтимоий меъёр, балки гиёҳвандлик, хукуқбузарлик, манманлик, зўравонлик ва шунга ўхшаган ўнлаб салбий одатлар шаклланиши мумкинки, бундай ҳолатда буни ҳолат эмас, балки фожиа деб атаса тўғрироқ бўладики, бу нафақат унинг ўз соғлиғига, балки атрофдаги яқинларининг ва қолаверса, бутун жамият соғлиғига ёмон таъсир кўрсатади ва бундай шахслар нафақат оила учун, балки бутун жамият учун хавфли шахсга айланади. Энг ачинарлиси ҳам шундаки, кўпчилик ҳали онги тўлиқ шаклланмаган ўспиринларимиз ана шундай енгил-елпи ҳаётга одатланган, енгил табиатли, ахлоқиз болаларнинг изидан ҳам эргашиб кетиш хавфи катта. Шу боисдан ҳам, ҳали жамиятимизда айнан тамаки чекувчиларга нисбатан, чекиш ёши, тартиби, қоидаси ва бошқа қонун-қоидаларига тўлалигича ишлаб чиқилган мукаммал қонунни ишлаб чиқиши вақти аллақачон етиб келди. Тўғри, айрим ташкилотларда ўзларининг ички тартиб-қоидалари билан маълум бир муваффақиятларга эришилмокда, аммо бу бутун мамлакатда бу соҳада кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди, деган гап эмас. Кўз олдингизга келтиринг, чекмайдиган аёл киши раҳбар олдига хизмат юзасидан ташриф буюрди ва эшикни очиши билан унинг нафаси орқасига қайтиб, бўғилиб қолиб, ҳатто ёмон ахволга ҳам тушиб қолиши мумкин. Нега деганда, чекувчи раҳбарларнинг кўпчилиги ўз хоналарида иш столида ўтириб, бемалол чекадилар. Аммо, ана шу чекувчи раҳбар унинг олдига кирувчи ўнлаб, бир неча ўнлаб келувчиларни ва уларнинг соғлигини ўйлаганида, бу салбий ижтимоий одатини бошқа жойга чиқиб амал-

га оширган бўлар эди. Бу ҳам чекувчиларнинг таъбири билан айтганда, “маданиятли чекувчи” бўлар эди.

Чекувчи ўзи ким? Чекувчи кўп холларда иродасиз, маълум маънода ўз ички санкциясини бошқара олмайдиган киши. Одатда инсондаги барча у хоҳ ижобий, хоҳ салбий ижтимоий меъёрлар бўлмасин, уни ижтимоий санкциялар бошқаради. Агар одам ўзига буйруқ бериб, уни бажара олмадими, демак унда бошқалар таъсирига мояиллик даражаси кучли бўлади. Уни, одатда осонлик билан ҳар қандай ижтимоий меъёрларга, яъни одатларга ўргатиш уччалик қийинчилик түғдирмайди. Бу одатда, кишининг ўз соғлиғига нисбатан эътиборсизлигидан, баъзизда эса билимсизлигидан ва онгсизлигидан келиб чиқади. Чекишга одатланиб, натижада кайсиdir бир касалликни орттириб олгандан кейингина ушбу жараённинг салбий томонларини англаб етади, аммо бу вақтда, маълум маънода, кеч бўлиши мумкин. Аммо, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, тамаки чекишни ташлашнинг кечи бўлмайди. Уни ташлашда ўнлаб усууллар ишлаб чиқилган, аммо энг осон усули, ундан оддийгина воз кечиш холос, бунинг учун кишида биринчи навбатда, иродавий тарбия яхши шаклланган бўлиши керак. Инсон онгли мавжудот, у хоҳлаган пайтида, хоҳлаган салбий ижтимоий меъёрни, мазкур ҳолатда чекишни ташлаши мумкин. Агар ҳар йили ер куррасида чекувчилар 0,5 миллионга кўпайишини хисобга олинса, худди шу микдорда ичувчилар сони ҳам ошиб бориши, бу бутун бир жамиятнинг фожиаси десак, муболоға бўлмайди. Никотин организмга тушганидан кейин кон томирларни торайтиради ва бу ҳолат бир соат давом этади. Кишининг хотираси сусаяди. Нафас йўлларида ҳар хил ўзгаришлар, яллиғланишлар пайдо бўлиб, йўтал қийнайди, нафас олиши қийинлашади, иштаҳа бўғилади, дам қисиши аломатлари пайдо бўлади.

Бир кути тамаки чекилганды, радиациянинг рухсат этилган дозаси 7 баробарига ошар экан. Айниқса қўрғошин-210, Висмут-210 организмга 100 баробар кўп тушар экан. Бу одатда мутахассислар фикрича, ўлдирувчи доза, энг ачинарлиси, улар бу моддаларни атрофга чиқариб турадилар. Айниқса, Полоний-210 тўқима ва хужайраларда йиқилиб, эркаклик қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши адабиётларда кўп марта таъкидланади. (Махмудова И-2005) Ўтказилган илмий тадқиқотлар хulosаларидан шу нарса маълумки, 1 та тамаки чеккан киши катта автомобил йўлида автомобиллардан чиқсан газ исини 16 соат ҳидлаган билан тенг бўлар экан. Чекувчиларнинг ўпкасида юкоридаги қайд этилган радиоактив маҳсулотлар бир неча ойдан то бир неча йилгача сакланади, кейинчалик ўпкадан қон ва барча тўқима, ички аъзоларга, мияга, иликка, ошқозон ости безига ва лимфаларга ўтиб тўпланди. Айниқса, Полоний -210, қўрғошин -210 атероматоз пилакчаларга ўтириб, атеросклерозни келтириб чиқаради. Азот боғламлари, кадмий метали, никель иммун тизимида салбий таъсир қиласи, жигарга, мияга, қонга таъсир қилиб, кўп ҳолларда ёмон сифатли ўсмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Тамаки тутунидаги темир, хром, рух, никотин билан жуда тез кимёвий алоқага киришиб, унинг захарлилик даражаси бир неча бор кучяди ва энг ачинарлиси, организмнинг ҳар хил аъзоларида қайтмас жараёнларни юзага келтиради. Аммо, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, чекувчи чекищни батамом узил-кесил ташласа, юкорида қайд этилган асоратлар аста-секин ўтиб кетади ва организм ўз ҳолатини қайтатиклаб олиши мумкин. Чекиш, айниқса ичиш (спиртли ичимликларни) билан биргаликда кечадиган бўлса (кўп ҳолларда чекувчиларда бу шу ҳолда кечади), унинг таъсир даражаси бир неча марта ошади. Тамаки захрининг

қон томирларига таъсири ошади, сезги органларининг вазифаларини бузади, организмда умумий иммун статуснинг пасайишига олиб келади, организмдаavitaminоз ривожланади. Биринчи галда, алвеолалар тиқилиб қолади, кейинчалик кичик бронхлар тиқилади ва нафас олиш кийинлашади, чекувчи тўйиб ҳеч қачон нафас ололмайди. Меъеридан ортиқ ҳаракат қилса, нафас етишмовчилиги кузатилади, йўтал тутади ва бу ҳолат кучли балғам кўчиш билан кечиши мумкин. Статистик маълумотларга қараганда, 95 % нафас ўйлари касаллиги мавжуд bemорлар чекувчилар хисобланадилар. Бронхит, ўпка гипертонияси, ўпка-юрак етишмовчиликлари, зотилжам, аллергия, сил, ўсмалар, айрим овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари чекувчиларда нисбатан бир-неча марта кўп учраши қайд этилади.

Чекищдек орттирилган салбий ижтимоий одат нафасат нафас олиш ўйларига, балки организмнинг бошқа тизимларига, биринчи галда, овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларига ёмон таъсир кўрсатади. Чекувчининг тишлари сарғаяди ва нафосат нуктаи назардан ҳам жуда хунук кўринишга олиб келади, унинг устига оғзидан ёмон хидтарқалади, иштаҳа ёмонлашади, ошқозон шиллик қаватига ва унинг секретор вазифасига салбий таъсир этади. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра қасаллиги аниқланган шахсларнинг 98 % и чекувчилар экани таъкидланиди. Қоннинг извиши ошибб, тромблар ҳосил бўлишига олиб келади. Қон айланиш тизимида, айниқса, юракнинг ишемик касалликлари, юракнинг миокард инфаркти касалликларига олиб келиши, кўп марта илмий тадқиқотчилар томонидан исботланган. Энг ачинарлиси шундаки, эндиғина чека бошлаган ёшларда бу каби алломатлар сезилмайди. Чекиши асаб тизимига ёмон таъсир кўрсатади, гормонал мувозанат бузилади. Ички секреция безла-

рининг вазифалари издан чиқади, қалқонсимон без катталашади. Юрак тез урадиган, сержаҳл, сустмижоз, кўркок бўлиб қолади, айрим ҳолларда нотабиий кўзи ялтирайди. Артерия қон томирларининг тонуси бузилади. Барча турдаги модда алмашинишлари сусаяди. Айникса, қанд моддасининг ўзлаштирилишига ҳалақит бериб, қандли диабет касаллигининг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Булардан ташқари, ёғлар ва минерал моддасининг алмашинуви бузилади, суяклар зичлиги издан чиқиб, айрим ҳолларда 30-40 ёщдаги кишиларда радикулит касаллигини келтириб чиқаради. Организмда, айникса, С, В-гурух витаминаларни тўқималардан ювиб чиқаради.(Махмудова И-2005)

Айрим статистик маълумотларга мурожаат қиласидан бўлсак, (Чўлпанова Р-2005) ер юзида йилига 4000000 киши айнан чекиши оқибатидан ҳаёт билан видолашадилар, энг ачинарлиси, Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотининг маълумотига қараганда, дунё болаларининг ярми (50%), яъни 700 миллион бола иккиласмчи тутуннинг таъсирида нафас оладилар. Бир кути тамаки чеккан киши 0,09 г никотин ва 369 мл ис газини ютар экан.

Хўш, шунча асоратларини била туриб, ўз-ўзидан ҳақли бир савол туғилади, чекиши онгли инсон учун кундалик эҳтиёжми? ЙЎҚ, бу ҳеч қандай эҳтиёж бўлиши мумкин эмас. Ҳали шу вақтгача дунё мамлакатларида чекувчилардан бири чекишини ташлагани учун, касал бўлгани ёки ўлим ҳолати кузатилган эмас. Демак, чекишини физиологик эҳтиёж деб айтишга, ҳеч қандай асос йўқ. Бу одамларнинг эътиборсизлиги натижасида орттирган ижтимоий салбий иллати бўлиб, дунё ҳалқлари турмуш тарзининг бир элементи сифатида шаклланиб қолган ижтимоий салбий меъёр ҳисобланади. Хўш ёшларимизда, айникса айтишга тил ҳам ожизки, кейинги пайтларда ёш

аёл-қизларимизда бундай ўта жирканч, салбий одат қандай ҳолатларда шаклланади? Ўсмирлар вояга етар эканлар, улар катта ёшдагиларнинг ҳаёт фаолиятларини бет-үхтов кузатиб борадилар ва айрим ҳолларда унинг яхши ва ёмон томонларига тақлид қилишга ҳам ҳаракат қилишларини биз катталар бир дақиқага ҳам унутмаслигимиз зарур. Улар дастлаб ҳавас қилиб чекадилар. Аммо, орадан маълум давр ўтгач чекиши уларда ижтимоий меъёрга айланиб қолади ва бу иллатдан кутилиш амалда улар учун амри мақол бўлиб қолади. Узок йиллар чекиши натижасида бу одат организмга юқорида таъкидлаганимиздек, аста-секинлик билан салбий таъсир қилиб боради. Шу боисдан ҳам, шахсан менинг чекувчи дўстларимизга қарата айтадиган гапим ҳамиша битта. “Чекиши ёки соғлик”, ўзингиз танланг! Агар ҳар бир киши ўз ақл-идро-ки, соғлиғи ҳақидаги билим, малака ва кўниқмалари билан жамиятимиздаги ана шу жирканч ижтимоий иллат, айтиш мумкин бўлса, меъёрга қарши биргаликда курашса, у биринчи навбатда, ўз соғлигини, қолаверса жамиятимиздаги бошқа кишиларнинг соғлигини саклашдек савобли ишга ҳиссасини қўшган бўлар эди. Бунинг учун кишида, фақатгина қатъийлик ва иродавий тарбия зарур бўлади. Одамлар орасида кенг тарқалган яна бир салбий ижтимоий меъёrlардан бири - бу меъёридан ортиқ ичкиликбозликдир. Хўш, ичкиликбозлик қачон ва қай тарзда шаклланади. Ичкиликбозликка бир қараашда жамиятимизда бу бир оддий ҳолдек қарааш ҳам мумкин. Атрофга бир разм солинг, бирон бир байрам, шодиёна кунлар, тўю-томушалар, якин дўстларнинг учрашувлари, тугилган кунлар дейсизми, ҳатто айрим миллатларда маросим тадбирлари ҳам спиртли ичимликларни истеъмол қилиш билан ўtkазилади. Одамлар орасида ҳар бир шахс балофат ёшига етганидан сўнг, агар у спиртли ичимлик-

ларни истеъмол қила бошласа, бу жараёнга биз шундай бўлиши керакдек қараймиз. Ҳатто, кўпчилик ота-оналар фарзандларига кўтара олсанг ичавер, бўлмаса, қаторларингдан қолиб кетасан дея ҳам маслаҳатлар берадилар. Демак, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш бизнинг турмуш тарзимизнинг бир кисмига айланганлигини ҳеч иккilonmasdan tan olishimiz kerak. Ҳатто, айрим бир билафонлар, ачинарлиси шундаки, баъзи шифокорларимиз ҳам bemorlariga aйrim bир касалликларни даволашда камкам алкогол истеъмол қилишларини маслаҳат ҳам берадилар. Ичкиликбозлик тўғрисида қанчалик статистик маълумотлар бўлмасин, менинг назаримда, дунё мамлакатларида қанча киши спиртли ичимликларни истеъмол қилишини, қанчаси суситеъмол қилишлари тўғрисида аниқ бир маълумотни айтиш қийин бўлса керак. Негаки, биз одатда турмушдаги айрим оқибатларга кўра, одатдаги спиртли ичимликларни истеъмол қилишларимизни ичкиликбозликка санамасликка аллақачон одатланиб қолганмиз. Қандайдир бир кичкина тадбирда йиқилганлар, ҳатто йиқилиб қолганларича истеъмол қилсаларда, бу биз учун оддий бир ҳол бўлиб қолган. Аммо, бундай маданиятли ичувчи биродарларимиз аллақачон, ўзлари билмаган ҳолда сурункали ичувчиларга (алкоголикларга) айланиб қолганларини фақатгина тан олмайдилар, холос. Барибир биз фикр юритмоқчи бўлган жараён ичкиликбозликни шакллантирувчи асосий омиллар, улар ёшларимизга қачон ва қайси ёшларида, қандай ҳолатларда таъсир кўрсатади. Нега оддий ичувчидан алкогольик, яъни сурункали суситеъмол қилувчилар пайдо бўлади ва бу ҳолат улар учун ижтимоий меъёрга айланиб қолади?

Хўш, мазкур аммо, ўртасида кенг тарқалган ижтимоий меъёрнинг инсон соғлиғига ва аҳоли саломатлигига қандай таъсири бор. Бу ҳакда олимларимиз, шифокор-

ларимиз жуда кўп марталаб чиқишлиар қилган, рисолалар ёзилган, ўнлаб кинофильмлар ишланган, қарорлар қабул қилинган, аммо тўғрисини тан олиш керак, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш камайтанича йўқ, боз устига у яшариш хусусияти, шу билан бирга аёлларимиз орасида ҳам кўпроқ тарқалиши қузатилмоқда. Савол туфилади, қандай усулни қўллаш керакки, спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиш инсон ҳаёти, авлод ҳаёти учун ўта хавфли омиллардан бири саналишини одамлар тушуниб етсин.

Менинг назаримда, спиртли ичимликларни истеъмол қилишни ман қилиш усули ўзини ҳеч қайси даврда оқламаган. Аксинча, бошқа бир салбий ижтимоий меъёрларнинг (гиёхвандлик, токсикоманлик ва б) келиб чиқишига сабаб бўлганини ҳам биз яқин тарихдан жуда яхши биламиз. Инсонийлик жамиятида ҳар қандай турдаги салбий ижтимоий меъёр-одатларнинг пайдо бўлиши биринчи галда, тарбия жараёнининг қай даражада амалга оширилиши, қолаверса, тарбия берувчининг бу йўналишда қанчалик тарбияланганлик даражасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ичкиликбозлик бугун нафақат битта ёки иккита давлатнинг олдида турган муаммо, балки бутун дунё мамлакатларида у ёки бу даражада жамият ривожига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб, мазкур мамлакатнинг ижтимоий иқтисоди ва қолаверса, сиёсий салоҳиятига ҳам ёмон таъсир қиласи. Ҳар қайси мамлакатда айнан алкоголизмга қарши ўзига хос курашиб усуллари мавжуд. Аммо, бу усуллар ҳамма вақтда ҳам ижобий натижга беравермайди. Узок тарихдан маълумки, Ислом динига эътиқод киладиган давлатларда спиртли ичкиликлари истеъмол қилишга алоҳида муносабатлар шаклланган. Биз ҳамиша меҳмонни нон ва туз билан кутиб оламиз, кетаётганида ҳам йўлда ҳамроҳин-

гиз бўлади, дея нон билан кузатамиз. Тўғри, бугун ҳам ана шу анъаналаримиз тўлиқ бўлмаса-да сақланиб қолган, биз унга маълум бир ўзгартиришлар киритган ҳолда риоя қиласиз. Аммо, минг афсуслар билан айтиш мумкинки, бугун дастурхоннинг безаги ҳамиша ҳам нон бўлмай қолди. Бирор жойга меҳмонга борсангиз турлитуман, ранг-баранг идишларга жойланган ичимликлар билан безатилган столда, баъзида нонга ҳам ўрин қолмайди. Айрим ижтимоий тоифа кишилар орасида яна шундай бир ижтимоий меъёр одат тусига кирганки, ўтиришга агар сал кечикиб келсангиз, эшикдан киришингиз билан ҳа йўқ, бе йўқ жаримасини исчин, кейин ўтиради, - дея катта пиёлага тўлғазиб, ароқ ёки бошқа турдаги спиртли ичимликни куйиб бериб, яна ўтирасдан ичиради. Қани айтинг, бундай жирканч ижтимоий одатларни ким ўйлаб топади. Хўш, масаланинг бошқа томонидан ёндашиб кўрайлик, шу қилаётган бачкана қилиқларимизни фарзандларимиз кўрмайдими? Улар бундан қандай хулоса чиқарадилар? Ахир, остона хатлаб келган кишига биз азал-азалдан биринчи нон тутар эдик-ку. Кечикиб келган кишидан ҳеч ким унинг ахволини, кайфиятини, соғлиғини, оч ёки тўклигини сўрамасдан, бу каби қилаётган қилиқларимиз ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаслигига ким кафолат беради. Ёшларимизнинг жамиятда ўзларининг фаолиятида амалга ошираётган барча турдаги хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ салбий бўлсин, у биз берган тарбия маҳсули саналади. Энг ёмони шундаки ҳамма вақт ҳам буни биз тан олавермаймиз, баъзида барча айбни ёшларнинг бўйнига ташлаймиз. “Куш уясида қўрганини қиласи”, деб бехуда айтилмаган бўлса керак, ахир. Баъзида ёшларимизнинг никоҳ тўйларида, никоҳдан ўтиш жараёнларида кўчаларни тўлдириб, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаганлари бир томон, яна

унинг устига машиналар қаттиқ тезликда харакатланаётганида ҳам ана шу спиртли ичимликларни ҳаракат жа раёнларида бир-бирларига, бир машинадан иккинчисида ўтирганларга узатишиб, уриштириб истеъмол қилишларини кўриб, одам ёқа ушлаб қоласиз. Ичиш агар бизнинг онгимизга ижтимоий меъёр бўлиб, сингиб қолган бўлса, уни истеъмол қилишнинг ҳам бир белгиланган меъёри ёки айтиш мумкин бўлса, маданияти бордир, ахир! Аччиқ бўлса ҳам таъкидлаш жоизки, бундай маданиятсизликларни ёшларимиз кимдан ўрганади? Мен барибир ўзимнинг қатъий фикримга яна қайтавераман, буларнинг барчасига биринчи навбатда, ота-она жавобгар бўлади. Умуман гапимиз ёшлар ичкиликбозлик иллатини қачон ва қаерда кимдан ўрганади, -деб бошлаган эдик. Ҳозирги бироз лирик чекинишимиздаги воқеликлар ҳам биз излаётган манбалардан бири бўлса ажаб эмас. Ахир, тўйда ҳамма ишларга бош-қош ҳам катталар бўлади-ку. Юртбошимиз “Софлом авлод миллатимиз келажаги” дея таъкидлаганларида ҳам, унинг барча йўналишларида ёшлар тарбиясига – уларнинг маънавий бой, ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган юқори билимли, жисмонан бақувват ва ҳар томонлама қамол топган шахсни шакллантиришни назарда тутганларида ҳам, барча масъулият биз катталар зиммасига юқлатилган эди. (Беҳзод Усмон-2000) Айнан ана шу масъулиятни қанчалик ҳис қилиб, унинг уддасидан чиқаётганимиз ҳам ўсиб келаётган фарзандларимиз тимсолида, уларнинг дунёкарашларида, билимда, тафаккурида ва айниқса, ахлоқий-иродавий тарбиясида, шунингдек, ўз соғлиқларига ва аҳоли саломатлигига бўлган билим ва кўникумлари ҳамда муносабатларида намоён бўлади. Биз катталар байрамларда, оиласий тантаналарга тайёргарлик кўрар эканмиз, тайёргарлигимизнинг ажралмас бир бўлаги ва асосийси, спиртли

ичимликлар бўлиб қолган. Мехмонлар жамулжам бўлганида мөхмондорчиликнинг очилиши ҳам, унинг якунланиши ҳам ичимлик истеъмол қилиш билан кечади. Энг асосийси, ҳар бир иштирокчининг гапи учун алоҳида қадаҳ қўтарилади. Қадаҳ нутқларига эътибор берсангиз, соғлиқ тилаш билан бошланади, соғлиқ тилаш билан туғайди ва соғ бўлайлик дея яна ичилади! Баъзида, айрим мөхмонлар пиёладаги қуйилган ичимликни охиригача ичмасангиз, нима мени ҳурмат қилмайсанми, нега ичмайсан, -деб таъна ҳам қиласидар. Буниси етмагандек, айримлари мажбурлаб ичиришгача етиб борадилар. Хўш, савол туғидади, бу пайтда фарзандларимиз нима скафандрга кириб ўтирадиларми, улар ҳам ушбу жараёнларнинг бевосита ҳар сафар гувоҳи бўладилар ва, керак бўлса, ўрганади ва ўрнак оладилар. Бундай ҳолатлар кўпчилик оиласаларга деярли ҳар кун бўлмаса ҳам, тез-тез такрорланиб туради. Шу билан бирга ўзимиз маст бўлиб, йикилиб қолгунимизча ишиб, ҳали сенга мумкин эмас, ёшсан, катта бўлганингда сен ҳам дўстларинг билан ичасан, деб унинг онгига сингдириб ҳам борамиз. Ана шундай тарзда, биз ўйлаган маданиятли оиласаларда ҳам болалар онгида спиртли ичимликларга бўлган муносабатлар секинаста шаклланиб боради. Ушбу тўхталиб ўтган жараён ва воқеликлар нисбатан тотув, ҳар томонлама таъминланган, баркамол оиласаларда одатий содир бўлаётган ҳол. Аммо, жамиятда отасиз, онасиз, носоғлом мухит шаклланган оиласаларда ўсаётган ёшлиаримиз бор, булардан ташқари, ота-онаси спиртли ичимликларни сустеъмол қилувчи оиласаларда ўсаётган ёшлиаримиз тўғрисида гапириш анча мушкул. Кўз олдингизга келтиринг ҳар кун топган маблағига ҳар кун спиртли ичимлик олиб истеъмол қилиб, ҳар кун оиласада келишмовчилик, уруш, жанжаллар бўладиган оиласада соғлом фикрловчи фарзанд шаклланиши

мумкинми? Айнан ана шундай оиласлардан фарзандлар бош олиб чиқиб кетадилар, кўча кўйда, вокзалларда саёхсандироқ юриб, ёмон одамларга кўшиладилар, ўзига яраша турмуш тарзи шаклланади, чекишни, ичишни, гиёҳвандликни, ўғирлик, босқинчилик ва бошқа салбий ижтимоий меъёрларни ўзига одат қилиб олади ва натижада етарли назорат бўлмаганлиги туфайли, жамиятда яна бир спиртли ичимликни сурункали сустеъмол қилувчи алкоголик пайдо бўлади. Бундай ёшлардан соғлом foя, фикр, тарбияланган шахслар чиқиш эҳтимоли жуда ҳам кам бўлади. Оиласла фарзандларни тарбиялашнинг асосий маҳсулларидан бири бу-уларнинг ўз-ўзларини баҳолай билиш фаолиятида намоён бўлади. Агар ота-она фарзандини ёшлигидан сен мана шундай лавозимдаги, мавқедаги одамларнинг фарзандисан, сен ҳеч кимдан кам бўлмаслигинг керак, мана сента қанча керак бўлса пул, машина, телефон ва хоказоларни муҳайё қилиб, сен ҳаммадан бир погона устун бўлишинг керак, агар дўст топсанг ҳам, ўзимизга ўхшаган бой-бадавлат одамларнинг болалари билан дўст бўлишинг керак, бўлмагур бир паст болалар билан дўстлашиб, уларни уйга ҳам олиб келма, улар сенинг tengning эмас дея онгига сингдириб борилган ёшларда ўз-ўзларини юкори баҳолаш иллати шаклланиб боради. Оиласла жиддий фожиа ҳам улар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Хўш, савол туғилади, мактаб ёшидаги бола ортиқча пулни нима қилиши мумкин, уни қаерга ишлатади, уйига китоб олиб келмаса, бадиий китобларни сотиб олмаса, боз устига оиласла такрор-такрор уқтирилиб, ўз tengларнинг, яъни пулдор одамларнинг болалари билан муомала қилишга йўлланма берилган бўлса, биз фикр юритаётган салбий ижтимоий меъёр-одат, ичкиликбозлик ҳали мактаб ёшидалигига шаклланиб, балофат ёшига етганида шаклланган хақиқий

ичувчига айланиши мүмкін. Афсус билан қайд қилиш мүмкінкі, күпчилик ота-оналар бу ҳолни оддий, шундай ҳам бўлиши керакдек, қабул қиласидилар. Аммо, вакт ўтиши билан болада ўқишга, билим олишга, касб-хунар ўрганишга, маълум бир йўналишда фаолият юритишга истак-хоҳиш қун-сайнин сусайиб боради, ота-онадан пул талаб қилиш оддий холга айланиб қолади, бунинг устига чекиш ва бошқа ижтимоий меъёрларни ҳам ўзига ўзлаштириб олади. Атрофига ўзига яраша дўстларни тўплайди, бекорчиликдан ичкиликбозлик, маишатбозлик ва бошқа қандай салбий ижтимоий меъёрлар бўлса, ўзлаштириб олади ва оқибатда жамият учун ҳар томонлама носоғлом шахс етишади. Бу унинг, биринчидан, ўз соғлиғига, қолаверса, оиласидагиларнинг соғлиғига ва жамият саломатлигига путур етказади. Энг асосийси, бундай оиласидардан чиккан ёшларимиз жамиятда носоғлом мухитни юзага келтирадилар. Аммо, биз ҳамища қайта-қайта тақрорлаймизки, инсонни мухит тарбиялайди, инсон мазкур ижтимоий-иктисодий муомала ва муносабатларнинг маҳсули ҳисобланади. Демак, биз оддий ичкиликбозликнинг бугун олдини олишнинг реал усулларини ишлаб чиқиб, тушунтириш ишларини олиб бормас эканмиз, биз юқорида қайд қилган носоғлом ижтимоий мухитлар шаклланаверади, демак, бу мухитларнинг жамиятга салбий таъсирини ҳеч ким инкор қилишга ҳаққи йўқ. “Ёш боланинг сезгирилик куввати катта одамга тенг келади” -деб таъкидлаганида, Ибн Сино бобомиз ҳам айнан болалар тарбиясида ниҳоятда эҳтиёт бўлишимизни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Тўғри, ҳақли бир савол туғилиши ҳам мүмкин, агар ичиш шунчалик зарар бўлса, нега юзлаб турдаги бир-биридан чиройли, аммо захардан ҳам аччиқ бу ичимликлар ишлаб чиқарилади ва очик савдога қўйилиб бемалол сотилади? Ишлаб чиқарилади, хоҳлага-

нингизча сотилади деган гап – бу ётиб олиб су-истеъмол қилиш деган гап эмас. Тўғри, бугун кўпчилик мамлакатларда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш одатий холга айланиб қолган. Айниқса, Европа ҳалклари учун бу маданият турига кириб қолган. Ҳатто кўпчилик ҳалқларда стол атрофига ўтирасалар бас, у эргалабки нонуштами, тушликми, кечки овқатми аҳамияти йўқ, албатта, спиртли ичимликсиз овқатлик маҳсулоти истеъмол қилинмайди. Аммо, бизнинг ўзимизга хос бўлган миллий қадриятларимиз борки, бу қадриятларимизни кўз қорачиғидай асраб, авайлаб келгуси авлодларга борлигича етказа билсак, айниқса, оқилона овқатланиш, ичимликларга бўлган муносабатлардаги масалаларни, унинг инсон соғлиғида тутган ўрнининг болаларга ёшлигидан онгига сингдирилса, ушбу салбий ижтимоий меъёр ҳам соғлиғимизга унчалик ёмон таъсир этмаслиги мумкин. Энг асосийси, жамиятда ичкиликбозликни хурсандчиликнинг асоси сифатида қабул қилиш иллатидан ҳалқимизни асрай олишимиз-бугуннинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Азал-азалдан ҳалқимиз тарихидан маълумки, тўю-томошаларни, хурсандчиликларни нишонлашнинг усуллари кўп бўлган-ку, нима учун тўй, хурсандчилик бўлди дегунча ётиб олиб ичкилик истеъмол қилиш керак. Тўйларда от чопишлар, кўчкор уруштиришлар, курашлар, дарбоз ва масқарабозларнинг чиқишилари, ҳалқимизнинг қатор ўнлаб удумлари борки, одамларга ичкиликдан кам хурсандчилик ато қилмайди. Кўп ҳолларда тўйдан кейинги мухокама ёки тўй эгасига бериладиган энг асосий савол ҳам тўйда неча қути ароқ кетди ва шунга қараб тўйнинг мавқеи аниқланилади. Ҳурматли ўқувчи, ушбу кичкина лирик чекинишимиз ҳам бежиз эмас эди, негаки ушбу жараёнлар ҳам ёшларимизнинг маънавий тарбия-

сига ўз таъсирини ўтказади ва албатта, биз фикр юритаётган ичкиликбозлик каби ижтимоий меъёрнинг айниқса, ёшларда шаклланишига хизмат қилувчи омиллардан биридир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар хил турдаги замонавий умумий овқатланиш шахобчалари, ёшлар дам олишлари учун мўлжалланган кафе, барлар, пивохоналар, ресторонлар ва бошқа шу каби овқатланиш, дам олиш масканлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу бир томондан яхши, одамлар бир-бирлари билан шундай жойларда тез-тез учрашиб, мулоқотда бўладилар, қандайдир мухим масалаларини ҳал қиласидилар ва шунингдек, дам ҳам оладилар. Шунга ўхшаш маҳсус каттароқ кошоналарда тўй-ҳашамларни ҳам ўтказишида катта қулайликлар яратилган. Булар ҳаммаси мумкин, замон талаби шундай бўлиши керак. Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам бор! Ушбу муассасаларга киришда одамларнинг ёшларига, куннинг вақтига ва бошқа омилларни ҳисобга олган холда жадваллар тузилиб, шунга риоя қилишадими? Ёки факат биринчи галдаги масала-савдо бўлса бўлгани, бошқаси ҳеч кимни қизиқтирмайдими? Кейинги йилларда, айниқса, катта магистрал йўлларнинг ёқасидаги уйлар олдида, (бу деярли барча вилоятларда) уй ошхоналарини ташкил қилиш жамиятда ўзига хос бир ижтимоий меъёрга айланиб қолди. Аммо, бу муассасаларда тайёрланган овқатлик маҳсулотларининг санитария – гигиеник коидаларига тўлиқ жавоб беришига уни тайёрлаётган оила аъзоларининг мунтазам тиббий кўрикдан ўтганлигига ким кафолат беради. Ачинарлиси-ушбу овқатланиш масканларининг барчасида очиқчасига спиртли ичимликлар билан бемалол савдо қилинади. Узоқ манзилларга кетаётган йўловчилар мажбурлигидан, иложсизлигидан ушбу жойларда овқатланадилар, спиртли ичимликларни истеъ-

мол қиласилар ва йўлларда қанча-қанча нохуш воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Ёшларимизнинг юқорида қайд этилган пиво барларида ярим кечагача ўтиришлари буғун жамиятимизда одатий ҳол бўлиб қолди. Боз устига айрим бундай қўштироқ ичидағи замонавий бар-ресторанлар кеча-кундуз ишлайдиган хам бўлиб қолган. Бу ҳам сайдёнликни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллар, албатта. Менинг назаримда бундай муассасаларнинг маълум бир иш тартиблари белгиланса, спиртли ичимликларни харидорнинг ёшини, харид қилиш вактини хисобга олиб амалга оширилса, ёшлар орасида ичкилиқбозликнинг олдини олишга қаратилган яна бир муҳим иш бўлар эди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ҳозир кимнинг чўнгагида пули бўлса, куннинг хоҳлаган вақтида, хоҳлаган жойидан спиртли ичимликни кечаю-кундуз сотиб олиш мумкин. Бунинг устига катта шаҳарларда ҳар 5 та уйдан бирининг олдида кичкина столча, майда-чуйда турмушдаги заруриятлар, асосийси тамаки, спиртли ичимликнинг хоҳлаган турини ҳарид қилишингиз мумкин. Агар бозор муносабатига ўтиш дегани шу бўлса, бунда хукуқ тарғибот органдари бу борада маълум бир қонун ва қоидаларни ишлаб чиқишлиари зарур бўлади деб ўйлайман.

Энг ачинарлиси, ушбу жойлардан олинган спиртли ичимликларни истеъмол қилиб захарланиб, кўп ҳолларда, ҳатто, баҳтсиз ходисалар билан якунланиши ҳеч кимга сир эмас. Бу гапларни айтищимдан асосий мақсад нима? Демак, ёшларимиз спиртли ичимликларни хоҳлаган пайтида, хоҳлаган жойидан ҳарид қилишлиари мумкин. Бу ҳам ўз навбатида, биз таҳлил килаётган ичкилиқбозлик иллатининг ошишига, унинг ижтимоий меъёр сифатида шаклланиб, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилишига олиб келиши шубҳасизdir. Шу боисдан, ҳар бир тараққий этган жамиятда чекиш, спиртли ичим-

ликларни истеъмол қилиш меъёри бўйича, аҳолининг ўзига хос-хусусиятларидан тарихий таракқиёт ривожланиш жараёнида ортирган тажрибаларидан, қолаверса, умуминсоний ва миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб, зарур қонунлар, қарорлар ва маҳсус дастурлар ишлаб чиқилмоғи буғуннинг кечиктириб бўлмайдиган энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу юкорида келтирилган иккита чекиш ва ичкиликбозлик қаби салбий ижтимоий меъёрларнинг ёшлар орасида тез ва юкори даражада тарқалишига ва уларни камайтириш борасида менинг фикримча, ҳукуқ – тарғибот органларининг роли катта. Зарур бўлса ана шу йўналишда ҳукуқ – тарғибот органларининг қонунларини қайта кўриб чиқиб, ҳукуқларига кўшимча имтиёзлар киритилса, мақсадга мувофик бўлур эди. Негаки қайсиdir жамиятда одамлар ўз онги, тафаккури билан носоғлом ижтимоий меъёрларга хирс қўйдиларми, демак, уларнинг айрим нооқилона хатти-ҳаракатларига қонун йўли билан таъсир қилиш ҳеч қайси бир давлатда конституцияга хилоф иш бўлмайди. Аксинча, аҳолини соғломлаштириш, жамиятда ҳар томонлама соғлом авлодни шакллантиришга қўшилган улкан бир хисса бўлади. Айтингчи, инсон қайси кўзи билан қараб чида буриши керакки, катта бир вилоят театрида томошабинлар ўтирган жойида писта чақсалар, тамаки чексалар, ҳатто спиртли ичимликларни истеъмол қилсалару, уларга ҳеч ким ҳеч нарса демаса? Агар органлар ходимларининг ўзлари ҳам юкорида қайд этилган тартиб-сизликларга йўл қўйсалар, унда кимга дардингни айтиш мумкин? Сизда савол туғилиши мумкин, бу гапларнинг одамлар соғлиғига қандай алоқаси бор дейсиз? Айнан, тўғридан-тўғри алоқаси бор. Биринчидан, томошага борган одамларнинг қайфияти бузилса, писта қобиклари билан миллионлаб микроорганизмлар ҳавога тарқала-

ди, тамакининг тутунини гапирмаса ҳам бўлади, шундай ахволда томоша бераётган санъаткорнинг ҳолатини ҳам кўз олдингизга келтириш унчалик қийин эмас. (хар хил бакириқ, чақириқларни хисобга олмаганд) Демак, маълум маънода салбий ижтимоий меъёрларни-одатларни қонунчилик асосида йўлга солса бўлади.

Мамлакатимизда қадим-қадимда чойхоналар ривожланиб келган, айтиш жоизки, бугунга келиб айрим чойхоналаримиз ҳам маълум маънода майхоналарга айланниб қилмоқда. Бу дегани ҳақиқий чойхоналар йўқ, деган гап эмас. Кейинги пайтларда чойхоналар ҳам бир мунча замонавийлашиб, ичқиликбозлиқ маконига айланиб қолаётганлиги жуда ачинарли ҳол. Олдинги чойхоналарнинг қандай бўлишилигини катта ёшли кишилар жуда яхши биладилар. Чой ичиб, ошларни дамлаб шашка-шахматлар ўйналиб, беданабозлик ва бошқа шу каби дам олишлар амалга ошириладиган кўплаб масканларимиз бугун, аста-секин бошқача тус олиб бораётганлиги ачинарли бир салбий ҳолатдир. Албатта, шунга ўхшаш муассасаларнинг кўпайиши ҳам ёшларимиз орасида ичқиликбозлик каби ижтимоий иллатнинг ошишига хизмат қиласи. Машинасини авария қилган ёшлардан йўл патрул ходимларининг қаерда ким билан ичгансиз деган саволига, кўп холларда “ўртоқларим билан чойхонада бир оз ўтирган эдик” деган жавобни эшитасиз.

Кўпчилик пайтларда одамлар омадсизликка, муваффакиятсизликка юз тутганларида, иши юришмаганда, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилганларида, яқин дўстларидан, яқинларидан ажралиб қолганларида, дўстлари, яқинлари хиёнат қилганларидан, турмуш ўртоқларидан бири хиёнат килганда, айниқса ёшлар ўз севганларига эришаолмаганларидан ёки ўқишга киришда омади чопмаганда, кейинги пайтлар кўпроқ бизнес иш-

ларида омадсизликка юз тутганларида аламини спиртли ичимликтан олишга ҳаракат қиласылар, бир зумга бўлса ҳам ана шу мусибатдан йироқлашмокчи бўладилар ва бу баъзида одатий ҳолга айланиб қолади, натижада сурункали ичкиликбозлик касаллигига чалиниб, улар учун ҳар куни ҳеч қандай сабабсиз спиртли ичимликларни истеъмол қилиш кундалик ижтимоий меъёрга айланиб қолади. Бундай тоифа одамларнинг иродасининг сустлиги ана шу оқибатларга олиб келади. Инсон ҳаётида ҳар қандай ҳолатга, айниқса, салбий воқеликларга ҳам рухан тайёр бўлмоги керак. Бу борада у ўзини ҳам ана шу йўналишда тарбиялаган бўлиши керак.

Ёшлиримизда ичкиликбозликнинг шаклланишида энг асосий омил – бу шахс фаолият кўрсатаётган мухит хисобланади. Бу ҳар хил институтлар: оила, мактаб, лицейлар, коллежлар, олий ўкув юртлари, меҳнат жамоалари бўлиши мумкин. Шу боисдан барча ичкиликбозликка қарши кураш чоралари ҳам айнан ана шу ижтимоий мухитларга қаратилган бўлиши керак. Ичкиликбозликка қарши курашишнинг энг асосий ва энг маъқул усулларидан бири-бу ёшлиқда болаларга спиртли ичимликлар, уларнинг мазмун ва моҳияти, зарур бўлса қайсиdir маънода жамиятда тутган аҳамияти, (агар шундай деб айтиш мумкин бўлса) унинг одам соғлиғига, аҳоли саломатлигига етказадиган заарлари ҳақида доимий тушунтиришдан иборатdir. Одатда ман қилиш йўли билан катта муваффакиятга эришиш қийин. Болага кўпроқ нимани ман қилсангиз, айнан у шу нарсага кўпроқ қизикиши мумкин. Қолаверса, аҳоли орасида, айниқса, ёшлар ичидаги айнан спиртли ичимликлар билан боғлиқ соғлом турмуш тарзи элементларини кент тарғибот қилишгина ижобий натижа бериши мумкин. Инсон фақатгина бирон-бир жараён ёки воқеликнинг содир бўлиш механизмини анг-

ламас экан, у ана шу жараёнга кўр-кўронга ёндашаверади, буни ҳар бир отаона яхши англамони зарур бўлади. Спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш ёки киши ўз соғлигини баҳоламасдан ичиши, нафакат, ҳар хил касалликларни пайдо бўлишида омил бўлиб хизмат килади, балки соғломлар орасида, жамиятда ва оиласда ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Ушбу воқеликларнинг негизида ҳам биринчи галда, инсон соғлиғи ётади. Айрим бир ичимликка ўта меҳр кўйган фуқароларимиз ўзларича “спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳам соғлиқнинг бир белгиси” деб кўпчиликни алкогол истеъмол қилишга даъват этадилар. Ҳатто бальзилар қайсиdir касалликларни даволашда ҳам ўзларича алкогол истеъмол қилишни тавсия этадилар. Агар спиртли ичимликларнинг соғломлар орасида юзага келтирадиган муаммолари тўғрисида гапиранас, биринчи навбатда, жароҳатланишлар, миокард инфаркти, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, сил, бепуштлик, импотенция ва бошқа касалликларни мисол қилишимиз мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига караганда, ер юзида бир йилда 100000 дан ортиқ киши факатгина автомобиллар аварияларида вафот этар эканлар, шуларнинг 78% спиртли ичимликларни истеъмол қилган ҳолда содир бўлишининг ўзи, бу муаммонинг канчалик долзарблигини кўрсатишни англаш унчалик қийин эмас. 60 % қасдан одам ўлдиришлар ҳам, маст ҳолда содир бўлади. Жигар циррозларининг 20-25 % ичқиликбозлиқ натижаси саналади. Сил касаллиги билан қасалланганларнинг 30-40 % алкогол ичимлигини суистеъмол қилувчилар ҳисобланади. Спиртли ичимликни суистеъмол қилувчилар умрининг давомийлиги 20 ёшга кисқариши таъкидланади, шу билан барча уларнинг ўртacha умр кўришлари 25 ёшдан ошмайди (Бабаян Э-2005).

Алкоголизм жамият муаммоси бўлиб, бу босқинчилик, зўравонлик, ўғирликлар, майда безориликлар – булар бир қарашда жамият муаммоси, аммо ана шу юкорида қайд этилган жараёнларнинг деярли барчасида инсон саломатлигига жисмонан, рухан, қолаверса, ижтимоий-иктисодий зарар етказилади. Унинг оиласида юзага келтирадиган муаммоларига бир назар солсак, бунданда ачинарли ва жирканчи ҳолларни кузатиш мумкин. Оилаларнинг бузилиши, етим-есир болаларнинг кўпайиши, майиб-мажруҳ фанзандларнинг дунёга келиши, янги туғилган чақалоқлар орасида касалланиш даражасининг ошиши, болалар ўлими эхтимолининг ошиши бундан ташқари, бундай оилаларда қаровсиз, назоратсиз болаларнинг кўпайиши ва ниҳоят жамиятнинг асосини ташкил этмиш оиланинг парокандаликка юз тутишига олиб келади. Айнан ана шундай оилаларда дунёга келиб, тарбияланган ёшлар орасида айнан биз кўриб чиқишига ҳаракат қилаётган алкогольизмга мойиллик кучли бўлади. Қолаверса, айнан шу каби оилалардан чиқсан болалар кейин ичкиликбозликка ружу кўйиб, жамият муаммоларини келтириб чиқаради. Аслини қараганда, бу ҳам ўзига яраша бир ҳалҳаки, бир-бирини маълум даражада тўлдириб, айнан ичкиликбозликдек ноҳуш носоғлом ижтимоий меъёрнинг шаклланишига асос яратиб беради ва жамиятда носоғлом мухитнинг пайдо бўлишини таъминлаб беради. Ушбу салбий жараён ҳалқасини узиш учун жамиятнинг бутун соғлом кишилари бир тан-у бир жон бўлиб курашмоклари зарур бўлади. Агар ичкиликбозлик касаллик сифатида қаралиб, масала фақат соғлиқни сақлаш ходимларининг муаммоси сифатидагина қаралса, бу салбий иллатни ҳеч қачон камайтириб бўлмайди.

Муаммонинг янада ачинарли томони шундаки, кейинги йилларда ичкиликбозлик иллати аёлларимиз, айниқса ёш қизларимиз орасида ҳам носоғлом ижтимо-

ий одатга айланиб қолмоқда ва энг асосийси, жадал ва кенг тарқалиб бориб, келажак авлодимизга ҳам сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Тўғри, олдинлари ўзбек аёллари ичиди спиртли ичимликларни истеъмол қилиш унчалик кенг тарқалган жараён эмас эди, деб айтиш мумкин. Аммо, бу сўзни бугун ўта ишонч билан айтишга киши иккисига мурдабо.

Хўш, ўзбек оиласида, ўзининг кўп минг йиллик оила масаласида, тарбия масаласида миллий қадриятларига эга бўлган, уни кўз қорашибидай асрар, аждодлардан авлодларга тарбия элементи сифатида ўтказиб келган спиртли ичимликларни истеъмол қилишга нисбатан шаклланган соғлом ижтимоий меъёрга бугун нега дарс кетаяпти. Мен бу билан барча ўзбек аёллар алкогол истеъмол қиладилар, умуман миллий қадриятларимиздан нишона ҳам қолмаган, демокчи эмасман, бундан Худонинг ўзи арасин. Майли, статистик маълумотларни кўйиб тура қолайлик. Бугунги ҳаётимизга бир назар солиб ҳам маълум даражада жараённи таҳлил қилиш мумкин. Биз хар кун бўлмаса-да ҳафтада, ойда икки, уч марта тўй-хашамларда аёлларимиз билан бир дастурхон атрофида ўтирамиз ва бўлаётган жараёнларни кўриб, гувоҳи бўлиш мумкин. Майли, бир қарашда катта ёшли, оиласи, фарзандларни туғиб ултурган аёлларимиз ичса, нима қилибди дейиш ҳам мумкин, аммо тарбия масаласи нима бўлади. Бизни атрофимизда эндиғина дунёга келиб, балоғатга етаётган қизларимиз хизмат қилиш баҳонасида кўриб, кузатиб турадиларки, ичиб маст ҳолда ҳам барибир уйга уларнинг олдига борамиз-ку! Нима, қизим сен мен қилган бундай бемани қилиқни қилма дейсизми? Ахир, оиласида қиз бола кўпроқ онадан андоза олиб улғаядичу, унинг босган изидан боради ва ундан ҳамиша андоза олиб ўхшашга харакат қиласи.

Олдинлари қиз бола турмушга чиқишдан бир икки кун

олдин қиз йигин деган тадбир ўтказилар эди. Бунда келин бўладиган қизнинг дугоналари йиғилишиб, сұхбатлашиб, кўлларига хина суришиб, ўйин-кулги килиб, дугонаси билан хайрлашган бўлар эдилар. Бугун-чи, тўгрисини айтиш керак, бугунги қиз йигиннинг ҳақиқий тўйдан фарки қолгани йўқ. 250-300 баъзида ундан ҳам кўпроқ меҳмонлар йиғилиб, базм-ичкиликбозликка айланиб қолди десак, муболова бўлмайди. Бундай тадбирларнинг ҳозир “қиз йигиними” у ёки “ўғил йигиними” фарқига бориб ҳам бўлмайди. Энг асосийси, биз кейинги пайтларда ҳар қандай тадбирларни ўтказишда дабдабозликка берилиб кетмадикми? Дабдабозликнинг ўзи қанча кути ароқ ичилганлиги билан белгиланадиган бўлиб қолди. Баъзида биз ҳеч нарса билмаганга ўхшаб, сурункали иччиликбозликка чалинган шахсни кўриб, елкамизни қисамиз, ҳайрон ҳам бўлиб, бу болани ёки қизни ким тарбиялаган экан, деб ўзимизча, тушунмаган одам бўлиб ҳам кўрсатамиз! Бу аслида тўгримикин? Биз бутун ҳеч нарсани кўрмаяпмизми ёки кўриб туриб, ачинарлиси ҳам шундаки, баъзида айнан ўзимиз мана шундай шахсларнинг жамиятда кўпайишига ҳисса кўшганимизни ҳам сезмай қоламиз. Фарзандимнинг тўйи бошқаларнидан кам бўлмасин, қизим ёки ўглим ўксимасин дея бору-йўғимизни айнан ичкилик сотиб олишга сарфлаймиз. Мана шу жараённинг ўзи аста-секин, сезилмаган ҳолатда жамиядда ичувчи йигит-кизларнинг кўпайишига, суиистеъмол қилувчиларнинг ошишига ва, натижада, бу иллат айрим иродаси, ахлоқий тарбияси суст бўлган ёшларимизда ижтимоий меъёрга айланиб қолганини, баъзида ўзимиз ҳам сезмай қоламиз. Кейин, албатта, бу бола қаерда, кимларга қўшилиб, бу иллатга чалинди экан,- деб елкамизни қисамиз.

Сұхбатимизнинг бошида савол қўйган эдик, ёшлари-

миз ичкиликбозликни қаерда ва кимдан ўрганадилар? Кўриб турибмизки, ёшларимиз ичкиликбозликни бошқа давлатларга бориб ўрганиб келмайдилар, улар сиз билан биздан ўрнак оладилар, ўзи туғилиб ўсган ижтимоий мухитдан ўрнак оладилар, қолаверса оиласидан ўрнак оладилар. Хулоса килиб айтадиган бўлсак, агар биз ичкиликбозлик масаласида жамиятимизда соғлом мухитни шакллантирмас эканмиз, бу жараён қандай бўлса, яна шундай давом этаверади. Ўрта Осиё ҳалқлари орасида шу жумладан, мамлакатимиз ахолиси ўртасида яна бир кенг тарқалган, таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда чекувчиларнинг ошиши ва яшариши кузатилаётган нософлом заарли одатлардан - бири бу нос чекишидир. Инсонларнинг барча фаоллик ва фаолиятларининг асосида эҳтиёжлар ётади. Хўш, нос чекиши ёки уни ҳидлаш эҳтиёжми? Агар у ҳаётий эҳтиёж бўлганида, бу меъёрни ҳамма ўзлаштириб олган бўлар эди. Демак, бу организмнинг нософлом эҳтиёжи бўлиб, факатгина бу жирканчли ижтимоий меъёрни одат килиб олган шахслар учунгина бу эҳтиёж бўлиши мумкин, чекувчилар эса унинг қарамида бўлиб унинг талабини бажо келтирадилар, холос. Носнинг организмга заҳарли таъсири, келтириб чиқарадиган касалликлари тўғрисида жуда кўп олимлар изланишлар олиб борганлар ва жуда кўп марталаб бу иллатнинг организм учун заарли эканлигини исботлаб берганлар. (Милиевская И.Л.-1972, Шаканбаев А.Н.-1969, Абдуллаев Р.Б.-2005) Аммо, бизнинг олдимиизга кўйган асосий мақсадлардан бири айнан нос чекишининг ахоли орасида бундай кенг тарқалишидаги асосий омилларни назарий таҳлил қилишдан иборат. Нега одамлар нос чекади? Агар бу саволни чекувчиларнинг ўзларига берсангиз ҳам, одатда “бilmайман”, ўрганиб қолганман, энди ташлай олмай юрибман, деб афсусланади. Мен шу кунгача нос чекиб,

унинг билан фахрланган кишини ҳеч қачон кўрмаганман. Умуман нос ва унинг пайдо бўлиш тарихи, уни одамлар қачон нос кўринишига келтириб чека бошлаган, унинг таркиби ва ҳоказо масалаларни бир четга суриб қўйалиқда, нос чекишдек салбий иллатнинг одамлар орасида, айниқса ёшлар ичидаги кейинги йилларда жуда тез ва кенг тарқалиб бораётганлиги ҳакида сухбатлашиб олсан. Табиийки, носни кўпроқ ўғил болалар чекадилар, таъкидлаш жоизки, аёлларимизнинг ҳам кўпчилиги 35-40 ёшлардан кейин ушбу салбий ижтимоий меъёрни ўзларига одат қилиб олишлари жуда ҳам ачинарли ҳолат. Хўш, ўспирин болалар кўпроқ нос чекишни қаерда ва кўпроқ кимдан ўзлаштириб оладилар. Кўз олдингизга бир келтиринг, оиласда катта ёшли аъзолардан бири ёки бир нечаси нос чекади ёки ҳидлайдилар. Кўп ҳолларда улар учун сотувчилардан болалар ҳарид қилиб олиб келиб берадилар. Бола пул бериб олган нарсаси ҳакида албатта, ўйлайди. Демак, бу одам учун керак нарса, агар керак бўлмаганида отаси ёки онаси нос сотиб олиб келиши учун унга пул берармиди. Аммо, болалар бу ёнда ҳали унинг организм учун қандай аҳамияти борлигини унчалик англамайдилар. Албатта, қизиқиб ҳидлаб кўришлари мумкин ва ниҳоят аста-секинлик билан улар катталардан бу одатнинг мазмуни ва моҳияти билан қизиқа бошлайдилар. Кейинчалик очикчасига сўрайдилар. Хўш, чекувчи отона ёки акалари нима деб жавоб берадилар, - деб ўйлайсиз? Ўглим, ҳали сен буни тушунмайсан, бир оз бошим оғриганида чекаман дея қутилиб қўя қоладилар. Демак, бола носни биринчи галда, бош оғригини қолдирувчи дори воситаси сифатида англаб бошлайди. Кўпчилик «тишм оғриганда чекаман», - дейишади ёки одатда, хумори тутади, шунинг учун чекаман болам дея очигини айтиб қўя қоладилар. Бола қизиқиб, ота мен ҳам чекиб кўрай

унда, деб сўраши мумкин. Бунда катталар унга йўқ болам, сен бунга ўрганма, бу ёмон нарса деб ўргата бошлайди-ю, аммо 10-15 дақика ўтмасдан чўнтағидан носдонни олиб қўлини тўлдириб, яна унинг кўз олдида чекишни бошлайди. Демак, “сен менинг айтганимни қил, аммо қилганимни қилма” тариқасида иш кетади. Бу ҳеч қачон ижобий самара бермайди. Оилада ўзингиз биронбир ишни қилиб уни болаларга ман қилсангиз, албатта, кўп ҳолларда тескари натижа оласиз. Кўп ҳолларда, болалар оталари бу ишни қилма деб танбех берганидан кейин, бошланишида, яширин ҳолда амалга оширадилар. Катталар нос чекадиган оилада болаларнинг ушбу заарали ижтимоий одатни ўзлаштириб олиш эҳтимоллик даражаси, яъни нос чекишга бўлган мойиллиги, шубҳасиз, кучли ва юқори бўлади. Аммо, баъзида чекувчи ота-оналар бу фикрга қўшилмасаларда, халқимизда “от изини той босади” деган хикматли бир гап бор.

Кейинчалик нос чекишни ўрганиб олган бола мактабга боради, маҳаллада болалар орасида, айнан шу, ҳозирча, унинг учун ижобий бир фаолиятдек туюлар, аммо жамият учун ўта жирканчли бўлган нос чекишдек заарли ортирган одатини бошқаларга кўз-кўз килиши турган гап. У бу қилигини дўстларидан яширмаслиги табиий. Энг ачинарлиси, ана шу эътиборсизлик туфайли оилада нос чекишни ортириб олган болакай мактабда, маҳаллада, кўчасида қанча-қанча болаларга нос чекишни таклиф қилиши ва ўргатишини ҳали ҳеч ким ижтимоий тадқиқот асосида ўрганмаган. Худди шу бола кейинчалик касбхунар коллежларига, олий ўқув юртларига ўқишга киради, меҳнат жамоасида фаолият кўрсатиш жараёнида қанча-қанча шогирдлар чиқариши мумкинлигини ўиласангиз, бу каби салбий ижтимоий одатнинг ёшлар орасида қандай механизм асосида тарқалишини кўз олдингиз-

га келтириш унчалик мураккаб эмас. Кўпчилик, нос билан тамаки чекишни бир вақтда олиб бораверади. Одатда қайси топилса ёки қайси ҳамёнга тўғри келса. Бу одам организми учун қанчалик хавфли эканлиги кўплаб олимлар томонидан эътироф этилиб амалда исботланган. Биз бу ҳақда батафсил ёзиб ўтиromoқчи эмасмиз.

Нос чекишнинг ўзи организмга етказган хавфли зарапларидан ташқари, ўзингиз нос чеккан кишини бир кўз олдингизга келтиринг, у қаерда чекишидан қатъий назар. Нос одатда тил тагига ташланади ва бир неча дақиқа ушлаб турилгандан кейин, чиқинди ахлатга айланади. Уни чекувчи қаерга ташлашидан қатъий назар, гигиена ва нафосат нуктаи назардан қанчалик хунук жараён эканлигининг ўзи, жамиятда ҳар қандай инсон учун носоғлом зарарли одатлигини тушуниш қийин эмас. Мен кўпгина катта лавозимда фаолият кўрсатадиган танишларимнинг носни яшириб чекиб, яшириб ташлаб юрганини кўрганимда беихтиёр ўзим хижолат тортиб қоламан. Ҳаётда ҳар бир инсон ўзича гўзал, шу боисдан ҳам у ҳамиша ҳаётда гўзал ишларни қилса, у янада гўзаллашади ва бошқаларни ҳам ана шу гўзалликка ошно эта олади. Менинг назаримда, биз жамиятимизни янада гўзаллаштиromoқчи, унинг экологик соғлигини таъминламоқчи бўлсақ, биз катталар фарзандларимизга ҳамиша бу ишда ўрнак-намуна бўлишимиз керак. Рисоламизнинг номини Ижтимоий меъёrlар ва инсон саломатлиги деб аташимизнинг мазмуни ҳам шундаки, қайси бир носоғлом ижтимоий меъёrnи таҳлил қилмайлик, охир оқибат унинг одам соғлиғига етказадиган зарарини китобхонга ҳар сафар эслатиб кўйишимиз зарур бўлади. Носнинг организмга таъсир қилиш механизми, етказадиган зарари, келтириб чиқарадиган ўзгаришлари, айниқса марказий асаб тизимида, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш, эндок-

рин безлари касалликларини келтириб чиқаришдаги тутган ўрнини ёритишнинг ўзи алохид мустақил мавзу. Ҳар галдагидек бизнинг асосий вазифамиз ана шу салбий ижтимоий меъёрнинг яна ҳам кўпроқ тарқалиб, ҳалқимиз соғлиғига етказадиган заарининг олдини олишни ташкил қилишдан иборат. Бунинг учун бутун соғлом фикрли жамоатчилик оёққа туришлари зарур бўлади. Биринчи галда, ҳар бир ота-она, тарбия масканларининг ходимлари, ўқитувчилар, шифокорлар, хуқук –тарғибот органлари аъзолари, зарурият тукилса, маҳсус қонунлар ишлаб чиқиш йўли билан бўлса-да, жамиятни нос балосидан қуткаришга бел боғлаш вақти келди. Бу савобли ва машаққатли ишни амалга оширишда ҳеч бир киши четда томошабин бўлиб туришга ҳаққи йўқ. Шундагина биз юртбошимиз яхши ниятлар билан бошлаб берган жамиятда соғлом авлодни (ҳар томонлама) шакллантиришга озми-кўпми хиссамизни кўшган бўламиз. Бунинг учун ҳар бир ўзини зиёлиман деб санаган киши амалий аниқ бир иши билан жавоб бериши керак бўлади. Жамиятимизда кейинги йилларда деярли аср вабоси билан тенглаштирилган, носоғлом ижтимоий одатлардан бири-бу гиёҳвандликдир. Гиёҳвандлик туфайли қанча-қанча минглаб ёшларимизнинг умрлари бевақт завол топмоқда, кўплаб оиласлар пароканда бўлиб, юзлаб фарзандлар етим қолмоқдалар, жамиятимизнинг бу каби носоғлом заарали одатлар туфайли кўраётган ҳар томонлама заарини ҳисоблаб бўлармикин, бу масаланинг бир томони. Аммо, масаланинг иккинчи ва энг муҳим томони ҳам бор. Ҳозир сиз кўча-кўйда маҳсус бир ижтимоий сўров ҳам ўтказинг. Гиёҳвандлик тўғрисида уларнинг фикрларини ўрганинг ва таҳлил қилинг. Айтингчи, бирон-бир киши гиёҳвандлик бу жуда яхши одат, бундан мён барака тондим дермикин. ЙЎҚ! ҳеч ким бундай жавобни сизга бермайди.

Деярли ҳамма жавоб бир хил - гиёхвандлик умр заволи, унинг номи ўчсин, деб баралла жавоб берадилар. Хўш, шундай экан, бу ёмон иллат, бунга мубтало бўлган одам унинг чангалидан чиқиб кетиши амалда жуда қийин экан, нега гиёхвандлик, нафақат, бизнинг мамлакатимизда, балки бутун дунё мамлакатларида, айниқса ёшлар орасида жуда кенг ва тез тарқалиб бормоқда. Бугун тиббиёт илми, унинг зарари ва асоратларини деярли ўрганиб бўлди. Халқимизга бу хақда етарли даражада тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқдаки, бугун ҳеч ким ўз яқинининг, қолаверса, у фарзандининг ушбу жирканчли зарарли одатни ўзлаштириб олишини хоҳламайди. Демак, бунинг ёмон томонларини ҳамма тушуниб етган бўлса, хақли савол туғилиши табиий, нега бугун жамиятимизда гиёхвандлик иллати камаймаяпти. Майли, статистика бераётган маълумотларга ҳам ишондик дейлик. Мен, сиз ва бошқалар ҳам шу жамиятда яшаймиз-ку. Қанча-қанча гиёхвандлик билан шуғулланувчи ёшларимиз ҳали хисобда турмайди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, амалда ҳаётда гиёхванд ўзи ўз ихтиёри билан мен гиёхванд бўлиб қолдим, мени ҳам хисобга олиб, иложи бўлса даволанглар! - деб мурожаат қиласмикин. Менимча, бундайлар жуда кам бўлса керак. Ушбу жирканч иллатга кўл урган шахс ўзини одамлардан олиб қочишга, ушбу оғуни яширин ҳолда истеъмол қилишга нима мажбур этади. Бу ечилиши ўта мушкул бўлган бутун жамоатчилик, яъни жамият олдида турган муаммонинг асосий ижтимоий сабаби нимада. Одамларнинг ўз соғликларига нисбатан эътиборсизлиги ёки онгсизлигидами, тиббий – гигиеник билим, малака ва қўникмаларининг етишмаслигидами ёки, энг асосийси, ёшларимиз орасида ахлоқий, иродавий тиббий-гигиеник тарбияларнинг етарлича амалда реал олиб борилмаганидами, нимада? Ахир, юртбошимиз ҳар сафар

куйиниб, “биз ёшларимизни хеч кимга бермаймиз” деб таъкидлашининг негизида ҳам айнан ана шу тарбия ётгани йўқми, ахир. Тўғри, қайсиdir нопок соxта ишбилармонлар қайсиdir қинғир-қийшиқ йўллар билан ушбу заҳарни мамлакатимизга олиб кираётгандир, қайсиdir бир виждонсиз, инсоний қиёфасини йўқотган, иймонидан воз кечганлар ушбу гиёхванд мoddани тарқатаётгандир, кимлардир шуни кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олиб ҳам кузатиб томошабин бўлиб тургандир?! Ахир, барibir биринчи навбатда, биз ота-оналар, жамоатчилик, қўни-қўшничилик, дўст-биродарлигимиз оддийгина бир-биrimizni ёмон иллатлардан ҳимоя қилишдаги меҳр оқибатимиз қани? Бу борада менинг баъзи бир безътибор юртошлиаримизга айтмоқчи бўлган сўзим шуки,”- меъёридан ортиқча андиша – бу жамиятимиз оёғига урилган болта” деган бўлар эдим. Энг асосийси, бизда бу борада эътибор, журъат етишмайди, менга нима, менинг болам чекаяпти-ку, айтиб ёмон кўриниб нима қиламан, оч қорним тинч қулоғим тарзида иш тутар эканмиз, гиёхвандликдек иллатдан қутилиш биз учун муаммо бўлиб қолаверади. Бу фақатгина ҳуқук тарғибот ва шифокорларнинг муаммоси деб лоқайд бўлсак, бу борада бир жойда қадам ташлаб тураверамиз. Хўш, асосий муаммога қайтайлик, фарзандларимиз қачон, қаерда ва кимдан бу одатни ўзлаштириб олади ва унинг механизми қандай содир бўлади, агар биз ана шу ижтимоий омилни аниқламас эканмиз бу борада бирон-бир самараға эришиш қийин. Мен, баъзида, ўзимга аник бир саволни бериб, баъзида жавоб топишга қийналаман. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг тарбиясига, ўқишига, ким билан дўстлашишларини тўхтовсиз назорат қилса, бола чекишини, ичишни ва энг ачинарлиси, гиёхвандликни қаерда, кимдан ўзлаштириб олади. Бизда ҳозир гиёхвандлар бор-

ми, демак фарзандларига беэътибор ота-оналаримиз йўқ эмас. Тўғри, ҳамма оиласарда ҳам биз ўйлагандек хотиржамлик бўлмаслиги мумкин, отасиз ёки онасиз ёки умуман ота-онасиз ўсаётган ёшлар ҳам орамизда бор, бу дегани улар эътибордан ташқарида қолиши керак дегани эмас-ку, ахир. Қариндош-уруглар, кўни-қўшнилар, қолаверса, маҳалла ахли, жамоатчилик ҳамма-ҳамма бу ишда бир тан бир жон бўлиб жипслашган ҳолда иш юритса, бу каби жиддий-жирканч иллатлардан ёшларимизни асраса бўлади. Энг асосий омиллардан бири - бу жамоатчиликнинг эътиборсизлигидир. Қолаверса, энг етакчи омиллардан бири иқтисодий масала бўлиб наркотик моддани искеъмол қилиш учун кишида катта микдорда маблағ бўлиши керак. Хўш, савол туғилади бола ушбу пулни қаердан олади? Бирданига гиёхвандлик билан бараварига ўғирликни ҳам бошламаса керак, ахир. Бу жараённинг содир бўлишида оиласа маълум бир босқичлар содир бўлади. Демак, оиласа фарзандларга пул беришда хисоб – китоб олиб борилмайди, баъзида болани эркалатиш мақсадида отаси онасидан, онаси отасидан, улардан яширин бувиси ёки бобоси хуллас, болани маблағ билан таъминлаш манбалари сунъий равишда оиласа кўпайгани назоратдан четда қолиб кетади. Эркатой фарзанд эса уларнинг барчаларининг сирларини бажонидил сақлайди. Натижада болада ортиқча пул пайдо бўлади, албатта, бу ҳодисадан гиёхвандлар хабардор бўлишликлари табиий ҳол. Гиёхвандлар учун пул кам ёки йўқ болаларнинг унчалик қизифи ҳам йўқ. Негаки бугун ҳаммамизга ойнадек маълумки, кам таъминланган оиласар фарзандларидан гиёхвандликка ружу кўйганлар камчиликни ташкил этади. Ушбу ижтимоий-иқтисодий омилнинг олдини олишда биз олиб бораётган тарбиявий ишлар етарлимикин? Гиёхвандлик ва унинг билан боғлиқ бўлган барча

қонунчилик масалаларини ҳам қайта кўриб чиқиш ва уни янада қаттиқўллигини ошириш ва энг асосийси, ана шу қонуннинг ахоли орасида жорий этишда қонун эгаларининг ролини ва масъулиятини такомиллаштириш унинг ижросида арзимаган оғиш кузатилганда ҳам, унга нисбатан қаттиқ чора кўришни жорий этиш вақти аллақачон етиб келади. Бу борадаги андишавозликка чек кўйиш вақти келди. Биттасини - унинг фарзанди, биттасини - яна бирисининг набираси, - деб бугун юз-хотирлик қилиш давом этадиган бўлса, биз жамиятда шаклланиб илдиз отиб бўлган жирканч иллатнинг илдизига болта ура олмаймиз. Унинг аслида илдизи ҳам, шаклланиш ижтимоий омили ҳам ана шунда.

Хукуқ-тартибот органларига ва муҳим аҳамиятга эга бўлган лавозимларга ишга олишда ҳар бир ишга кирувчининг бир неча авлоди, етти пушти суриштирилиб, ҳар томонлама таҳлил этилиб ишга олиниши, хукуқ-тартибот ва жавобгарлиги муҳим бўлган лавозимдаги раҳбарларимизнинг жавобгарликларини нафақат оилада, балки бутун жамиятда ошириш мақсадида амалга оширилиши керак, деб ўйлайман. Шу боисданда, жамиятимиздаги бундай ўта муҳим ишларга жавобгар шахсларимизни, бўни каби нозик ва муҳим тарбияни амалга оширишларида ҳамиша юзлари ёруғ, тиллари узун, ҳар томонлама муваффақиятли, ўзига ишонган шахслар бўлсагина ушбу масъулиятли муаммони ҳал қилишда юқори самарага эга бўлиш мумкин. Шу ўринда жамиятимизда фаолият кўрсатётган диний уламоларимизга ҳам бир оз эътиroz билдиришимиз мумкин. Одатда, кўп ҳолларда диндорларимиз ҳам тарбиявий ишларда бир томонламаликка берилиб кетадилар, баъзи ҳолларда ҳар хил маракаларни ўтказиб бериш билан ўралашиб қолаётгандиклари ҳеч кимга сир эмас. Маҳалла домла-имомлари ҳар кун ўзларининг

иш фаолиятларида маҳаллаларда, мачитларда ҳалиқ билан кўпроқ юзма-юз учрашадилар. Мачитларда, ҳар хил моросимларда, маърузалар ўқиши, кўпроқ Тошкент шахрида яхширок йўлга кўйилган. Бошқа вилоятларнинг ҳам уламолари ана шундай яхши ва савобли ишлардан ўрнак олиб иш қилсалар нур устига аъло нур бўлар эди. Ҳатто, мен ишонч билан айтишим мумкинки, диний уламоларимизнинг бу мавзудаги сухбатлари, айрим бир сийқаси чиққан маърузаларидан кўра ҳам фойдали ва самарали бўлиши мумкин. Негаки ҳақиқий диний уламо биринчи навбатда, инсоннинг руҳиятига чуқур таъсир қилиб, фикрлашга, мушоҳада қилишга мажбуrlайди ва ҳеч бўлмаса бандаларининг жазосидан қўрқмаса Худонинг олдидаги жавобгарлигини эслатиб, ҳар бир гиёҳвандлик ботқоқига гирифтор бўлган нопок ёшларни инсофга чақирган бўлар эдилар. Қолаверса, кўпчилик уламоларимиз назарий ишдан амалий тадбирга ўтган бўлар эди. Мен бу гапим билан диний уламоларимиз тарбия борасида иш қилмаяптилар демоқчи эмасман, аммо фақатгина диний тарбибот қилиш жамики ёшлар учун зарур бўлган тарбиявий жараённи қамраб олди деган гап эмас-ку ахир, чекишига, ичқиликбозликка, гиёҳвандлик ва бошқа нопок, айниқса, одамлар соғлиғига салбий таъсир қилувчи носоғлом ижтимоий меъёрларнинг жамиятда шаклланишида диний тарбиянинг ҳам тутган ўрни бор демоқчиман, холос! Мен бу гапларни ўз тажрибамдан келиб чиқиб, таҳлилларимга таянган ҳолда ёзаяпман, бизда ҳам диний масъулларимиз бор, уларнинг олиб бораётган ишлари билан ҳам баҳоли қудрат таниш бўлганим учунгина айтмоқчиманки, жамиятимизда диний ташкилотларнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни катта ва ишонч билан айтиш ҳам ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлаги. Демак, соғлом ва носоғлом ижтимоий меъёрларнинг

шаклланишида уларнинг ҳам ўрни бор.

Баъзи бир статистик маълумотларга қараганда, битта гиёхванд бир йилда учта шогирд чиқарар экан. Билмадим, бу қанчалик ҳақиқатга яқинлигини-ю, аммо гиёхвандликнинг нисбатан ошиб бораётганлигини кўриб, баъзида бу сонга ишонгим ҳам келади.

Ҳаммамизга маълумки, кейинги йилларда деярлик барча вилоятларда, ноқонуний уй шароитида нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчиларнинг сони кун сайин ошиб бормоқда. Айниқса, бензин, салярка ва бошқа ёғлаш маҳсулотлари билан кўп ҳолларда тахминан 95-98 % ҳолларда ёш ўспирин ўғил болалар шуғулланадилар. Ачинарлиси шундаки, кейинги пайтларда бу ишга аёлларимиз, қизларимиз ҳам аралашиб қилмоқда, кўз олдингизга бир келтиринг, бензин сотадиган хонадондаги мавжуд кичкинагина хоначанинг ичидаги биз юқорида қайд қилган ёш йигит ва қизларимиз кун бўйи, баъзида танаффусиз ишлайдилар ва бензин ёки салярка буғи билан бойиган ҳаводан нафас оладилар. Кийимларига сингиб қолгани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мен уларнинг кўпчилиги билан танишиб, самимий дўстона сұхбатлашганимда, улар «очифи биз мана шу бензин хидига ўрганиб қолганимиз», - деб таъкидлайдилар. Ҳатто кўпчилиги ҳеч тортинмасдан «мен атайн ҳар куни бензин хидламасам мазам қочади», - деб кулиб ҳам кўядилар. Бу тибиёт тили билан айтганда токсикомания деб юритилади. Бу ёшлар кўпчилиги ҳеч қаерда ўқимаган, кўлида касби, ҳунари йўқ. Бундай ҳолатни шаҳарнинг хоҳлаган бир бурчагида учратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги ҳеч торгинмасдан сизга таклиф этадиларки, мана бу заправканинг бензини, мана бу Туркманники хоҳлаганингиздан олишингиз мумкин! Мен ана шу болалар ичидан ҳақиқий гиёхванд бўлиб кетганларини ҳам эшитганман. Аммо, мени бир

савол ҳамиша қийнайди. Бензин сотиб кун кўриш мумкин, бу ҳаётий эҳтиёждир, аммо ишнинг охирида қайд қилган йигитларимизнинг соғлиғи нима бўлади? Менинг назаримда ана шу жараён ҳам биз таҳлил қилаётган ноносляемоий меъёр, гиёхвандлик одатининг шаклланишидаги ижтимоий омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада ҳуқук – тартибот органлари ходимлари ўзларининг иш режаларини ва тамойилларига бир оз ўзгартиришлар киритсалар, айни муддао бўлар эди. Шахсан, бензин сотишларига мен ҳам қарши эмасман, бу ҳаётий кундалик эҳтиёжларнинг энг асосийси ҳисобланади. Аммо, ҳар бир қонун ва қоидалар, санитария – гигиеник меъёрлар, ёнгиндан сақланиш, хавфсизлик органларининг қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилса, биринчидан биз юқорида қайд этган токсикоманлар, гиёхвандлар кўпаймаган бўлар эди, қолаверса, энг асосийси уларнинг шахсий соғликларига птур етмасди. Агар жамиятда битта гиёхванд фуқаро пайдо бўлиб қолса, мен уни ҳали 100 % ўзини айбламаган бўлар эдим. Инсониятнинг ҳайвонот дунёсидан фарқи ҳам шунда, у онгли мавжудот. У ўзининг ва атрофдагиларнинг онги, фикри билан ҳали бирон нарсани ўзгартиришга қодир. Мен адашаётган бўлишим мумкин, албатта. Мен гиёхвандлик ботқорига чўккан инсонни 50 %га айблаган бўлар эдим. Бу унинг билимсизлиги, эътиборсизлиги, онгсизлиги туфайли содир бўлган воқеийлик бўлсин. Хўш, шу вактда боланинг ота-онаси, қўни-қўшниси, маҳалласи ўзи фаолият кўрсатаётган жамоаси, томошабин бўлиб турган якин дўстлари неча фоизини ўзларининг зиммаларига олар эканлар. Менинча, 50 %дан кўпроқ бўлса керак. Мен бу фикрим билан гиёхванд бўлиб қолган кишини оқлашдан батамом йироқман. Уни ҳеч қачон, ҳеч бир баҳонани рўкач қилиб, оқлаб бўлмайди. Мен ҳаётим давомида кўп

йиғлаган ота-оналарни күрганман, сұхбатлашғанман. Улар одатда ўзларини күп ҳам айблайвермайдилар. Улар, күпроқ мұхитни айлашдан нарига ўтмайдилар. Баъзида мен уларга баралла туриб сизлар айбдорсизлар, қаерга қарадинглар, бу сизнинг фарзандингиз-ку ахир, кимдир ниманидир олиб келиб сотса, ҳарид қилиб чекаверадими, дегім келади. Аммо, ҳаётда ўзи дили оғриган кишининг яна ҳам дилини батарроқ ранжитиш, уни гүрга тиқиши билан баробар эканлигини эслаб, фақат раҳмим келади, холос!

Баъзида ха, бу ҳаёт эканда, “туруч курмаксиз бўлмайди” деганларидек, ҳаётда ҳам шундайлар учраб туради, нима ҳам қўлимиздан келар эди дейиш мумкин. Аммо, ана шу гуруч ичидаги курмак аста-секин кўпайиб бораверса нима бўлади? Кўплаб мутахассисларимиз гиёхвандлик ва унинг турлари, асоратлари, келажак авлодларга бўладиган салбий таъсирлари, ҳар хил жисмоний, руҳий етишмовчиликлар билан дунёга келаётган, дунёда умр кўрмасдан ўзининг кимлигини, ҳаётда бору-йўклиги ҳам билиммай яшаб, ўтиб кетадиган ногирон чақалоклар тўғрисида кўплаб ёзганлар ва уларни таҳлил ҳам қилганлар. Менинг назаримда, бу йўлга кирган ёшларни бу каби далиллар билан қўрқитиб ёки бошлаган йўлидан қайтариш анча мушкул иш.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш газетасининг 2005 йил 20-сонида Ибодат Соатованинг “Гиёхвандлик умр завошли” мавзусида тақдим этган мақоласидаги суратда акс эттирилган “кўзида қора кўз ойнак, оғзида сигарета ва ўзи-ўзининг венасига наркотик моддасини шприц орқали юбораётганини кўриб, бу нақадар даҳшатли кўриниш эканлигига амин бўлдим-у, агар шу йигит фақат расмга тушиб бериш учун оддий бир актёр ролини ўйнаттган бўлсада, мен унинг ўрнида рози бўлмаган бўлар

эдим, - деб ўйлаб қолдим. Мен хаётда наркотик модда чеккан одамни хеч қачон күрмаганман, бундан кейин ҳам бундай жирканчли ҳолатни күрсатмаслиқни Аллохдан сүраб қолған бўлар эдим. Шу ўринда мен ҳурматли отоналарга ўтиниб мурожаат қилған бўлар эдим, удар кайси лавозимда ва ким бўлиб фаолият кўрсатишидан қатъий назар, ушбу даҳшатли иллатдан фарзандларни асрасинлар. Бунинг учун вакт бўладими йўқми ёки доимо мунтазам равищда меҳнат сафарларида юрадими, бу иккинчи масала. Гиёхвандликдек жирканч ижтимоий одатдан фарзанднингизни асрашнинг бирдан-бир самарали усули бу - унинг тарбияси билан бевосита шугулланишидир. Бошқа омилларнинг ҳаммаси иккиласи омиллардир. Сўнгги пушаймон, ўзингга душман дейдилар. Кейин пушаймон қилиб ерни бир, пешонасига икки марта уриб ўтирганларни мен жуда кўп кўрганман. Бутун бошли оиласидан, уйидан, бола-чакасидан ажralиб кўчада қолиб ҳор бўлганларни кўрганман. Бундайларни кўрганингизда факатгина ичингиз ачишади ва маълум маънода мен ҳам шу жамиятнинг аъзосиман-ку, дея ўзимни оз бўлсада айбордек сезаман.

Мана ҳурматли ўкувчи! Маълум маънода гиёхвандлини келтириб чиқарувчи ижтимоий – иктиносидий ва бошқа омилларни тахлил қилишга ҳаракат кирадик. Балки, хали биз билмаган бошқа омиллар ҳам мавжуддир, ким билиди дейсиз, гиёхвандлар доимо ўз килмишларини яширин ҳолда амалга оширишга ҳаракат киладилар. Наркотик моддага ружу қўйган бир танишим, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, “бизларнинг биринчи белгимиз ёлғон гапириш ва одамларни алдац” деган эди. Одатда одамлар ортирилган салбий ижтимоий меъёрлар деганда, факатгина чекиш, ичиш, наркотик моддаларини истеъмол қилишини тушунадилар. Тўғри, бу ижтимоий меъёрлар

бевосита одам организмига ўта салбий ёмон таъсир этувчи одатлар саналади. Аммо, булардан ҳам ташқари одамлар орасида ўнлаб салбий, яъни носоғлом ижтимоий меъёрлар борки, улар ҳам инсонларнинг соғлиги, жамият, муҳит саломатлиги учун юқоридагилардан кам аҳамиятга эга эмас. Бундай ижтимоий меъёрлар кишининг характеристи, дунёкараши, мижози, билими, тарбияси, маданияти ва бошқа шахсий хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда шаклланади ва энг асосийси, кўпроқ бошқаларнинг кайфиятига, соғлиғига ёмон таъсир этади. Бу каби ижтимоий меъёрларга қўполлик, жаҳлдорлик, алдамчилик, доимо ёлғон сўзловчилик, сергап, лақмалик, иккюзламачилик, ваъдабозлик, фаразгўйлик, овқатхўрлик ва шу каби шахсга хос ўнлаб салбий одатлар борки, бундай одатлар биринчи навбатда, муҳитда ижтимоий-психологик ҳолатни издан чиқаради, одамларнинг кайфиятини бузади ва ниҳоят соғлиққа таъсир кўрсатиб, баъзида организмда, ҳатто қайтмас патологик жараёнларни келтириб чиқаради. Энг асосийси, бундай одамлар жамиятда бор, улардан ҳамиша ҳам қочиб кутилиб бўлавермайди, баҳтга қарши улар билан бирга фаолият кўрсатишга ҳам ўрин қолмайди. Халқимизда “ёлғоннинг умри қисқа” дейишади. Инсон борки, у ҳеч қачон якка ҳолда фаолият кўрсата олмайди, у ҳамиша жамоатчилик билан биргаликда яшайди, фаолият кўрсатади. Демак, ёлғончилик ҳам жамиятда ижтимоий меъёр сифатида мавжуд экан, у албатта жамоатчиликда онда-сонда бўлса-да, ўзини кўрсатиб туради ва бундай жамоадан файз кетади, одамлар орасида меҳр-оқибат йўқолади, энг асосийси, бир-бирига бўлган ишонч йўқолади. Бу ҳар қандай жамоанинг инқирозга юз тутишидир. Ёлғончилик аралашган жойда билингки, зўравонлик ҳуқум суради. Зўравонлик табиийки, ёлғончилик билан бирга бошланади. Ёлғон

гапириш бу хиёнат қилиш билан тенг, фараз килинг энг ишонган, яхши күрган дўстингиз сизга ёлғон гапириб хиёнат қилса, одам қандай ҳолатга тушади. Бундай асабий хис-хаяжон билан кечадиган кечинмада организмда турли асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Хўш, ёлғончилик, ёлғон гапириш ҳам носоғлом ижтимоий меъёр бўлса, у болада ёки катта одамларда қачон, қаерда ва қандай вазиятларда шаклланиши мумкин. Одатда, ҳамма ҳам хаётида бир-икки марта бошқаларнинг манфаати учун ёлғон гапириши мумкин, аммо биз кўпроқ уни қасб қилиб олганлар тўғрисида фикр юритаямиз.

Айтайлик, ёлғончилик, яъни доимо одамларни алдашни ўзига қасб этиб олган шахслар билан бир гуруҳда ўқишини, бир жамоада ишлашни ёки бир оиласда яшашни бир кўз олдингизга келтиринг. Ҳаётда алдашларнинг тури жуда кўп - ижтимоий, иктисадий, сиёсий ва шахсий масалаларда. Айниқса, кейинги пайтларда одамлар ўргасида бирор-бировни алдаш масалалари тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Бунга ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Бир кўз олдингизга келтиринг, сизни ўз фарзандингиз, энг яқин ишонган дўстингиз, тўрмуш ўргонгиз, раҳбарингиз ёки кўл остингизда ишлайдиган ҳодимлардан бири, бир марта эмас ҳар гал алдайверса, сиз қандай ҳолатга тушасиз. Инсон хаётда ҳамма нарсани кечириши мумкин, лекин алдашни ҳеч қачон кечиролмайди. Аммо, бу кечира олмаслик мазкур киши учун жуда қимматга тушиши мумкин. Алданган киши биринчи навбатда, руҳий жиҳатдан қийналади, жисмонан эзилади, агар алдаш пул маблағ билан боғлиқ бўлса-чи!? Сиздан қарзга пул олиб, олмадим деса, одамнинг қай аҳволга тушишини кўз олдингизга келтириш унчалик қийин бўлмаса керак. Айрим пайтларда бундай воқеийликлар фожиа билан тугашини ҳам яхши биламиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг биринчи кундан ёлғон аралаш-

ган оилада тотувлик, барака ва баркамоллик бўладими? Тотувлик йўқ жойда соғлиққа ёлғончилик, алдамчилик аралашган нафақат оилада ёки бирор-бир жамоада барака кетади, ҳатто бутун бошли жамиятда ривожланиш, тараққиёт бўлмайди. Демак, биз билан сизнинг биринчи галдаги асосий вазифамиз ушбу салбий ижтимоий одатнинг шаклланишига йўл қўймаслик, ёшларимизни болалигидан оилада, болалар муассасаларида, мактабда, лицейларда, ўкув юргларида, меҳнат жамоаларида ростгўйликка, имонли-эътиқодли бўлишга, ҳамиша бўйнига қилич келса ҳам рост гапиришга одатлантиришимиз керак. Бирорни алдан ган киши биринчи навбатда, ўзини алдайди. Касалликни яширсанг, уни иситмаси ошкор қиласи дейишади. Инсон қачонгача ёлғон гапиришни ўзига одат қилиб юриши мумкин, бу ҳолат бир кун бўлмаса, бир кун келиб маълум бўлади ва энг асосийси, кейинчалик унга ҳеч ким ишонмай қўйиши, одамларнинг ишончидан чиқишдек олий жазо бормикин дунёда.

Оилада болаларга ёшлиқдан тўғри гапиришни ўргатма-сангиз, унинг кўзи олдида ота-она, ака-укалар бир-бирларига ёлғон гапира бошласалар, бола ҳам ҳамма нарса шундай бўлар экан, хоҳлаган пайтда хоҳлаган одамни алдаш мумкин экан деган тушунчага келиши табиий хол. Астасекинлик билан бола ўзининг ноокилона ишлари, хатти-ҳаракатларини ота-онасидан яшириб, ёлғон ишлатиб, ўз ота-онасини алдай бошлайди. Ота-она фарзандни не орзу ҳаваслар билан боқиб катта қиласи, ўстиради, емай-едириб, киймай-кыйдиради. Аммо, куни келиб ўз фарзандингиз сизга ёлғон гапириб, ўта муҳим оилавий ишларда алдаса ва бу ҳол сурункали давом этаверса, ўша ота-она-нинг ахволини кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. Баъзи ҳолларда ота-оналар бундай хиёнатни кўтара олмайдилар. Биринчи галда соғлиғига путур етади, энг ачинар-

лиси, организмда қайтмас ҳолатлар юзага келиши мумкин. Одатда ёлғон аралашган жойга, у қаерда бўлишидан қатъий назар, жиноят кириб келади. Жиноят бу конунга хилоф иш, бу жиноятчилик, асабийлашиш, рухиятнинг бузилиши ва барибир айланиб келиб масала инсон соғлиғига ва аҳоли саломатлигига тақалаверади.

Мен ҳамиша бир саволни кўпроқ ўзимга такрор-такрор беравераман, ёшларимиз ёлғон гапиришни, одамларни алдашни кимдан ўрганадилар? Аччик бўлса ҳам бир хақиқатни тан олиш керакки, улар бу иллатни биз катталардан ўрганади ва ўзлаштириб оладилар. Одатда фалсафа, диний нуктаи назардан, бу дунёning ўзи ёлғончи дунё дейишади. Шахсан мен ўзим бу фикрга унчалик кўшилавермайман, инсон дунёга бир марта келади, бу реал ҳаёт, бу ёлғончи дунё эмас ким учундир шундайдир ҳам, шу боисдан ҳам бу дунёда ҳаммани алдаш керакми, чин дунёда чин гапириш учун. Мамлакатимиз мустақилликни чинакамига кўлга киритиб, янги ҳаёт куриш мақсадида чинакамига бел боғлаб, яратувчилик ишлари билан келажакда авлодларимизга фаровон ҳаётни қолдириш йўлида тиним билмай заҳмат чекаётган бир пайтда, мен ҳаётимизга ёлғон аралashiшини ҳеч қачон хохламаган бўлар эдим.

Тўғри сўзли, имон-эътиқодли, виждонли фуқаролари кўп юртда одамлар бир-бирларига ёлғон гапириб алдамайдилар, бир-бирларининг соғликларига ҳам путур етказмайдилар. Бу борада ҳали жамиятимизда қилинадиган ишлар жуда кўп. Ёлғончиликдек носоғлом ижтимоий меъёри камайтириш, иложи бўлса уни жамиятдан, умуман йўқотишда, жамиятимизда тўғри сўзли, ҳакиқатгўй, виждонли, билимли ва комил инсонларни тарбиялаш биринчи галда, ота-оналар зиммасига катта масъулият юклайди. Қолаверса, бу бутун жамоатчиликнинг муқаддас

бурчидир! Жамиятда жаҳлдорлик ҳам носоғлом ижти-  
моий меъёр сифатида одамлар орасида учраб туради.  
Жаҳли ёмон одамдан ҳамиша одамлар қочишга ва ун-  
дан ҳар қандай ҳолатда сақланишга ҳаракат қиласилар.  
Халқимизда “жаҳлинг ўзингга душман” ёки “жаҳли чиқ-  
каннинг акли кетади” деган гаплар бежиз айтилмаган  
бўлса керак. Жаҳлдорлик биринчи навбатда - бу дилозор-  
ликдир! Дилозорлик ҳар қандай иродаси мустахкам ки-  
шини ҳам руҳий тушкунликка олиб келиши табиийдир.  
Одатда ҳар қандай кишининг ҳам маълум бир жараёнлар-  
да айрим бир сабабларга кўра жаҳли чиқиши мумкин.  
Аммо, бу доимий одат ёки меъёр эмас. Доимий жаҳлдор  
одамнинг биринчи галда, ўзида ҳаловат бўлмайди, қола-  
верса, атрофдагиларнинг ҳаловатини бузади. Агар бор-  
ди-ю шу жаҳлдор киши қайсиdir бир раҳбарлик лавози-  
мида фаолият кўрсатса-чи! Жаҳлдор раҳбарнинг хато  
қилиш эҳтимоллик даражаси нисбатан юкори бўлади,  
раҳбарнинг хатоси ҳам ўзига яраша, катта хато бўлади  
ва шу сабабли кўп киши азият чекиши мумкин, корхона  
катта микдорда зарар кўриши мумкин. Жаҳлдор киши-  
да ҳамма вакт хис-ҳаяжон мантиқдан олдин юради, бу  
биринчи галда ўзининг, қолаверса бошқаларнинг кай-  
фиятига, руҳиятига ёмон таъсир қиласи, агар бу ҳолат  
мунтазам равишда ҳар куни давом этаверса одамлар со-  
ғлиғига салбий таъсир қилиб, одамлар орасида асабий-  
лик, психозлик ва айрим ҳолларда кутилмаган фожиа-  
лар билан ҳам тугаши мумкин. Жаҳлдорлик бор жойда  
жанжал чиқиш эҳтимоли юкори бўлади. Бир кун жанжал  
чиқсан жойдан 40 кун файз кетади, дейди халқимиз. Бу  
дегани шу оиласда ёки жамоада руҳий тушкунлик хукм-  
ронлик қиласи, бунинг окибати деярли инсоннинг барча  
фаолиятига таъсир этади, деган гап. Хўш, савол туғила-  
ди, жаҳлдорлик одатми ёки қасалликми? Бу меъёр одам-

ларда қандай пайдо бўлади ва бундай шахслар бўлмаслиги учун қандай ишларни амалга ошириш зарур. Бу бир қарашда арзимайдиган бир фикрдек туюлиши мумкин, аммо инсон хаётида бир марта бўлса-да шундай қўполжахлдор одам билан тўқнашиб, хафсаласи пир бўлиб кўрсагина, бунинг жамиятда ўта ёмон одат эканига амин бўлиши мумкин. Агар шу қўпол ёки жахлдор киши шифокор бўлса, нима бўлади деган савол ҳаммани ҳам ўйлатириб қўйса керак. Ўзи одамлар соғлиғи ва унга таъсир қилувчи носоғлом ижтимоий меъёрлар тўғрисида гап кетса-ю, худди шу салбий ижтимоий одат биз шифо излаб келган кишида бўлса, унда дардингни кимга айтасан киши. Бундай ҳолатлар ҳаётда тез-тез бўлмаса-да, ондасонда учраб туради. Жахлдордик, қўполликнинг акси хушмуомалалик, хушфеъллик ҳисобланади. Беморга биринчи галда, яхши гап керак, буни бобомиз Ибн Сино ҳам қайта-қайта таъкидлаганлар. Бемор кишининг руҳиятини қўлга олиб, уни тинчлантириб, маълум даражада уни яхши бўлишга ишонтира олмасангиз, у bemorni яххиси бошқа шифокор даволагани маъқул бўлади. қўполлик, жахлдорлик биринчи галда тарбия маҳсули ва у орттирилган ижтимоий одатдир. Қолаверса, касбларда баъзи кишилар босар-тусарини билмай қолиб, вақтингчалик шон-шуҳратга берилиб, (халкимиз бундайларни одатда оёғи ердан узилганлар дейишади) қўполликни ёки жахлдорликни ўзлаштириб ҳам олиши мумкин. Агар ёшлигидан иродавий, ахлоқий тарбия яхши берилган бўлса, бу ҳол камдан-кам ҳолларда пайдо бўлиши мумкин. Бундай йўналишлар айнан тиббиёт соҳасида ҳам йўқ эмас. Иш жараёни ҳамиша хис-ҳаяжонлар, ўта зўрикишлар билан кечадиган касб эгалари масалан, жарроҳлар, акушер-гинекологлар ичидан, кам бўлса-да, орттирилган касбий жахлдорлик учраши мумкин. Бу ҳам,

албатта, беморларнинг тез ва самарали тузалиб кетишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Боланинг жаҳлдор, кўпол бўлиб қолишига таъсир қилувчи омиллар жуда ҳам кўп. Буларнинг ҳаммасига, албатта, тарбия жараёнида эътибор бериш керак. Бола ёшлигидан кўп қасал бўлиши мумкин, ёшликда болани кўп кўркитиб тарбияланса, салбий хиссиётлар билан кечадиган жараёнлар кўп бўлса, нотинч, нотўлик оиласарда тарбияланса, кимдир ёшлигидан доимий равишда жигига тегаверса, болани жуда кичик ёшда мактабга бериlsa, бола мактабда бериладиган психологик юкламани ҳали ўзлаштира олмайдиган даврида ва бошқа омиллар таъсирида болада жаҳлдорлик ва кўполлик шаклланиши мумкин.

Булардан ташқари, оиласа ота-она ва бошқа катта ёшли аъзолардан ҳам бола тўғридан-тўғри андоза олиб, бундай салбий меъёрларни ўзлаштириб олиши мумкин. Хўш, бундай салбий одатларни қандай қилиб камайтириш ёки умуман болада йўқотиш мумкин. Бу борада таълим-тарбиянинг тутган ўрни жуда катта. Таълим-тарбия усули билан боладаги айрим тиббий нуксонларни, ортирилган салбий одатларни-кўполлик, бешармлик, жаҳлдорликларни педагогик жиҳатдан тўғри ёндашиб, ижобий томонга айлантирса бўлади. Бунинг учун мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг айнан педагогик маҳорат даражаси юксак даражада бўлиши керак. Бу борада улар ўкувчиларга намуна ўrnak кўрсатишларининг ўзи бу борадаги тарбиянинг асосини ташкил этади. Демак, кўриниб турибдики, чекиш, ичиш, гиёхвандлик каби қатор ортирилган салбий ижтимоий носоғлом одатлар қаторида инсонларнинг соғлиғига бевосита, бальзода билвосита биз таҳлил қилган кўполлик, сержаҳлик ҳам ёмон таъсир кўрсатади. Ҳар бир инсон ҳеч қачон шуни эсдан

чикармаслигига керакки, организмдаги мавжуд барча аъзоларимизнинг қандай ишлаши, биринчи галда, бизнинг кайфиятимизга, рухиятимизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу ўта муҳим тиббий – ижтимоий муаммолардан бири хисобланади.

Жамиятда айрим одамлар орасида кам, бўлса-да, учраб турадиган бу иккюзламачилик одати ва сўзида турмасликдир. Сиз ўйлашингиз мумкин, иккюзламачилик ёки ваъдасида турмаслик одатларининг одам соғлигига қандай ёмон таъсири бўлиши мумкин. Агар иккюзламачилик – лаганбардорлик ёки берган ваъдасини бажармаслик одатлари яхши одат бўлганида, уни ҳамма ҳам ўзида ўзлаштириб олган бўлар эдилар. Ваҳоланки, ундаи эмас, аксинча ҳакиқий меъёрдаги фуқаролар бундай кишилардан нафратланадилар ва доимо ўзларини четга оладилар. Демак, нимадандир, қандайдир бир ёмон омил борки, одамлар ундан ўзларини асрайдилар ва қочишга хараткат қиласидилар. Бахтга қарши жамиятимизда бундай одамлар бор аммо, Худога минг шукурлар бўлсинким, энг асосийси, кўп эмас. Агар бундайларнинг сиз яшаётган оиласида ёки фаолият кўрсатаётган жамоада, дўстлар орасида, қариндош-уруғлар ичиди битта бўлса ҳам, у кўп. Биринчидан, иккюзлама, лаганбардор ёки ваъдабоз кишилар ҳар қандай жамоада носоғлом мухитни юзага келтирадилар, уларнинг фаолиятлари натижасида одамлар орасида келишмовчиликлар, ҳар хил ёлғон-яшиқ гап сўзлар, бирор-бировга ишонмаслик, менсимаслик ҳолатлари, бир-бирларининг орасида гап қочади, ҳатто уруш-жанжал ва кутилмаган ҳолатлар юзага келиши мумкин. Иккюзламачи киши ўзи ким, у ўзини ҳаммага яхши кўрсатиш мақсадида жараёндан пайт пойлаб фойдаланган ҳолда, бировга бир гапни гапирса, иккинчисига бошқасини гапиради. Натижада томонлар орасида ҳар хил низолар, ке-

лишмовчиликлар ҳатто судлашишгача ҳам ишлар етиб бориши мумкин. Энди бир күз олдингизга келтириң, сиз худди шу жараёнга тасодифдан бўлса-да аралашиб қолдингиз, асабингиз таранглашган, миянгизда ҳар хил фикрлар, ахир битта жараён тўғрисида тўғри, ногўри бир неча хил маълумотга эга бўлдингиз, бирор қарорга келиш бундай пайтда қийин, негаки, ҳатто қилиб қўйиш вазиятни яна ҳам мураккаблаштириб, чигаллаштириб юбориши мумкин. Организмда бутун эндокрин тизими ишдан чиқади, нафас олиш, юрак уришлар тезлашади, жаҳлингиз чиқади, кутилмаганда бегуноҳ кишиларни ранжитиб қўйишингиз ҳам мумкин. Буниинг устига йўқ ердан қон босими ҳам пайдо бўлиши мумкин. Баъзилар бундай вазиятларда аччини спиртли ичимликдан ёки чекишдан олади. Ишда унум бўлмайди. Ҳар хил ёзишмалар, текширишлар, суд жараёнлар ва ҳоказолар. Қани айтингчи, шундай жараёнда ким ўзини согломман деб санаши мумкин. Менимча, бундай ҳолатлар юзага келган оиласда, жамоада ҳар қандай мижоздаги, ҳатто оғир характерга эга бўлган киши ҳам ёмон ҳолатта тушиб қолиши турган гап. Сир эмас ҳаётда бундай жараёнлар баҳтга қарши фожиалар билан ҳам якунланганларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Тиббиётда инсульт, миокард инфаркти, қон босими каби касалликлар борки, уларни келтириб чиқарувчи асосий омиллар ҳам айнан биз таҳлил килаётган носоғлом мұхиттинг маҳсулі ҳисобланади. Албатта, иккюзламачилик, лаганбардорликдек салбий ижтимоий одатлар туфайли келиб чиқадиган салбий нотинчликлар тўғрисида ўнлаб турдаги мисолларни келтириш мумкин. Охир-оқибат барибир оиласада бузилади, дўстлар юз кўрмас бўлиб кетади, қариндошлиликка дарз кетади, ота боладан, бола отадан юз ўгиради, жамоаларда тоитувлик бузилади, ипда унум бўлмайди, ҳатто бутун бош-

ли корхоналар тарқалиб кетиши мүмкин. Хўш, ким бу ҳолатни одамлар орасида соғлом ҳолат деб айта олади. Демак, натижа носоғлом ижтимоий мухитни келтириб чиқарадики, бу инсон соғлиғига, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, охир оқибат жамият фаровонлигига, ишлаб чиқаришнинг оқсоқ аҳволга келишига, корхоналарнинг ҳозирги иқтисод тили билан айтганда, банкрот-инкиroz ҳолатига ҳам олиб келиши ҳеч гап эмас. Пайғамбаримиз Мұхаммад Алайҳиссалом ўз ҳадисларида “Бу дунёда иккюзламачи бўлган одамнинг қиёматда ўтдан ясалган икки тили бўлади” деб ривоят қиласилар. ҳақиқатдан ҳам иккюзламачиларнинг бу дунёда ҳам ўз манфаатлари йўлида бир эмас бир неча дағал тиллари бўладики, шу боисдан уларнинг қилмишлари доимо соғ, тиник ва беғубор инсоний ижтимоий мухитларни лойхалатиб юрадилар. Тиббиёт илмининг султони бобокалонимиз Абу Али ибн Сино “Инсон қиласидаги ишларнинг энг ёмони риёкорлик, яъни иккюзламачиликдир”, - деб таъкидлаган эдилар. Иккюзламачи одамнинг хақиқий ўзининг юзи бўлмайди, шу боисдан ҳам улар жараёндан фодаланиб ўзига маъқул бўлган ролни ўйнашга харакат қиласилар. Ибн Синонинг таъкидлашича “яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади” дейди. Демак иккюзламачилик ҳам бир орттирилган ёмон хулқ. Аммо, ана шу хулқ қайси ижтимоий омиллар негизида шаклланади? Касаллик бўлса даволаш мүмкин, аммо шаклланган инсон хулқини кейин қайта тарбиялаб бўлармикин? Халқимизда шундай бир фалсафий айтилган мақол бор “қон билан кирган, жон билан чиқади” дейилади. Менимча, инсоннинг хулқи қон билан эмас, балки у тарбия жараённада шакллананиб боради. Тўғри сўзли, қатъиятли қилиб тарбияланган киши

хар қандай ҳолатда ўз фикрида тура олади. Айнан нотү-  
фри тарбияланган кишида қатыяглилук бўлмайди, у ҳами-  
ша жарайёнга қараб иш кўради. Кўп ҳолларда бундайлар-  
ни шайтон, ақлли одамлар дейишади. ЙЎҚ, агар у факат  
ўз фойдасини ўйлаб, жамоадаги психологик мухитнинг  
бузилишига сабаб бўладиган ишни қилса, у ҳақиқатдан  
ҳам иккиюзламачи ёки лаганбардор одам деб аталади.  
Улар нафақат битта кишининг соғлиғига путур етказа-  
ди, балки бутун жамиятда носоғлом жараённи юзага кел-  
тиради. Бундайлар маълум бир давр ўзларининг шу каби  
қиликлари билан машхур ҳам бўларлар ёки раҳбарлар,  
ёки оила бошлиғи атрофида ҳам бир амаллаб юарлар,  
лекин бундай ҳаётнинг умри узоқ бўлмайди.

“Ёмонлик билан машхур бўлган кишидан йироқлаш,  
Бу янглиғ кишиларнинг қилиғи қора бўлади...”

деб ёзади бундан сал кам ўн аср илгари Юсуф Хос  
Ҳожиб. Унинг таъкидлашича, яхши одамлар ҳамиша бун-  
дай фисқу фасод фийбатчилардан баҳоли қўдрат қочиб  
юрган яхши бўларкан. (Хошимов -1995).

Тўғри маълум бир ёшга кирган ёмон хулқли кишини  
қайта тарбиялаш ўта мушкул иш. Буюқ Ватандошимиз  
Аз-Замахшарий бундай кишиларга таъриф бера туриб  
айтадиларки, “Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор  
хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг мак-  
ру ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга харакат қил”.  
Бу билан улуғ аллома биринчи галда, ўз асабингни ва  
соғлиғингни асра демокчи эмасмикин.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш  
осонлиги тўғрисида кўп бор таъкидланади. Менинг наза-  
римда, хар қандай носоғлом ижтимоий меъёрлар шу жум-  
ладан, иккиюзламачилик ҳам маълум фалсафий маъно-  
да касаллик, шу боисдан ушбу касаллик пайдо бўлмасдан  
туриб, унинг олдини олиш бир мунча осон. Ўсиб келаёт-

ган ёшларимизни түгри, бир сўзли, халол, мард, комил инсонлар қилиб шакллантиришнинг асосини барча турдаги тарбияларнинг тарқибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғланишларни, изчилликларни таъминлашини ташкил этмоғи керак, яъни болаларга тарбия беришда барча турдаги аклий, ахлокий, эстетик, меҳнат, жисмоний, политехник, экологик, тиббий-гигиеник, жинсий, иқтисодий, хуқукий, диний ва бошقا ўнлаб турдаги тарбияларни болаларнинг ёш, жинс ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда, барча турдаги тарбияларнинг мужассамлашган кўринишида олиб борилсагина, кўзланган самарага эришиш мумкин. Биз катталар бир муҳим нарсани ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керакки, биз юқорида санаб ўтган тарбияларнинг жамиятда акси ҳам мавжуд. Жамиятда ким бўлса ҳам шундай носоғлом мухитлар борки, айнан бу каби тарбияларнинг тескарисини ўргатадилар. Хўш, савол туғилади, булар кимлар? Руссларда шундай бир макол бор. “Ёмон, бегона ўсимлик тез ўсади”, ха улар жамият учун бегона кишилар, аммо соғлом мухитда жуда тез тарқалиши мумкин. Бунга биз мустақиллик йилларида кўп бор гувоҳи бўлғанмиз ва керак бўлса азиятини ҳам чекдик. Жамиятда айнан иккюзлама, лаганбардор, сўзида турмайдиган кишилар билан курашиб, бутун жамоатчиликнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Кўриб турибсизки, ҳар қандай носоғлом ижтимоий меъёр биринчи галда, инсон соғлиғига салбий таъсир қилувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Натижада аҳоли саломатлигига ёмон таъсир қиласди, касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларининг ошишига сабаб бўлиши мумкин. Жамиятимизда шундай намунали оилалар борки, уларни нафакат мамлакатимиз аҳолисига, балки бутун дунё мамлакатлари аҳолисига мана бизда шундай барча халкларга намуна бўладиган

турмуш тарзи, тарбияси, миллий қадриятлари ва бошқа умуминсоний ижтимоий меъёрлари жамулжам бўлган оиласалар бор, келинг биздан ўрнак олинг дегулик беба?о урф-одатларимиз бисёр. Бундай оиласаларда тинчлик, то тувилик, бир-бирини тушуниш, энг асосийси, дўст-биродарлик, меҳр оқибат хукм суради. Демак, бу каби оиласаларда бир-бирига қаттиқ гапириш, кўнглига тегиш, дилозорлик, ёлгон гапириш, кўполлик, иккиюзламачиликларга ўрин қолмайди. Менинг фикримча, оиласадаги барча мавжуд ижтимоий ёки салбий ижтимоий меъёрлар бир авлоднинг ҳаётида шаклланмайди, оила бу муқаддас қичик бир мамлакат, аждодлардан кейинги авлодларга мерос сифатида ўтиб келаверади. Мерос деганда, нафақат отадан болага, боладан неварага қоладиган уй-жой ёки мол-мулк, балки энг асосийси, ана шу оиласада олдиндан шаклланган ва ҳар бир давр рухиятига мослашиб, унинг қонуниятларидан келиб чиқиб, маълум маънода ўзгариб, янгиланиб, бугун бизгача етиб келган мерос – бу оиласадаги ҳар хил ижтимоий меъёрлар ва ҳаёт тарзи ҳам назарда тутилади. Янги туғилган чақалоқ кўз очиб ана шу ижтимоий мухитга тушади, шу ерда тили чикади, дунёни кўриб таний бошлайди, муомала ва муносабатни, гаплашиш маданиятини ҳам даставвал оиласадан ўрганади. Демак, ҳар бир шахс биринчи галда ўз оиласадаги мавжуд ва шаклланган ижтимоий-иктисодий ва психологик муомала ва муносабатлар маҳсули сифатида жамиятда фаолият кўрсатади. Хулоса шуки, агар биз фарзандларимиз ростгўй, ҳақиқатпарвар, имон-эътиқодли, одамларга меҳр-оқибатли, ватанга садоқатли комил инсонлар бўлиб етишишларини истар эканмиз, оиласада тарбия борасида ота-онанинг ролини янада ошириш фарзандлар тарбиясида умуминсоний ва миллий қадриятларимизга таянган ҳолда иш юритиш борасидаги тарғибот ишларини кучай-

тиришимиз керак бўлади. Тарбия тўғрисида фикр юритиб, унинг мазмун ва моҳияти, жамиятдаги аҳамияти тўғрисида фикр юритиб, мен тиббиёт ходими сифатида шундай бир хуносага келдимки, тарбия – бу аҳоли саломатлигининг гарови. Негаки, инсон соғлиғига салбий таъсир этувчи қайси бир омилни олиб, уни тахлил қилмा�нг, албатта, маълум маънода у инсон тарбиясининг маҳсули сифатида намоён бўлаверади.

“Одамлар баҳил, юзсиз, шилқим одамларни севмайдилар. Эй ўғлим, ёқимли, хулқли бўлишга тириш, наслинг (шуҳратинг) эртага (ўзингдан кейин) қолади” дея ривоят қиласи машҳур матафаккир Махмуд Қошғарий. Аз-Замахшарий ”одамлар турли-туман бўладилар, афсуски уларнинг аксарияти нопокдирлар” деганларида, менинг назаримда, жамиятда кам бўлса-да, учраб турадиган баразгўй, манман, ўзбилағонликни касб қилган кишиларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Баҳилнинг боғи кўкармас, дейди ҳалқимиз, бироннинг бўлганини, унинг муваффакиятини кўра олмасликдан оғирроқ баҳтсизлик бўлмаса керак дунёда. Баҳил одам биринчи галда, кечакундуз ўз тинчини йўқотади, фиску-фасодни ўйлайди, бўлмагур ишларни режалаштиради, ачинарлиси шундаки, бაъзида шу ишни амалга ошириб, одамларнинг тинчлигини бузади, тотувликка дарз кетказади. Баҳилнинг асосий фаолияти кечалари ҳам ухламасдан ҳар хил бўхтонларни ўйлаб топиш, қандай бўлмасин ўзига ёкмagan, иши юришиб турган одамнинг сёғидан пастга тортиш усулларини ўйлайди. Баҳил ва баразгўй кишилар ўзларни кўпчилик ичida ўта ошкора қилавермайди, улар тўғри гапдан, ишдан кўркадилар, уларнинг асосий усули, пана-пана жойдан туриб, орқадан тош отиш, ифволар тузиб одамлар устидан ҳар хил бўхтонларни ағдариб, ёзувчилик қиласи ва ҳеч нарса билмаган кишига ўхшаб,

ўзи лойқалаган сувнинг бўйида ўтириб, ором олган бўлади. Аслида ҳаётда инсон психологиясида бундай бўлмайди, бирорга ёмонлик қилган одамнинг ороми ва соғлиғига путур етади, тинчлиги бузилади. Негаки хар қандай инсон бирорга ёмонлик килиб, ундан ҳеч қачон яхшилик кута олмайди. Аммо, одатда ақлли одам унга бирор ёмонлик килса ҳам, ёмонлик билан жавоб бермайди. Ёмонлик қилган киши эса ҳамиша ўзининг ички психологик фаолиятидан қелиб чиқиб фикрлайди ва шу боисдан ҳам, унинг ҳузур-ҳаловати бузилади. Фараз қилинг, сиз яшаеттган оиласда, меҳнат жамоасида, дўст-биродарингиз орасида, ўкув гурухингизда фаразгўй, манман, ўзидан бошқа ҳеч кимни яхши қўрмайдиган битта яримта киши пайдо бўлиб қолса. Оиласда ёки меҳнат жамоасида, биринчи галда психологик мухит издан чиқади, жамоада гурухвозлик илдиз отади, гап ташувчилик, озгина муваффақиятни ҳам қўрабилмаслик, яъни ёмон кўз билан боқиб ҳавас килувчи одамлар кўпаяди. Бундай жараёнда оиласда тотувлик ва барака йўқолади, жамоада иш унуми ва бирор-бирорга бўлган меҳр-оқибат йўқолади. Бу ўз навбатида оила тотувлигига, жамоада иш унумига ёмон таъсир этади. Энг асосийси кайд қилганимиздек, аъзолар ўргасидаги муомала-муносабат даражаси пасаяди, уларда асабийлик, бўхтон, ёлғон гаплар кўпаяди ва энг ачинарлиси, бу хунук жараён, биринчи галда, одамлар соғлиғига, оила ва меҳнат жамоаларининг саломатлигига салбий таъсир этади. Кейин бир оз мулоҳаза қилсак бундай кишилар оиласда, меҳнат жамоларида қандай омиллар таъсирида пайдо бўлади. Бунинг ижтимоий сабаблари қаерда? Бундай шахсларнинг асосий ички мативацияларини қандай ўрганиш ва ундейлардан қандай сакланиш мумкин бўлади.

Оиласда ўсиб улгаяёттган ёш болада манманлик хисла-

ти қандай шаклланади? Психологик нұқтаи назардан күзатышлар шуни күрсатады, ойлада битта фарзанд үсса ёки бир неча фарзандлар ичидә битта үғил деб ҳаддан тапқари эркалатылса, ойлада болаларга нисбатан иқтисодий масалада маълум назорат ва өчеге белгиланмаса, ойлада катталарнинг бирортасида айнан шундай хулиқли шахслар бўлиб, болага ёшлигидан манманлик, фаразгўйлик алматлари унинг онгига сингдирилиб борилса, сен ҳаммадан зўрсан, насли-насабинг баланд, хоҳлаган жойингга қўлингни узатсанг етади, ҳатто ўртоқларидан бирини ёки ўқитувчисини хафа килиб келганда ҳам уни койиб, танбех бериш ўрнига уни мақтаб, қилган ишинг жуда тўғри, сен ҳеч кимдан кам бўлмаслигинг керак, биттаси сенга гапириб кўрсинчи, мен ўзим бориб гаплашаман, пул керак бўлса мана, қанча бўлса ишлатавер ва ҳоказо таъбиридаги эркинликлар ва имкониятлар борилса, албатта, болада секин-асталик билан манманлик алматлари шаклланиб боради ва болада бу ижтимоий меъёрга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Жамиятда айникса, ҳозирги бозор муносабатлари шаклланиб бориши муносабати билан, табиийки, пулдор кишилар ҳам кўпайиб, аммо ойладаги пулга нисбатан айрим кишиларда тарбия масаласида озгина камчиликлар мавжудлиги боис, юкорида қайд қилганимиз каби ёшлар бир оз қўпаяётган бўлса ажаб эмас. Боз устига яхши кийим, меъеридан ортиқча ҳар хил тақинчоқлар ва боланинг ёшига нисбатан эртароқ бериладиган иқтисодий имкониятлар ҳам педагогик – психологик нұқтаи назардан шу каби ёшларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Хўш, ушбу салбий ижтимоий меъёрларнинг шаклланишини олдини олиш мумкинми? Айтайлик, жамиятда юкори даражадаги ижтимоий иқтисодий имконияти бор кишиларга маблағини қандай ишлатишда маслаҳат ва қўлланмалар бериш, албат-

та, ноконуний ҳолат. Педагог-психологик нүктай назардан бу муаммонинг олдини олиш, фақатгина тарбия ма-саласига бориб тақалаверади. Жамиятда беш-олти сўм пул топиб, босар-тусарини билмай, оёғи ердан узилиб кетгани камдек, болаларининг тарбиясига ҳам салбий таъсир қилаётганлиги ачинарли ҳол хисобланади.

Оилада бола тарбиясида пул масаласи аралашиши педагогик нүктай назардан умуман нотўғри жараён. Кўпчилик ота-оналар фарзандларини яхши ўқитиш мақсадида мактабда олган баҳоларини пул билан рафбатлантирадилар. Бу жараённинг ижобий ҳолат билан якун топиши қийин гап. Оилада боланинг ўқишга бўлган ички мотивациясини уйғотиб, уни тўғри йўналтира олиш керак, шундагина у олаётган билим, малака ва қўнималарининг мазмун-моҳиятини пул билан ўлчамайди. Унинг ҳаётий зарурият эканлигини, келгусида ана шу билими унга маблағ келтиришини яхши англамас экан, у соҳта билимга, соҳта баҳо олиб, вақтинчалик манфаатдорликка интилаверади. Бунда тарбия усули кўп ҳолларда оила учун ҳам, жамият учун ҳам фожиа билан якунланиши ҳеч кимга сир эмас.Хўш, гап соғлиқ тўғрисида бўлаётган эди-ку, бу гапларнинг аҳоли саломатлигига нима даҳли бор деган савол ўқувчидаги туғилиши мумкин. Одамзотнинг ҳеч бир фаолияти йўкки, у унинг соғлиғига бевосита ёки билвосита, ижобий ёки салбий таъсир қиласин. Жамиятда одамлар орасидаги мавжуд манманлик, фаразгўйлик, кўрабилмаслик, ҳасадгўйликлар туфайли содир бўладиган носоғлом мухит таъсирида қанча одамларнинг соғлиғига путур этиши, унинг аҳоли касалтанишига қанчалик таъсир этиши илмий жамоатчилик томонидан ҳали таҳлил этилмаган. Биз баъзида айрим ноэпидемик касалликлар борасида айрим шов-шувларни кўтариб, унинг олдини олиш йўлларини ахтарамиз. Бу тўғри, албатта, бун-

данда ахоли соғлиғига салбий таъсир этадиган ёмон омиллар борки, уларга биз кундалик одатий ҳол сифатида баъзидә эътибор ҳам бермаймиз. Аммо, айнан ана шу омил орқасидан канча-канча асаб хужайраларимизни бехудага нобуд қиласиз, асабларимизни ҳаддан ортиқ чарчата миз, хар хил касалликлар орттириб ҳам оламиз-да, баъзидә мен шу дардни қаерда орттириб олдим деб хайрон ҳам бўлиб қоламиз. Ҳалкимизда “дард қаерда, боссанг оёфинг тагида” деган ҳикматли сўз бор. Баъзидә ана шу оёғимиз остидаги дарднинг қанчалик бизга яқин эканлигини унутиб қўямиз. Бу эса бизнинг айнан соғлиққа эмас, балки касалликларни келтириб чиқарувчи омилларга нисбатан эътиборсизлигимиздан дарак беради. Доимо одамлар касаллик ҳақида эмас, балки касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида кўпроқ билим, малака ва кўнижмаларга эга бўлсалар, касалликнинг қайси томонда кўпроқ пайдо бўлиб қолишини, олдиндан англаған бўлар эдилар. Кўпроқ ҳалқимиз касалликларнинг олдини олиш деганда, хар хил эмлашларни тушунадилар, ҳаётда шундай касаллик келтириб чиқарувчи омиллар борки, уларга қарши ҳали ҳеч ким эмлашларни ўйлаб топмаган. Бу каби эмлашлар хар кимнинг ўз кўлида, тиббий-гигиеник билим даражасида бўлади.

“Одамлар орасида чақимчилик ва бўхтон гапларни тарқатишдан сақланинглар”, “кишидаги энг ёмон хислат ўта баҳиллик ва қўрқоқлик” деб таъкидланади, Мухаммад Аллайхис-салом пайғамбаримизнинг ҳадисларида. Ҳулоса шуки, айнан ана шундай қишилар тарқатган бўхтон гаплар, баҳиллиги ва қўрқоқлиги сабабли жамиятда одамлар орасига хар хил низолар солиб, уларнинг тинч-тотувлигини, бир-бирлари орасидаги меҳр-оқибатларни бузиб юрувчилар, бошқа гап билан айтганда айнан касаллик келтириб чиқарувчи ана шу салбий омил-

лар эмасми?! Ҳатто, Пайғамбаримиз ҳам умматларига бундай жирканч кишилардан сакланинглар дея даъват этганлар. Бундай ёмон омиллардан, кимки одамларни севса, уларнинг муваффақиятлари билан фахрланса, одамлар тўғрисида ҳамиша яхши ижобий фикрласа, яхшиликни ўзига қурол қилиб олган, яхшилик уруфини сепадиган, ҳатто ёмонликка ҳам яхшилик қилиш билан жавоб қайтара оладиган кишиларгина ҳоли бўлиши мумкин. Кимки, бирорнинг хато килишини кутиб яшаса, билсинки, у аллақачон ўзи катта хатоликка йўл қўйган киши. “кўшнинг бир гилам олса, хурсанд бўлгинки, бир кун келиб бурчагида ўтирасан”, -дейди халқимиз. Манманлик, ҳасадгўйлик ва бу каби иллатлар ҳеч қайси даврда одамларга ҳам, жамиятда ҳам фойда келтирмаган, шундай экан бу одамлар соғлиғига ҳам фойда келтирмайди. Демак, бизнинг соғлиғимизнинг асосий қалити, болага ёшлиқдан бериладиган тарбияда экан, биз катталарнинг ёшлар олдида бурчимиз, уларга айнан аклий, ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий тарбияларни ўз вақтида ва тўғри беришдан иборат бўлади. Бу жараён ҳар бир оиласда ўзига хос тарзда амалга оширилиши мумкин. Бундай тарбиянинг маълум қолипини ишлаб чиқиб, ҳамма учун бир хил тарзда тадбиқ қилиш яхши натижга бермайди. Негаки, ҳар қандай тарбия бу мол эмас, уни хоҳлаган йўналишга ёки халкларга ёки бошқа оиласга экспорт килинса. Тарбия жараёнини тўғри амалга оширишда энг муҳим жиҳатлардан бири, тарбия бераётган кишининг канчалик тўғри тарбияланганлиги ва тарбиялананаётган боланинг ҳозирги тарбия даражаси инобатга олиниши керак.

Одамлар соғлиғига нисбатан энг қўп ёмон таъсир кўрсатувчи ижтимоий меъёрлардан бири баъзи оиласарнинг ёки алоҳида шахсларнинг ифлос яшашга кўнишиб қолишидир. Бунда нафақат киши ўз баданига ёки кийи-

мига нисбатан гигиеник қоидаларга риоя қилмаслиги, балки ўзи яшаб турган уй, фаолият кўрсатаётган мухитдаги тупроқ, сув, хаво ва бошқа хаётий эҳтиёж манбаларига нисбатан ҳам ифлос яшашга кўнишиб ҳолиш одати назарда тутилади.

“Тозалик – соғлик гаровидир” дея ҳамиша бизга ўргатишиб келишган, аммо ҳамиша ҳам талаб даражасида тозаликка риоя қиласизми? ЙЎҚ албатта, демак, одамлар ичида шундай бир тоифа кишилар борки, улар учун ифлос яшашга кўнишиб, одатий ижтимоий меъёрга айланниб қолган. Бошқа носоғлом ижтимоий меъёрлардан ушбу меъёрнинг фарқи шундаки, одатда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, ўз навбатида агар у шахс бирон-бир жамоада фаолият кўрсатаётган бўлса, умумий гигиена қоидаларининг бузилишига олиб келади ва албатта, бир кишининг эмас, балки ўнлаб, юзлаб баъзида минглаб кишилар соғлиғи хавф остида қолади. Агар шахсий гигиена қоидалар нуқтаи назардан масалага ёндашадиган бўлсак, соч, тери, тирноқ, кўл-оёқ, оғиз бўшлиғи, оёқ кийими, ички кийимлар ва бошқа турдаги шахсий гигиеник меъёрларга риоя қилиш, мунтазам ювиниб юриш, ўз вақтида кийимларни тозалаш ва алмаштириш, уларни дазмоллаш, иш пайтида ишчи кийимлардан фойдаланиш, иш ва бошқа талаблар назарда тутилади. Агар масалага умумий гигиеник назардан ёндашилса, умумий жамоат жойлари гигиенаси, умумий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари, қайта ишлаш муассасадари, овқатланиш тармоқлари, болалар муассасалари, даволаш-профилактика ва бошқа жамоатчилик фойдаланадиган ёки фаолият кўрсатадиган жойлар учун ишлаб чиқилган ва риоя қилиниши лозим бўлган гигиеник қоидаларга риоя қилиш назарда тутилади. Одатда тозалик, озодаликка риоя қилишнинг назорати давлат таш-

килотлари томонидан қонун асосида амалга оширилади. Аммо, минг афсуслар бўлсинким, жамиятимизда кам бўлса ҳам ахён-ахёнда ифлос яшашга кўнишиб қолган фуқаролар ҳам, баъзи ташкилотлар ҳам учраб туради. Ифлосликка кўнишишнинг соғлиққа салбий таъсири тўғрисида бахс бўлиши мумкин эмас. Агар одамнинг бир тола сочида ёки тирнофининг тагидан микроорганизмларни санайдиган бўлсак, у агарда патоген микроорганизмлар турига кирса, шу биргина одамнинг ўзи қанчаканча юзлаб, минглаб кишиларга юқумли касалликларни тарқатиши мумкинлигини кўз олдингизга келтириш кийин эмас. Боз устига агар ушибу шахс жамоатчилик овқатланиш шаҳобчаларида озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, саклаш ёки сотиш муассасаларида ишласа, бунданда ачинарлиси у болалар муассасаларида ёки даволаш-профилактик муассасаларида хизмат қилса, биргина кишининг шахсий гигиеник қоидасига риоя қиласлиги қанча-қанча одамларнинг касалланишига олиб келади. Албатта, ҳар бир кишининг гигиеник қоидалариға риоя қилиши унинг яшаш жойига, яратилган ижтимоий – турмуш шароитларига ва унинг иқтисодий таъминланганлик даражаси ва энг асосийси, мазкур шахснинг тиббий гигиеник билим даражаси ва бу борадаги тарбиясига ҳам кўп жихатдан боғлиқ бўлади. Айниқса, қишлоқ шароитларида ҳамма вакт ҳам тўлиқгигиеник қоидаларга риоя қилишга тўлиқ имкон бўлавермайди. Тўғри, бир вактлар мамлакатимизда деярли барча қишлоқ жойларига замонавий ҳамомлар курилган эди. Бугун эса тан олишимиз керак уларнинг кўпчилиги эскирган ва ишламайди. Ишлайдиганлари ҳам талаб даражасида эмас. Шу боисдан баъзида қишлоқ жойларида айнан биз фикр юритаётган ижтимоий турухлар кўпроқ учраши мумкин. Ифлос яшашга кўниши оdatда кўп

жиҳатдан биринчи галда, одамнинг ўзига боғлиқ бўлади. Ҳар кандай холатда ҳам одам мавжуд имкониятлардан келиб чиккан ҳолда ўзида доимо тоза, озода яшашга бўлган кўникмани шакллантирса, биринчи галда ўзининг, қолаверса жамият соғлиғи учун фамхўрлик қилган бўлади. Бундан бир неча минг йиллар илгари зардустийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да “Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асраршга бурчлидир” деб тъқидланади. “Авесто”да ер, сув, замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва саклашга алоҳида эътибор берилган. Инсон ёки ҳайвон ўлиги тушган сой, ариқ, ховуз, қудукларни бир неча марта қатрон қилиш (сувга тўлдириб бўшатиш, ёмғир суви билан ювиш, тўлдириб бўшатиш) тъқидланади. (Хошимов К-1995)

Хўш, бугун биз бу масалаларга кандай муносабатдамиз. Кейинги йилларда бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда, аммо ўзли курмаксиз бўлмаганидек бугун ҳам ичимизда ифлосликка ўрганиб қолган кишилар йўқ эмас. Айрим кишиларнинг тупроққа, ичимлик суви манбаларига, хавога кўрсатаётган муносабатларини кўриб, ёқа ушлашдан бошқа иложингиз қолмайди ва бу ҳолдан кўриниб турибдики гигиеник тарбия борасида қиласиган ишларимиз бисёр эканлигига амин бўлиш кийин эмас.

Кишлоқларда, хатто шаҳарларда кўп хонадонлар олдидан табиатнинг мусаффолигини таъминлаш мақсадида айрим пайтларда ичимлик суви билан таъминланаш мақсадида ариклар, каналлар оқиб ўтади. Айниқса, ёз кунлари ана шу каналлар устида ўрнатилган кичик кўпричалар устида гиламларни ювишлар, оиласдан чиккан ҳар хил оқова сувларни ташлашлар, баъзида билар-билмас

хар хил қаттиқ чикиндиларни ташлашлар, энг ачинарлиси, айрим қўштироқ ичидаги ишбилиармонлар аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш илинжида уйларидагу руҳсат этилмаган күшхоналарни ташкил этиб, сўйилган ҳайвонларнинг керак эмас қисмларини ва чикиндиларини ҳеч тортинимай сув манбасига ташлашларни ҳеч қайси турдаги тарози билан ўлчаб бўлмай колади. Яна 200-300 метр сувнинг оғиш томонига ўтсангиз, жажжигина болаларнинг шу сув манбасида чўмилиб ўйнаб юрганларини кўрганингизда, ха ифлосликка кўникиш ҳам айрим кишилар учун одатий ҳол, яъни ижтимоий меъёрга айланиб қолганлигига яна бир бор амин бўласиз.

Одатда одамлар ичида баъзи пайтларда эшитиб қоласиз, оиласа ёки умуман турмушда керак бўлмай қолган бирор нарсалар бўлса, афсус билан айтиш мумкинки, баъзида бирон-бир кичик ҳайвоннинг ўлиги пайдо бўлиб колса, агар оқар сув манбаси бўлса, яхшиси “сувга ташлаб юборинглар, оқиб кетади” деб кўядилар. Қаерга оқиб кетади? Ахир сиз яшаб турган жойдан ҳам ариқнинг ёки каналнинг қуий кисмида одамлар яшаса керак, бу сув манбасида одамлар ичимлик сув сифатида фойдаланса-чи, ҳеч бўлмагандага ҳайвонлар иchar, ерлар сугорилади. Биз мактаб партасидан жуда яхши биламизки, дунёда ҳеч бир нарса йўқ бўлиб кетмайди, у бир турдан иккинчи турга, кўп холларда бизнинг мисолимизда ёмон, зарарли турга ўтади ва тирик мавжудотнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Демак, табиатда сув ифлосланса, ўз навбатида, тупроқ ва ҳаво ҳам ифлосланади. Тирик мавжудотнинг тириклигини, соғлигини таъминлайдиган ўзи тупроқ, сув, ҳаво ва қуёш нури эканлигини бизга минг йиллар олдин ҳам аждодларимиз кўп марталаб ёзив қолдирганлар. Шу боисдан ҳам миллий қадриятларимиз ва тарихий тажрибаларимиздан, она заминимизни тоза, пок

асрашни ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Яна зардуштийларга мурожаат қиласлилар. “Авесто”да мухит тозалигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш воситалари сифатида қуидагилардан фойдаланганлар:

- ахлатларни бекитиш ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш;
- оташ, иссиқлик ва совуклик йўли билан йўқотиш;
- кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар (исириқ, михок, садаф, пиёз, алоэ, сандал) тулаши йўли билан.

Тан олиш керакки, бугун ҳам баъзи бир ифлослик манбаларини биз айнан шу усуллардан кенг фойдаланган холда, заарсизлантирамиз. Ифлосликка кўникиш – бу касаллик ботқофига ботиш деган гап. Аммо ҳар сафар мени ҳам, ўкувчини ҳам биргина савол, қизиктиради, бу каби кишилар қаерда ва қандай шаклланадилар?

Хўш, болаларда тозалик, озодалик яъни гигиеник тарбияни, гигиеник кўникмаларни қачондан шакллантириш мақсадга мувофиқ ва яхши самара беради? Болага оилада бериладиган гигиеник тарбиядан кўра ҳам биринчи галда, таъсир қиласиган омил – бу оилада олдиндан шаклланган ва амалдаги гигиеник кўникмалар ҳисобланади. Негаки ҳалқимизда шундай бир ҳикматли гап борки, “минг эшигандан кўра, бир марта кўрган афзал” дейишади. Бола эшиганидан кўра, кўрганини қўпроқ эслайди ва ана шу жараёнга тезрок кўникма ҳосил қиласи. Агар оилада олдиндан ифлос яшашга кўникма шаклланиб бўлган бўлса, бу оиладаги катта бўлаётган болаларда ҳақиқий гигиеник кўникмаларни шакллантириш бир мунча оғир кечади. Бола дунёга келиб, оиласа кирган кундан бошлаб, уни тўғри овқатлантириш, тўғри дам олдириш, тийраклик вактинча тўғри тақсимлаш, ҳожатхонага чиқиш, ювинтириш, кийинтиришларни ўз вақтида амалга оширишнинг ўзи бола ҳали онгини танимасдан турибок маълум тартибга – ре-

жимга одатланади. Шунинг учун ҳам “болани ёшлигидан” деб айтилади. Агар биринчи кундан ҳамма тадбирларни пала-партиш амалга ошира бошладингизми, болада маълум тарбия-режим бўлмайди. Кейинчалик уни бир тизимга солиш анча мураккаб иш. Бола сал эсини танигандан кейин уни жадвал асосида ювнитириш, янги кийимларни алмаштириш, тоза ҳавода сайр эттириш, ўйнатишлар, маълум тартиб асосида овқатлантиришлар амалга оширилиб, болада маълум бир соҳалар бўйича кўникмалар аста-секин шакллантирилиб борилади.

Бола 1,5-2 ёшга етганида, албатта, овқатланишдан олдин қўлларини совунлаб ювишга, эрталаб ювениш, кечқурун ётишдан олдин ҳам ювениб, ич кийимларини кийиб ухлашга одатлантирилса, ўз вақтида тирноқлари, сочлари, қулоқ ва бурун тешикларини тозалаб борилса, айни шу тадбирларга болада кўникма пайдо бўлиб боради ва ёши ўсиши билан бу ишларни аста-секин ўзи амалга ошириб боради, албатта катталарнинг назоратида. Болага ўз вақтида тиш ювиш тартибини ва унинг мазмун-моҳиятини яхшилаб тушунтириш керак бўлади. Бола мактаб ёшига етганда юқоридаги тадбирларни деярли мустақил амалга ошира билиши керак. Шу билан бирга бу ёшда болага атроф-мухит, уни ифлослантирмаслик, бунинг соғлиққа зарари ҳақида ўз ёшига нисбатан тўғри тушунтирилса, бу жараён аста-секин бола онгига сингиб боради. Ана шу оиласда олган билим, малака ва кўникмалар кейинги босқичларда болалар боғчаларида, мактабларда, лицейларда, коллежларда, олий ўкув юргларида такомиллаштирилса, хар хил фанлардан бериладиган билимлар асосида мустаҳкамланса, болада атроф-мухитга, табиатга бўлган тўғри муносабат шаклланади, экологик тарбия элементлари таркиб топади ва натижада тоzаликка, озодаликка, гигиеник билим, малака ва кўник-

маларга эга бўлган ҳар томонлама ўз соғлиғига нисбатан онгли шахс ўсиб улғаяди. Аммо, биз саволнинг акси ни ўз олдимиизга қўйган эдик, ифлосликка кўнишиб қолган болалар қандай шаклланадилар. Айнан шу юқорида қайд этилган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмаса, ота-она болаларга гигиеник кўникмаларни шакллантиришга беэътибор бўлса, боз устига ўзларида бундай кўникмалар аслида бўлмаса биз айтган болалар ана шунда пайдо бўладилар. Демак, барча турдаги гигиеник кўникмаларнинг болаларда ўз вақтида ва етарли даражада шаклланиш механизми ҳам биринчи галда оиласади, қолаверса кейинги тарбияларга бориб тақалаверади.

Болалар орасида тозалик, озодалик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар ҳеч қачон мавсумий иш бўлиши мумкин эмас ёки мактабларда, ташкилий ва муассасаларга бирон бир текширувчилар келишига қаратилган тадбир ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу кундалик, доимий тўхтовсиз амалга оширилиши керак бўладиган тадбирлар. Ифлосликка кўнишиб яшовчи кишиларнинг бундай хатти-ҳаракатлари фақатгина ўзларнинг соғлиқларигагина эмас, балки жамоатчиликнинг саломатлигига салбий таъсир этади, аҳоли орасида ҳар хил юқумли касалликларнинг, тери касалликларининг ва заҳарланишларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Марказий Осиё, қолаверса, мамлакатимизда яна бир, нисбатан кенг тарқалган носоғлом ижтимоий меъёрлардан бири бу яқин қариндошлар ўртасида бўладиган никоҳлардир. Тўғри, бу ижтимоий меъёр халқимизнинг онгидан яхшигина ўрин олган, одамлар орасида бу салбий жараённинг ёмон оқибатлари тўғрисида соғлиқни сақлаш ходимлари, жамоатчилик томонидан олиб борилаётган тушентириш ишларига қарамасдан, бугун ҳам бу жараён онда-сонда учраб туриши ва энг ачинарлиси, фожиали

яқунланаётганилигини кўра-била туриб ҳам баъзи жамиятимиз аъзолари томонидан тақрорланаётган аянчли бир ахволдир.

Аслида соғлом авлод учун ғояси остида ўтказаётган ўнлаб, юзлаб ҳар хил даражадаги тадбирларимизнинг асосини, генофонни соғломлаштириш масаласи ётади. Агар биз жамиятимизда кейинги йилларда маълум бир сезиларли даражада илдиз отаётган носоғлом ижтимоий меъёрлардан бири якин қариндошлар ўртасида оила қуришдек иллатдан кутилиш йўлларини излаб, уни харакатда ҳам амалда керак бўлса, кандайдир унинг қонуний асосларини яратган ҳолда нафакат тушунтириш ишларини балки, бу салбий жараёнга қарши оммавий бир кураш зълон қилинмас экан, авлодни соғломлаштириш тўғрисида оғиз тўлдириб гапиришлар, ҳақиқатдан ҳам гап бўлиб қолаверади. Селекционер ҳам ўсимликларнинг янги навини кашф этишда ҳар хил бегона навларни чатиштириш усуллари билан узок йиллар давомида янги кўзланган, серҳосил, ташки мухитнинг ҳар хил ёмон таъсирларига бардош бера оладиган навларни яратишга эришадилар. Бу айтилаётган гаплар аслида ўта бир янгилик ҳам эмас. Бу ҳақда буюк аждодларимиз ҳам кўп марталаб авлодларни соғлом, бакувват бўлишликлари ҳақида “Авесто”да Мухаммад Алайхиссалом Пайғамбаримизнинг ва бошқа шарқ алломаларининг ҳадис ва ҳикматларида, айниқса, улур ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг асарларида, қолаверса, ҳозирги илм ахли ва шифокорлар ҳам, якин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар натижасида ҳар хил нуксонлар, етишмовчиликлар, қасалликлар билан туғиладиган фарзандлар тўғрисида тўхтовсиз таълимотлар бериб келмоқдалар. Бу ҳақдаги маълумотларни қайта-қайта яна тақрорлашнинг ҳожати бормикин? Хўш, олимлар бу носоғлом ижтимоий меъёр ҳақида ёзаверсалар, кўп

марталаб унинг салбий оқибатларида такрор-такрор айтаверсалар, аммо одамлар ўз билганларини яна такрор-лайверсалар бунинг охир оқибати нимага олиб келади. Демак, бу муаммога янгича ёндашиш ва бу салбий жараённинг хаётда, амалда реал олдини олишнинг қескин конунгий чораларини кўриш вакти аллақачон етиб бўлди. Зарур бўлса, Олий мажлисда қонунчилик палатасида ўтирган, биз ишонч билдириб сайлаган, ана шу муаммонинг туб мазмун-моҳиятини тушунадиган ҳалқ депутатлари ҳам бу ҳақда бош котириб, катъий қонунларни чиқаришлиари зарур бўлади. Тўғри, ушбу салбий ижтимоий меъёрнинг давом этиши ва илдиз отишнинг маълум объектив ва субъектив сабаблари ҳам бордир.

Керак бўлса, маҳсус социологлар бу сабабларни ҳам чуқур ўрганиб, қулай варианtlарни ишлаб чиқишилари керак бўлади. Бу дегани айнан қариндош уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида ёшлар, айникса ота-оналар орасида тарбиявий ишларни олиб боришини хеч қандай фойда ва самараси йўқ деган гап эмас. Бу энг асосий қуроллардан бири бўлган ва шундай бўлиб ҳам қолади. Негаки, тарбия ҳар қандай салбий ноносоғлом ижтимоий одатларни камайтириш ёки йўқотишга қаратилган энг кучли восита саналади. У ҳамиша одамларнинг ёши, жинси ва фаолият туридан катъий назар бу ноносоғлом ижтимоий меъёр тўғрисидаги тушунтириш ишлари тўхтовсиз амалга оширилиши керак. Агар жамиятимизда битта яқин қариндошлар ўртасида оила қурилса ҳам-бу қўп. Яқин қариндошлар ўртасида бўлаётган никоҳлар кўпроқ, нисбатан, маълумот даражаси пастроқ фукаролар томонидан амалга оширилади десак ҳам бироз хатога йўл қўйган бўламиз. Мен ҳам шу жамиятнинг аъзоси сифатида, нафақат адабиётлардан ўқиб ёки эшитганларимдангина эмас, балки хаётда бевосита кўрганла-

рим, ҳатто энг ачинарлиси ўз қариндошларимнинг ичидагам ушбу носоғлом ижтимоий мөъёрнинг шаклланганлигини кўриш менинг учун оғир муаммо. Буларнинг кўпчилиги олий маълумотли, керак бўлса, айрим йўналишларда фан соҳасининг фидоийлари, масъулиятли катта лавозимларда фаолият кўрсатаётган кишилар бўлиб, ушбу жараёнларнинг содир бўлишига йўл кўйишларини кўриб қолганингизда, баъзида қўлингиздан хеч нарса (чора) келмаслигини англашингиз жамиятда яна бир носоғлом бола дунёга келиш эҳтимоллигининг ошганлигини гувоҳи бўлиш, тибиёт ҳодими сифатида жуда оғир ҳолат. Якин баъзида ўта якин қариндошлар ўргасидаги никоҳларнинг жамиятда шаклланишининг асосий ижтимоий-иктисодий сабаблари ўзи нимада? Кейинги статистик маълумотларга қараганда, мавжуд касаликларнинг 96 % идан кўпи наслдан-наслга ўтиш хусусиятига эга экан. Албатта, бу касаликларнинг болада юзага чиқиши учун қандайдир салбий омилларнинг таъсири бўлиши керак. Ана шу омилларнинг хам энг асосийларидан бири-бу якин қариндошлар орасида бўладиган никоҳлар саналади. Никоҳ масаласини, аслида, кўп ҳолларда бизнинг шароитда катталар ҳал қиласди. Маълум бир ёшга етган фарзандларини катта қилиб, уларни уйлаш ёки турмушга бериш даражасига келтирган кишини қайта тарбиялаб, бирор нарсага ишонтириш хам бир мунча мушкул муаммо хисобланади. Бу дегани ёшларни болалигидан мазкур муаммо бўйича тарбия бермаслик керак деган гап эмас. Айнан болаларга катта мактаб ёшидан бошлаб, уларни оиласа тайёрлаш масаласида режали, маҳсус дастурлар асосида, оила куриш, фарзанд кўриш, жинсий тарбиялар масаласида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Шундагина агар ёшларнинг ота-оналари айнан уларни якин қариндошлари билан унаштириб оила

куришларига ундағанларида, бу ҳолнинг салбий ёмон оқибатларга олиб келишини улар олдиндан билсалар, бу борада етарли билим ва назарий күнікмаларга эга бўлсалар, албаттa, ушбу жараённинг нотўғри эканлигини отаоналарига тушунтиришга ёки бу борада тажрибали шифокорларга, ҳатто зарурият туғилганида, рухшуносларга мурожаат қилиб масалани, айни пайтда муаммони ижобий ҳал қилишга эришишлари мумкин.

Агар бу муаммони факат тиббиёт ходимларининг зиммасига юклаб қўяверсак, биз ҳеч қачон мазкур масалада яхши самарага эриша олмаймиз. Бу жамиятнинг муаммоси, уни ҳал қилишда барча жамоатчилик teng туриб, биринчи галда, мактаб ўқитувчилари, маҳалла фаоллари, айниқса диний уламолар, ҳукуқ-тарғибот органлари ва қолаверса, касбий нуқтаи назардан тиббиёт ходимлари бирлашган ҳолда, ахоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Кўпчилик ижтимоий меъёрлар ҳалқимизнинг минг йиллар давомида орттирган, шаклланган урф-одатлар, албаттa, бу урф-одатларнинг кўпчилиги бизнинг миллий гуруримиз, улар билан бошқа ҳалқлар олдида қанчалар фахрлансак арзиди. Аммо, айрим ижтимоий меъёрларимиз борки, баъзида улардан воз кечишимизга тўғри келади. Негаки, қайсики ижтимоий одат соғлиғимизга ёки авлод соғлиғига салбий таъсир кўрсатар экан, бундай одат, одатда, носоғлом ижтимоий меъёр деб саналади ва ана шулардан бири бу айнан биз муҳокама қилаётган якин қариндошлар ўргасидаги тузиладиган никоҳлар асосида қуриладиган оиласлардир.

Мен кўп минглик армияга эга бўлган шифокорларнинг бир вакили, олим сифатида ушбу жараённинг келаҷак авлодимизни соғломлаштиришда салбий таъсирини кўра-била туриб, баъзида кўлимдан мазкур йўналишда

бирон-бир нарсаны ўзгартиришда ҳеч нарса келмаёттганини кўриб, яна бир марта керак бўлса, ўн марта амин бўламанки, ушбу тизимни согломлаштиришнинг қонуний асосларини яратиш керак. Бу, менимча, ҳеч қайси фуқаро-нинг қонуний хукукларини поймол қилмайди. Бундай қонун ишлаб чиқилганда ҳам бу қонун менинг назаримда, мамлакатимиз конституциясига хилоф иш бўлмаса керак деб ўйлайман. Негаки бу тадбирнинг тагида, асосан, авлодни согломлаштиришдек энг яхши тадбир ва савобли иш ётибди. Кўпчилик ривожланган давлатларда ҳатто жамиятни, авлодни согломлаштириш максадида, носоғлом туғилиши эҳтимоли мавжуд ҳомиладорликлар тўхтатилади-ку. Мулоҳазадан хулоса шуки, жамиятимизда шаклланиб, аллақачонлардир илдиз отиб бўлган носоғлом ижтимоий меъёрлардан бири-яқин қариндошлар ўртасидаги бўладиган никоҳлар, биринчи галда, айнан шу оиланинг ва келгусида туғиладиган фарзандларининг соғлиғига, қолаверса, жамият саломатлигига ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади, натижада майиб-мажрух, ногирон, касал болаларнинг дунёга келишига сабаб бўлади. Жамиятимиздаги ҳар бир соғлом фикрли фуқаро ана шу носоғлом ижтимоий меъёрнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етса, у биринчи навбатда, жамиятимизда соғлом авлодни шакллантиришдек улуф ғояни хаётга тадбиқ қилишга ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди.

Шу ўринда икки оғиз гап мамлакатимизда фаолият кўрсатиб, диний урф-одатларга кўра ёшларни никоҳдан ўтказишдан олдин, уларнинг ота-оналари, куда-андалар биргаликда қариндошлик муносабатларини батафсил суриштирсалар, улар билан айнан ана шу муаммо тўғрисида тушунириш ишларини олиб борсалар, ҳатто агар ўта яқин қариндошлар оила қурмоқчи бўлсалар, ҳар қандай йўллар билан бўлса-да бу жараённи тўхтатишга ҳаракат

қилсалар, улар ҳам жамиятни соғломлаштиришга нафакат маънавий-рухий, балки тиббий-гиgienик жиҳатдан ёрдам берган бўлар эдилар. Айниқса, вилоят ва узок туманларда никоҳдан ўтказиш бўлимларида хизмат кўрсатаётган ишчи-хизматчилар, масъул ходимлар ҳам бу муаммони жамиятдан йўқ қилишнинг олдинги қатордаги курашчиларидан бўлсалар нур устига аъло нур бўларди. Афсуски, бундай эмас, ҳозирча жамиятимизда ҳар қандай яқинлиқдаги никоҳлар, ҳатто тўйлари бўлиб ўтиб кетганидан кейин ҳам рўйхатдан ўтказилаётганликлари айнан ана шу иллатнинг кучайишига олиб келмаяптимикин. Мамлакатимизда турмуш кураётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласи анча-мунча йўлга кўйилди, аммо узок қишлоқларда ҳали ҳам бу масалага жиддий ёндашибояпти, ёншадилса ҳам юзаки тарзда. Бу ўринда никоҳ бўлимларидағи масъул шахсларнинг таъсири жуда катта бўлмоғи керак. Менинг назаримда, ҳар бир яқин қариндошларни, тиббий кўриқдан ўтмаган ёшларни никоҳдан ўтказган никоҳ бўлими ходимларининг фамилиятини ҳам жиддийроқ ёндашган ҳолда, таҳлил қилиш вақти келди. Демак, кўпчилик олимларимизнинг (Лисицин Ю.П.-1987) саломатлик даражасига таъсир қилувчи омиллардан бири бу ирсий омиллар саналиб, унинг таъсир даражаси 18-22 %ни ташкил этса, уни камайтириш маълум маънода ўзимизнинг қўлимиизда экан-да.

Умуман одамлар орасида қанчалик соғлом ижтимоий меъёрлар бўлса, унинг акси ҳам худди шунча кўп бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталлиб, батағ сил таҳлил қилиш, албатта, осон иш эмас. Аммо, шундай бир носоғлом меъёрлар борки, улар ҳақида алоҳида тўхталмасдан илож йўқ. Тўғри, кейинги ўн йиллар давомида одамларнинг иқтисодий ҳолатида бир мунча қийинчиликлар бўлди, буни инкор қилиб бўлмайди. Шундай

бўлса-да одамлар орасида ўнинг носоғлом ижтимоий меъёр тарқалганки, унинг организмга қўрсатадиган салбий аломатлари бошқа биз юқорида қайд килган носоғлом ижтимоий меъёрлардан кўп бўлса кўп бўлиши мумкин, аммо кам эмас. Бу овқатхўрлик яъни меъёридан кўп ва пала-тартиш, вакти - бемаҳал овқатланиш, гигиеник нұқтаи-назардан оқилона овқатланиш тушунчаси мавжуд. Бу бир кеча - кундузда одамнинг ёши, жинси, бажараётган ишининг туридан ва йилнинг фасли, иқлим ва бошқа шароитлардан келиб чиқиб йўқотган энергиясини қоплайдиган микдордаги овқатлик маҳсулотларини истеъмол қилиш тушунилади. Демак, ҳар одамнинг ёши, жинси, иш тури ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг истеъмол қилиши зарур бўлган калъория энергияга эга бўлган овқатлик маҳсулотининг микдори белгиланган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, одамда асосан уч хил энергия сарфи кузатилади: овқатланиш жараёни учун, овқатлик маҳсулотларини хазм қилиш учун ва кундалик ақлий ва жисмоний фаолиятимиз учун таҳсимланади. Демак, ҳар бир киши ўз фаолиятидан келиб чиқиб, қанча микдордаги овқатлик маҳсулотларини истеъмол қилишни аниқ билиши керак. Агар шу сарфланган энергиядан кўп энергия пайдо қилувчи овқатлик моддаларини истеъмол қилсак, организмда ортиқча сарфланмаган энергия ҳисобига ортиқча тана оғирлиги ёғ тўпланиш кўринишида йигила бошлайди. Буни оддий тил билан айтганда, семириш деб айтилади. Сир эмас, баъзида ҳар хил ўтиришларда, байрамларда, тўй-ҳашамларда меҳмондорчилик авжига чиқади, дастурхондаги нозу-неъматларнинг сон-саноғига етиб бўлмайди. Унинг устига, кетмакет, иссиқ овқатлар кела бошлайди, яна уларнинг кўпчилиги ёғли, оқсилга бой, баъзида овқатларнинг сони 5-6 тадан ҳам ошиб кетади. Бу дегани уларнинг ҳаммасини

истеъмол қилиш керак дегани эмас албатта, “олдига кўйганни ейиш ҳайвоннинг иши” дейди халқимиз. Аммо, афсус билан айтиш мумкинки, овқатхўрликни ўзига одат қилиб олган ёки овқат истеъмол қилишни бекорчиликдан эрмак қилиб, тўйиш сезгисидан маҳрум бўлганлар ҳам орамизда йўқ эмас. ҳар қандай ҳолатда ҳам овқатхўрлик бу ёмон ижтимоий меъёр. Тиббиёт ходимларининг таъкидлашларича, одам қанча оч бўлмасин, тўйиб овқатлиниши мумкин эмас. Овқатланишда ошқозоннинг 20 % бўщ қолдирилган тақдирда, истеъмол қилинган овқатлик маҳсулотининг сингиш жараёни яхши ва осон кечаркан. Овқатхўрликни ўзига меъёрқилиб олган кишида тўйиш хисси йўқолган бўлади, унинг оғзи тинмайди ва, энг асосийси жуда кўп микдорда овқатлик маҳсулотини бир ўтирганда истеъмол қилиши мумкин. Бу аҳвол сурункасига давом этаверса, организмни зўриқишига олиб келади, танада ортиқча ёғ тўпланиди, харакат камаяди, одам суст бўлиб қолади, нафас олиш қийинлашади, юриш оғирлашади, дами қисадиган нафас этишмаслиги кузатилади, юракнинг зўриқишига олиб келади ва охир оқибатда овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилишига, юрак қон томир тизими касалликларига олиб келади. Демак, болаларга оиласда тарбия бериш жараёнида окиона овқатлантириш сирларини ҳам ўргатиш, ўз вактида, етарли микдорда, сифатли, овқатлик маҳсулотлари таркибидаги оқсиллар, ёғлар ва углевод моддаларининг нисбатларига ҳам ҳатъиян риоя қилиш сирларини болаларга маҳсус ўргатилса, келгусида уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишига олиб келади. Ҳаддан ташқари семиз турли ёшдаги, жинсдаги киши ўзини ҳар томонлама нокулай сезса керак. Бу одамни ташки кўринишидан ҳам бесўнақай кўрсатади. Ҳаётдаги бир қатор имкониятлардан ҳам улар маҳрум бўладилар, ихчам кийина олмайдилар, ҳамма қатори узоққа юраолмайдилар, ҳатто семиз кишилар кечаси бемалол ётиб ухлашдан ҳам маҳ-

рум бўладилар.

Мамлакатимизда яна энг кўп тарқалган ижтимоий меъёрлардан бири – бу меъёридан ортиқ чойхўрлиkdir. Кейинги пайтларда адабиётларда таъкидланишича, кўп ҳолларда камқонлик касаллигининг кўпайишига ҳам айнан бизнинг ортиқча чойхўрлигимиз сабаб бўлар экан. Кўпчилик учун чой ичиш бекорчиликдаги эрмак сифатидаги тадбир бўлиб қолган. Биродарини ёки танишини кўриб қолса ҳам “келинг чой ичамиз”, “бизнигиға ўтинг, чой ичамиз”, “чойга келинг” таъбиридаги илтифотлар одат тусига кириб қолган. Бу хурмат юзасидан айтилиб, яхши одатлар каторига киритиш мумкин. Ҳар қандай раҳбарнинг олдига борсангиз албатта, ён столида катта чойнак ва иккита пиёла туради ва баъзида жуда чанқаганидан эмас, балки эрмак учун дўстлар билан чойхўрлик киладилар. Одатда, меъёридан ортиқча истеъмол қилинган ҳар қандай овқатлик маҳсулоти организм учун зарарли эканлигини эсдан чикармаслигимиз керак.

Юкорида қайд этилган барча соғлом ва носоғлом ижтимоий меъёрларнинг негизида инсон тарбияси ётади ва унинг маҳсули киши хулқида намоён бўлади. Демак, бизнинг соғлиғимиз ҳар жиҳатдан ўзимизнинг хулқимизга ҳам боғлиқ бўлар экан. Одатда, одамларни яхши ва ёмон хулқлиларга бўлиб, дунёқарашиб айнан уларнинг ўзига хос хулқлари шаклланаётганда албатта, яхши ва ёмон хулқли, шу билан биргаликда ҳали узул-кесил шаклланиб улгурмаган ўрта мёна хулқли болалар ҳам бўлса керак ва ана шу болаларда ёмон хулқли бўлиш эҳтимоли кучли бўлади. Негаки, биз аввал ҳам таъкидлаган эдикки, ёмон ўсимликлар тез ва кўп ўсади. Ёмон омилининг тарқалиши яхши тарбия омилларига нисбатан, айнан, шу ўргамеёна тарбияга эга бўлган болаларга кучли таъсир этади ва ўз томонига оғдириб кетиш хавфи кучлироқ бўлади. Мен

ўша яхшиларга ҳам ёмонларга ҳам қўшила олмаётган ўрта меёна хулқа эга бўлган болалардаги хусусиятларни яхши хулқли бўлиш томонига ҳам ёмон хулқли бўлиш томонига ҳам тўлиқ шаклланмаган лаёкат деган бўлар эдим. Нега деганда, лаёкат ҳали тўлиқ уйғониб, шаклланмаган қобилият саналади. Агар унга бирон уйғотувчи омил таъсир этмаса, мудроқ ҳолда бўлиб узоқ вақт шу ҳолида қолиб кетиши мумкин. Аммо, бу ҳолат барибир бир умрга мудроқ ҳолда қолиб кетмайди, унга қачондир ёки яхши хулқли кишилар ёки аксига олиб, ёмон хулқли одамлар таъсир қилиб, керакли қобилиятга айлантирилади. Агар яхши қобилиятга айланса, бу шахсада кўпроқ соғлом ижтимоий меъёрлар шаклланишига хизмат қилаади. Борди-ю, унинг акси содир бўлишга жамоатчилик йўл қўйиб берса, билингки бу шахсга, албатта, биз юқорида бутун рисоламизда таҳлил қилиб, унинг шаклланиш сабабларини ахтарган носоғлом ижтимоий меъёрлар шаклланади. Бу, биринчи галда, ўзи учун носоғлом мухит яратса, иккинчи навбатда ва энг ачинарлиси ҳам шундаки, жамият ва кўпчилик учун носоғлом мухит яратувчи манбага айланниб қолади. Хўш, шу ўртада қолган ўрта меёна хулқа эга бўлган ёшларни вақтни бой бермасдан яхши хулқ эгаси қилиш учун нима қилиш керак? Бунинг жавоби битта, жамиятда ҳеч ким фарзандларимизнинг тарбиясида томошабин бўлиб четда туришга маънавий ҳам, ҳуқуқий ҳам, оддий бир шу жамиятнинг фуқароси сифатида ҳам ҳаққи йўқ.

### **Кўлланилган адабиётлар.**

1. Абдуллаев Р.Б. “Хронический гастрит у больных курящих (закладывающих под язык) табак “Нас” – Ургенч. -2005. -114с.
2. Беҳзод Усмон “Софлом авлод-миллатимиз келажаги” // Ишонч газ. 2000 №30 (862) 16.
3. Бабаян Э. “Женщина и алкоголь” // Здравоохранение Узбекистана, 2005. -№20 (432). –5 б.
4. Жабборова Ю.К. “Характеристика состояния соматического здоровья и репродуктивной системы девушек Хорезмской области” // Тиббиётнинг долзарб муаммолари. Урганч 1998, 14-15 б,
5. Исамухаммедов З. “Нафсингни тарбият эт” // Сиҳат-саломатлик. 2005 №4 20 б.
6. Каримов И.А. “Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият”. Ишонч газ.2005 №197 (2038) 2 б.
7. Каримова Васила. “Мехр ва мурувват оиласдан бошлианди” Тошкент, Янги аср авлоди. 2004.26 б.
8. Каримов И. “Тарбиянинг тамал тоши” //Ишонч газ. 2005-№ 2001 (2042) 4 б.
9. Лисицын Ю.П. “Руководство по Социальной гигиене и организации здравоохранения”. Москва: Медицина. –1987. -432с.
10. Милиевская М.Л. “К вопросу о бластомогенной активности “наса” в эксперименте: Автореф.дис.канд. биол наук”. М,1972 24 с.
11. Маткаримов М.У. “Хоразм вилоятида чақирув ёшидаги (18-27 ёш) йигитларнинг касалланиши тўғрисидаги маълумотлар” // Ўзбекистон Республикаси гигиенистлар, санатория врачлари, эпидемиологлар ва инфекционистларнинг VIII-съезд материаллари тўплами. Тошкент- 2005. 187-188 б.

12. Махмудова И. “История табака курения” // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. 2004-№20 (380) 7 б.
13. Рафиев О. “Ёлғиз қариялар доимий эътибор ва эъзозда” // Ишонч газ. 2005 №190 (2031)-1 б.
14. Раупова Г. “Бебаҳо гавҳар” // Ишонч газ. 2005 №179 (2020) 4 бет.
15. Хошимов К. “Ўзбек педагогикаси антологияси” – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995. – 464 б.
16. Чўлпонова Р. “Тамаки соғлиқ күшандаси” // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. 2005-№20 (380)-2 б.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 1992. 18-19 б.
18. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонуни. Тошкент 1992-38 б.

## **Мундарижа**

Сүз боши.....	3
<b>I – боб.</b> Ижтимоий меъёрлар ва уларнинг шаклланиши.....	5
<b>II - боб.</b> Умуминсоний маданият ва унинг соғлиққа тасьири.....	19
<b>III - боб.</b> Жисмоний маданият ва соғлиқ.....	34
Оилада жисмоний маданиятни шакллантириш.....	41
Хомийлик маданияти ва соғлиқ.....	46
Ижтимоий – психологик маданият ва соғлиқ.....	51
<b>IV - боб.</b> Нософлом ижтимоий меъёрлар ва уларни шак- ллантирувчи омиллар.....	61
Кўлланилган адабиётлар.....	141

Т.б Қиммат Ҳамидовимен  
Бозор 002 таддА №01 24 симонд  
единаноҳоҳ йигит Ҳамидовимен  
кимине пор едгузэ тоғбо

агуда наиманни мисмут суктебоҳи Шархан тизини Гимидовим  
Бу-1, кимини от Гимидовимен

**Абдуллаев Ибадулла Кочкарович**

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Жамомат саломатлиги ва соғлиқни саклашни бошқариши кафедраси мудири т.ф.д., профессор.

**Муталова Зулхумор Жалоловна**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти директори, т.ф.н.

---

---

Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 9 б.т.  
Буюртма № 164. Адади 500 нусха.  
«Kelajakka Qadam» Хусусий корхонасида  
оффсет усулда чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани, Навоий кӯчаси,  
Х.Рахматуллаев-1 тор кӯчаси, 1-уй.



Абдуллаев Ибадулла Кочкарович, тиббиёт фанлари доктори, профессор. 1955 йилда Коракалпогистон Республикасининг Беруний туманида туғилган. 1983 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт Институтининг Санитария гигиена факультетини тугатган. 1992 йилда Москвада Ижтимоий гигиена, соғлиқни сақлаш иқтисодиёти ва бошқариш илмий тадқиқот институтидаги номзодлик ва 2003 йилда докторлик диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилган. 80 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан иккита монографиянинг муаллифи. 1993 йилдан Тошкент Тиббиёт академияси Ургач филиалининг Жамоат соломатлиги ва соғлиқни сақлаш бошқариш кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.



Муталова Зулхумор Жалоловна 17.12.1959 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий - Урта Осиё Педиатрия Тиббиёт институтини 1984 йилда тугатган. 1995 йилда тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини ҳимоя қилган.

З.Ж.Муталова 1999-2005 йилда Республика Ахборот таҳлил маркази, 2005 йилдан оса Саломатлик ва тиббиёт статистика институтиниши директоризавозимида физология курсатиб келмоқда.

Унинг разхарлигига Сөглом турмуш тарзи буйича 2007-2015 йилларга мулжалланган Даъват дастири тоғижаси таңерланди.

З.Ж.Муталованинг 2-таддимий маколаси Козогистон Республикасида чон қилинадиган «Сөглом турмуш тарзини шакллантиришини мурабблари» журналида, 1-та маколаси «Халқаро журнал «Абу Али иби Сино» тавалдудинини 1025 ишлите»га бағишлаб утказилган конференция материаллари - журналларда нашр қилинган. Шунингдек, унинг биринчта маколалари Республика рӯзномаларида чон этилган.

З.Ж.Муталова унининг кун ишллик иш тажрибасини ёш врачларга ўргатувчи мураббийдир.

Тошкент тиббиёт академиясида «Умумий соғлиқни сақлаш» Фани буйича магистрларга дарс бериб келмоқда.

Онлали, турт фарзандининг бахти онаси.